

566

ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 2 / 2016



3022



J

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

“USTODI AVVAL” HIKMATLARI

Ўз қалбидаги қўрқувни енга олган инсонгина чинакам хурдир.

Ҳақиқат йўлидан бир қадам четлашиш ундан минг қадам узоқлашишга сабаб бўлади.

Мустаҳкам ижтимоий тартибот сирин қонун олдида барчанинг тенглигидир.

Донишмандликдан мурод ҳузур-ҳаловатга етишиш эмас, азоб-уқубатдан сақланишдир.

Энг мудҳиш тенгсизлик асли тенг бўлмаганларни тенглаштиришга уринишдир.

Комилликка интилган – инсонларнинг энг шарафлиси, қонунни адолатдан айирган эса энг тубанидир.

Муҳаббат – қўш тандаги бир жон демак.

Илм – тўкинликда зийнат, муҳтожликда бошпанадир.

Таълимнинг илдизи – аччиқ, меваси – ширин.

Ўзига маъқул бўлмаган фикр устида ҳам холис ўйлай билиш маърифатлилик аломатидир.

Инсоннинг бирор нарсани ростакамига билиши ўша билганини ўзгага ҳам етказа олишида кўринади.

Билганнинг билмагандан фарқи тирикнинг ўликдан фарқи кабидир.

Экз
№ 2



ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Тахририят
Муҳиддин РАҲИМ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Собиржон ЁКУБОВ
(масъул котиб)

ШОҲСАНАМ
(бўлим мудир)

Ольга ЖОЛДАСОВА
(бўлим мудир)

Хуршид ЙЎЛДОШЕВ
(бўлим мудир)

Наргиза УСМОНОВА
(техник муҳаррир)

Жамоат кенгаши
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Дилором АЛИМОВА

Хуршид ДАВРОН

Шухрат РИЗО

Хайридин СУЛТОН

Абдурахим ЭРКАЕВ

Муртазо ҚАРШИБЎЙ

Қахрамон ҚУРОНБОЕВ

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Мағбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган.

Матиларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба кайд этилиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-бино



233-10-68

233-79-40

239-46-16

Журнал андозаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

2016 йил 10 май куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100^{1/16}, 6 босма тоб. 4292-бюджет. Нашр адади 4012 нусха.

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Ишда – тўғрилиқ, сўзда – ростлик... *Адабиётшунос олим Дилмурод ҚУРОНОВ билан суҳбат*.....4

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Жаъфар ХОЛМУМИНОВ. Туман ичидаги тумонат.....16

Жаъфар ХОЛМУМИНОВ



АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Сарвар АБДУЛЛАЕВ. Тақдир, ирода ва ихтиёр.....22

ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Хуршид ЙЎЛДОШЕВ. Арасту хазинаси.....26

КЎНГИЛ САЛТАНАТИ

Ҳалима АҲМАД. Ҳаққим борми юрагимни танимасликка?!.....34

САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Офтобга ошуфта. *Рассом Шоира Қўзиева асарларидан намуналар*.....42

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Абдулла ОРИПОВ. Унутилмас Мутал
акамиз.....44

ЎТГАНЛАР ЁДИ


Усмон АЗИМ. Қўмсаш
Омон МУХТОР. Бегона.....48

МОЗИЙГА ҚАЙТИБ...

Наим КАРИМОВ. Қасамёд.....52

ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

ШОҲСАНАМ. Тун шунчалар сокинмиди?.. ...56



Шоира ҚЎЗИЕВА. "Келинчак"



Мансурхон ТОИРОВ

МОҲИЯТ ЖИЛОЛАРИ

Мансурхон ТОИРОВ. Резги олмалар.....66

ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Улуғбек ДОЛИМОВ. Маърифат қайғуси.....70

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

- Жўрабек ЧЎТМАТОВ. Илм ва ҳикмат.....80
- Мамлакатхон ЭРГАШЕВА. Миллат
солномаси.....82
- Дилдора УМАРОВА. Постмодерн санъати
тадрижи.....83
- Ойбек ВЕЙСАЛ ўғли. Ойнаи жаҳон ва
ижтимоий фикр.....85
- Насиба АБДУЛЛАЕВА. "Замона шумлигин
билмоқ лозим".....87
- Дилноза ЖАМОЛОВА. Бухоро жадидлари:
ислохот ва таназзул.....89
- Мурод РАҲМАТОВ. Деҳқонларга қарши...
"салиб юриши".....91
- Хусан ХУШВАҚТОВ. Саробга айланган
орзулар.....93
- Журналнинг инглизча мухтасар
мазмуни.....95*

ISHDA – TO‘G‘RILIK, SO‘ZDA – ROSTLIK...

Адабиётшунос олим Дилмурод ҚУРОНОВ билан суҳбат

– Оталар ва болалар муаммоси гарчи XIX асрга келибгина улуғ рус адиби Иван Тургеневнинг довруқли романи боис ўзига тайинли ном топган бўлса-да, аслида – азалий масала. Сиз ёшингиз нуқтаи назаридан “оталар” сафида, касбингиз тақозосига кўра “болалар” даврасидасиз, демак, ҳар икки тоифанинг аҳволи руҳияси сизга кундек равшан. Айтинг-чи, бугун оталар ва болалар муаммоси қайси янгича қирралари билан намоён бўлаётир? Бир адибимизнинг нақлича, ушбу баҳсда ҳар қачон болаларнинг қўли устун келар эмиш, сабаби – оталар ўтади, болалар яшайди. Бир қарасанг ҳазилга, бир қарасанг чинга ўхшайдиган бу гапга барибир эътироз қилгинг келади киши. Ахир, оталар ҳақу болалар ноҳақ бўлиши ҳам мумкин-ку, шундай эмасми?

– Қизиғи шуки, бизда сиз азалий деб атаётган муаммонинг мавжудлигини инкор қилувчилар ҳам бор, аввал шунга тўхталсак. Беш-тўрт йил нарида шу муаммонинг адабиётимиздаги талқинларини ўрганишга бағишланган номзодлик иши ҳимоя қилинган эди. Ўшанда айрим мутахассислар “Бу бизнинг адабиётимиз муаммоси эмас, рус адабиётшунослигидан андаза олинибди” тарзида эътироз бил-



дирган, сезишимча, айти эътирозни сўзсиз маъқуллаганлар ҳам кам эмасди. Одатда, бундай қарашни миллий менталитет, миллий тарбия хусусиятларидан келиб чиқиб асосламоқчи бўладилар. Мисол тариқасида, диққатингизни islom.uz маърифий сайтидаги шу масалага бағишланган мақолага қаратмоқчиманки, унинг илк жумласиёқ эътироз уйғотади: *“Ҳозирги замонда “оталар ва болалар муаммоси” деган гап чиқиб қолган*”. Ҳолбуки, бу асло энди чиқиб қолган муаммо эмас. Қадим Бобилда беш ярим минг йил аввал ясалган идишга ёшларнинг маънан айтиганию оқибатда ғоят қитмир ва беғам бўлиб кетганидан нолиб, *“Бу кунги ёш авлод тамаддунизмни сақлаб қолишга қодир эмас”* деган таассуф битилган экан. Фиръавнлардан бирининг қабрига эса ёшлар ўжар ва қайсар бўлиб қолгани – катталар насиҳатига қулоқ солмай қўйгани, бу аҳволда олам улар билан соб бўлиши афсус ила қайд этилган. Яна – Қобилнинг Одам Атога терс боргани, Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғли Канъон ўлим хавфи остида ҳам падар сўзини олмагани, Иброҳим Халилуллоҳ отасининг динини ҳар йўл билан инкор қилгани – булар муаммо азалий эканига етарли далолат эмасми?!



Муаммо моҳиятининг *“замонавий оилаларда катталар ва кичикларнинг, яъни оталар ва болаларнинг, оналар ва қизларнинг муросаси келишмас эмиш, улар бир том остида аҳил, тотув яшай олмас эмиш. Бунга эса уларнинг ёши ўртасидаги фарқ туфайли дунёқарашларининг мос тушмаслиги сабаб бўлар эмиш”*га келтирилиши, фикримизча, уни жўнлаштиришдир. Зеро, ҳеч бир том йўқки, остидаги оталар ва болаларнинг қарашлари, орзу-интилишлари, дид ё қизиқишларида муайян фарқлар бўлмаса; шунга қарамай, аксар оилаларда муроса ҳукмрон экани ҳам аён ҳақиқат. Тўғри, бизда ёш билан боғлиқ фарқлар камдан-кам ҳоллардагина очиқ тўқнашувга олиб келади, бунинг учун, шубҳасиз, шарқона тарбия ва урф-одатларимиздан миннатдор бўлмоғимиз керак. Бироқ шунинг ўзи, бизнингча, *“Шарқ оилаларида бу муаммонинг бўлиши мумкин эмас”* дейишга, муаммонинг мавжудлигини буткул инкор қилишга асос бўлолмайди: *“Касални яширсанг, иситмаси ошкор этар”* деган гаплар бор, ахир. Менга қолса, муаммони *“Ғарбга хос”* дея ўзимиздан нари қилишга уриниш ўзни алдашдан бошқа нарса эмас. Бир замонлар ўша Ғарбда ҳам оилада ота ва бола муносабатлари биздагига монанд, яъни отанинг сўзи қонун бўлган. Фақат, инсоннинг ижтимоийлашуви кучайган ва тараққиёт суръатлари тезлашган *янги давр* – кўпчилик бунинг чегарасини XVIII асрдан деб белгилайди – сўнгги уч юз йиллар давомида муаммо ҳозирги

кўринишига келди. Бизда бўлса янги даврга хос хусусиятлар XX аср бошларидан – атиги юз йиллардан бери кузатилаётир. Қолаверса, “оталар ва болалар” муаммоси дегани оилавий муносабатлар доираси билан чекланмайди, истилоҳий маънода у авлодлар орасидаги зиддиятни, жамиятнинг тараққиётини таъминловчи ички механизмлардан бирини англатади.

Умумий гапларга ўтиб кетдик, узр, бевосита саволга қайтсак. Дарҳақиқат, кўҳна муаммо бугун ўзига хос тарзда намоён бўлмоқда. Аввало, тараққиёт ва ўзгаришлар шиддати авлодлар ўртасидаги даврий оралиқни тиғизлаштирди: илгари “оталар ва болалар” тарзидаги муаммо “акалар ва укалар” кўринишини олмоқда. Бундай деганимнинг боиси, ҳозир ҳатто 10-15 йиллик фарқ ҳам сезилаётир. Яъни йигит ёшидаги одам ўйчан бош қашиганча “Бизлар ёшлигимизда бундоқ эдик, булар бўлса...” қабилида фалсафа сўқа бошласа, бу шунчаки ҳазил эмас, унинг шу тарз ўйлаш, ҳис қилишига асос бор. Ўз навбатида – буниси, фикримча, иккинчи муҳим жиҳат – вақтнинг тиғизлашувига мос равишда оталар ва болалар орасидаги масофа узоқлашяпти, негаки, замон шиддати боис уларнинг қарашларидаги муштараклик муттасил камайиб бормоқда. Бунинг асосий омили эса глобаллашув шароитидаги маданиятлар қоришуви ва турли-туман ахборотларни олиш имконияти бениҳоя кенгайганидир. Зеро, биринчидан, ўша қоришиқ маданиятга муносабат турлича: катталар яхши ҳазм қилолмай турган нарсаларни ёшлар табиий қабул қилади. Иккинчидан, ахборот олиш имкониятидан фойдалана олиш даражаси турлича: дейлик, эллиқни қоралаётганларнинг кўпи учун “смартфон”у “айфон” деганлари айнан бир матоҳ – телефон, холос, ҳолбуки, боғчадаги айрим болакайлар уларнинг сизу бизнинг хаёлимизга келмаган амалларини қўллаб кўрсатишадди. Хуллас, ушбу омилар таъсирида “оталар ва болалар” муаммоси барҳам топаётгандек – “оталар” ўз ҳолича бир томон, “болалар” ўз ҳолича бошқа томон бўлиб бораётгандек туюлади. Тамсил қилсак, вазият, электриклар айтмоқчи, “контакт йўқ” ҳолатига кирмоқда, контакт бўлмагач эса, биласиз, на учкун чиқади ва на мотор ўт олади. Шунга ўхшаш, жамиятнинг олдинга юриши учун авлодлар орасида зиддият бўлиши шарт, “контакт”нинг йўқолиши турғунлик ва бошбошдоқликка олиб боради...

Ўйлаб кўрса, “томонларнинг қай бири ҳақ” масаласида ёшлиқда бир томону улғайганида бошқа томонга мойил бўлаётганини ҳамма ҳам эътироф этса керак. Сабаби, ҳаммамиз ҳам бу зиддиятнинг бевосита иштирокчисимиз, бас, холис бўлишимиз маҳол. Фақат муаммодан узилиб, у ҳақда абстракт мушоҳада юритсақкина холис бўлишга имкон туғилади. Холис қарагандагина, бу ўринда “ҳақлик” эмас, муроса муҳимроқ эканини кўрамиз. Муроса деганим эса қар-

ши томондаги мақбул жиҳатларни-да кўра билмоқни тақозо этади. Албатта, ёшларга хос янгиликка ташналик ва оламни ўз орзу-хаёлларидагидек кўриш истаги уларга катталардаги шундай жиҳатларни пайқашга халал беради. Бироқ уларда битта устунлик мавжуд – ВАҚТ, яъни олдинда ҳали ўзларининг ва аввалгиларнинг ўй-қарашларию амалларини қайта кўриб чиқиш, қайта баҳолаш имкони бор. Катталарда эса бу имкон камроқ ва кун сайин шамдек эриб-тугаб бораётгани ҳис этилиб туради. Шундан бўлса керак, катталарда “вақт тузатади” деб кутишга гоҳи сабр етишмай қолади, муносабатларида асабий таранглик, гапларида шиква-шикоют оҳанглари кучаяди... Ҳолбуки, агар ёшларнинг узрли ҳолати эътиборга олинса, муаммо кескинлашувида масъулият кўпроқ оталар зиммасига тушади. Негаки, оталар эъзозлаган қадриятларни болалар қабул қилмаётган бўлса, демак, ё улар чиндан қимматини йўқотган, ё биз уларнинг қадрият эканини расмана намоён этолмадик. Мазкур сабабларнинг биринчиси табиий: ёшлар қадриятларимизнинг бари-ни ва бор ҳолича олмайди, сайлаб ва ўз талаб-эҳтиёжларига мослаб олади. Иккинчисига келсак, агар ҳаётимиз давомида қадриятларнинг аслигини намоён этолган бўлсак, ташвишланишга ўрин йўқ: болалар эртами-кеч, балки ўзлари “оталар” мақомига яқинлашгани саридир, уни қабул қилади. Яъни оталар ҳақликни даъво қилиши эмас, ҳаётдаги амаллари билан ибрат бўлиши зарур ва шундагина эртанги кундан кўнгил тўқ кетиши мумкин.

– Ҳозир бутун инсоният экономикоцентризм (талаффузи қийинлигини қаранг!) ҳукми остида яшаётир – моддий фаровонликка эришиш мақсадларнинг мақсади гўё! Жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиёти тадқиқотчиси сифатида сизга яхши маълум: Исмоилбек Гаспрали “Фарангистон мактублари”да Шайх Жалол тилидан бундай дейди: “Молнинг кўплиги ва турфалиги, саноат ва хунарнинг тараққийси инсонларни саодатли қила олмайди. Саодати инсониянинг чашмаси битта, у ҳам бўлса – ҳаққониятдир!” Исмоилбек Гаспрали ва бошқа жадид боболар ҳаққоният деганда нималарни назарда тутган? Ушбу қараш бизнинг давримиз, XXI аср учун нечоғли аҳамиятли?

– Ҳа, худди шу муаммони бир юз ўттиз йил муқаддам Исмоилбек Гаспрали ҳам кўтарган, фақат у талаффузи осонроқ “фойда” сўзини қўллаган. Мен унинг 1885 йилда чоп қилинган “Оврупо маданиятига бетарафона бир назар” рисоласини назарда тутмоқдаманки, у Исмоилбекнинг фикри демоққа, қахрамон тилидан айтилганидан кўра, муносиброқ. Ғарб дунёсидаги таназзулни мушоҳада қиларкан, Гаспрали бунинг асосий омилини “яшамоқнинг ғояси, ҳаракатнинг сабаби ва инсонлар орасидаги муомала фойдадан бошқа бир истак-

ка боғланмаслиги” да кўради. Унга кўра, фойда жамиятнинг маслагига айлангани учун ҳам ижтимоий адолатсизлик, тенгсизлик ҳукмрон, бу ҳол эса табиий равишда социализм ғояларини туғдиради. Ўз даври социалистик ғояларини ўрганган Гаспрали бу ғояларни инсон табиатига зид ва бани башар учун ҳалокатли деб санаб бундай башорат қилади: *“Мудҳиш инқилоблар социализм туфайли содир бўлади. Ўттиз йиллик муҳорабалар, Буюк француз инқилоби мудҳиш социализм инқилоблари қаршисида ўйинчоқ бўлиб қолади”*. Қарангки, Исмоилбек тафаккур кучи билан Октябрь тўнтаришидан ўттиз икки йил аввал унинг Европа тарихидаги энг мудҳиш воқеалардан-да даҳшатли оқибатларга олиб келишидан огоҳ этмоқда. Мазкур таҳликали вазият фойдани асос билиб, ҳаққониятни четга суриш натижасидирки, мутафаккир фикрича, эски маданиятнинг нуқсони айни шудир. Бу ўринда Исмоилбек Гаспрали жадидчиликка хос муҳим бир қарашни – *“Овруподан саноат ва техника билан бирга яшаш тарзи ва қоидаларини”* олмаслик лозимлигини таъкидлайди. Негаки, агар тараққий йўлига кирган ислом ўлкалари *“Оврупонинг изидан эргашиб, охир-оқибатда социализм балоларига дучор бўлаган бўлсак, ҳайф бундай ғайрат ва меҳнатимизга!”* деб билади. Яъни Ғарбга кўр-кўрона эргашмаслигимиз, *“ҳаёт ҳақида ўз муқаддас ғоямизга эга бўлишимиз”* керакки, бу – *“ҳаққоният” асосига қурилган бир яшаш тарзининг меваси*” бўлмиш янги маданиятни барпо этиш ғоясидир. Муҳими, мусулмонларгина ушбу ғояни рўёбга чиқариш учун зарур сармоя соҳиби ва бу сармоя *“Қуръондирки, ҳукмининг ўзи “ҳаққоният”дир”*. Шу ўринда мутафаккир қўллаган *“ҳаққоният”* сўзининг истилоҳий маъноси англашилади. Яъни Қуръони каримда акс этган *“ер ва мулк, сармоя ва фоиз, фард ва жамият, тижорат ва иш, хайр ва хайрот”*, умуман, инсон фаолиятини тартибга солувчи амрларнинг ҳар бири – *“ҳақиқат”*, уларнинг жами эса *“ҳаққоният”*-дир. Исмоилбек жаноблари қатъий ишонадики, агар *“мулк-тижорат ва иш ҳақидаги Қуръон қоидалари оврупоча ҳуқуқ ва ахлоққа асос олинадиган бўлса эди”*, эски маданият таназзулга юз тутмас, хусусан, *“даҳшат солувчи социалистик фикрларга мутлақо ўрин қолмасди”*. Бу эса бир ибратдир! Шунинг учун ҳам у мусулмон ўлкаларини тараққий эттиришнинг шарти ўлароқ ақлларни маърифат-ла ёритишу қалбларни ҳаққониятга тўлдиришни биринчи ўринга қўяди.

Исмоилбек Гаспрали рисоласидан қарийб ўттиз йил кейин яратилган *“Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”* да Абдулла Авлоний ёзади: *“Ҳаққоният деб ишда тўғрилиқ, сўзда ростликни айтилуру. Инсон бўстони саломатга, гулзори саодатга ҳаққоният йўли ила чиқар. Инсониятнинг илдизи ўлан раҳмдиллик, ҳақшунослик, одиллик каби энг яхши сифатларнинг онаси ҳаққониятдур”*. Фикримча, бу ўринда бир нуқтага – таъриф мазмунида дунёвийлик томон силжиш бўл-

ганига диққатни тортиш керак. Тўғри, Авлоний ҳам мазкур истилоҳ Оллоҳнинг муборак номи билан боғланиши ва “ҳаққоният нури қайси дилда жилвагар ўлса, жаноби Ҳақнинг тавфиқи раббонийси шу дилда нашъу намо қилиши”ни таъкидлайди. Бироқ шунда ҳам, салафидан фарқли ўлароқ, ҳаққониятни мусулмонларга фарз қилинган қоидалар мажмуи эмас, кўпроқ инсон ахлоқига хос хусусият сифатида талқин этади. Албатта, моҳиятда ўзгариш бўлмади, бироқ бу силжиш ўзида ижтимоий-тарихий шароитдаги ўзгаришларни акс эттиргани шубҳасиз. Зеро, бу вақтга келиб миллий зиёлилар тоифаси оёққа туриш ва ўзини “қадим”чиларга қарши қўйишга, Гаспдали офат санаган социалистик ғоялар кўпчиликка озми-кўпми таъсир қилишга улгурган... хуллас, булар энди бошқа, алоҳида ўрганишга лойиқ масала.

Ҳозирги кунга келиб “ҳаққоният” сўзи истеъмолда истилоҳий маъносини йўқотган, янги изоҳли луғатда унинг иккита маъноси қайд этилиб, улар: “1. айн. **ҳаққонийлик**. ... 2. айн. ҳақиқат. ...” тарзида шарҳлангани ҳам шунга далолат қилади. Бироқ муаммо ҳамон долзарб, сиз айтган экономоцентризм солаётган жиддий хавфни мудом сезиб турибмиз. Хайриятки, жамиятимиз ўтмишни унутмаслик, ажодлар тажрибасига таяниш кабиларни ўзига қадрият билади. Бу деганим, дастур қилиб олганимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” шиори ва шу асосда маънавиятга устувор аҳамият берилаётгани, моҳиятан, ўша боболар назарда тутган “ҳаққоният”нинг бугунги воқеликдаги намоёнидир.

– Сукрот ўз фикрларини оғзаки баён этиш билан кифояланган, бирор сатр ҳам қоғоз қоралаган эмас. Бунинг сабаби сўралганда донишманд “Ахир, кейинги авлодлар бирор фикримни ғалат талқин этгудек бўлса, билагидан маҳкам тутиб, йўқ, мен буни назарда тутмаганман, деб айтолмайман-да”, дея жавоб қайтарган экан. Бугун дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни кузата туриб, Сукрот бежиз хавотирга тушмаган экан-да, деган хаёлга борасан киши. Ахир, Оллоҳ каломи – Қуръони карим оятларини бир-бирдан фарқли, ҳатто зиддиятли шарҳлаш оқибатида қонли тўқнашувлар юзага келаятгани бор гап-ку! Герменевтика мағзини обдон чаққан олим, қолаверса, “Талқин имконлари” деган китоб ёзган муаллиф сифатида айтсангиз: талқинда ҳам қандайдир қизил чизиқ – ўтиш тақиқланган сарҳад борми? Агар шундай чизиқ бўлмаса, талқин абсурдга, бемаъниликка айланиб кетмайдими?

– Сукрот фалсафанинг оталаридан бири сифатида эътироф этилиши бежиз эмас-да, қаранг, шу гапининг ўзиёқ унинг нечоғли донишмандлигини кўрсатади! Ростини, мени ҳам кўпдан бери ўйлатиб келадиган саволни ўртага ташладингиз. Дарҳақиқат, нутқингиз, у

хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма бўлсин, турлича тушунилиши бор гап. Негаки, нутқий мулоқот жараёнида биз бир-биримизга фикр эмас, унинг ифодаси – нутқ товушлари ё ёзув белгиларидан таркибланган шаклини узатамиз. Ўз навбатида, тингловчи (ёки ўқувчи) ўша шаклни ҳиссий идрок этади, яъни сезгилари – эшитиш ё кўриш орқали қабул қилади ва қайтадан фикрга айлантиради. Демак, маъно яратувчи субъект битта эмас, бас, узатувчи онг билан қабул қилувчи онгдаги фикр ҳам айнан бўлолмайди. Ҳали сиз эслатган китобчада бунга бир мисол келтиргандим, ҳозир шуни такрорлагим келди. Тасаввур қилингки, "...суҳбат иштирокчиларининг бари танийдиган одам ҳақида "Аҳмад ака хўроз-да!" дейилди. Тингловчиларнинг ҳаммаси буни маъқуллади, фақат уларнинг бири "Аҳмад ака тез, жанжалкаш одам" лигини, иккинчиси "Аҳмад ака аёлларга ўчроқ, "юрадиган" одам" лигини, учинчиси "Аҳмад ака – мард одам" лигини билади ва ҳар бири ўз билганидан келиб чиқиб сўзловчини маъқуллади. Ҳолбуки, сўзловчи "Аҳмад ака аёллар бригадаси бошлиғи" эканини назарда тутган, холос".

Қаранг, шакл битта бўлгани ҳолда суҳбат иштирокчиларининг ҳар бири унга ўз маъносини юкламоқда. Ўзгалар билан муомалада бот-бот "Ундай демоқчи эмасдим..." қабилида узрхоҳлик қилиш зарурати юзага келиб туришининг асл маншай ҳам аслида шу. Фақат буни хафа бўлаётган томон "ўйламай гапириш", узрхоҳлик қилаётган томон эса "қилдан қийиқ чиқариш" деб тушунишга мойилроқ. Хўп, жонли мулоқотда-ку узрхоҳлик қилиш, айтилмоқчи бўлганни изоҳлаб бериш, яъни, жиллақурса, суҳбатдош кўнглига инган ғуборни кетказишга ҳаракат қилиш имкони бор, гарчи бу имкон тўлиқ самара бермаса, ғубордан барибир из қолса ҳам. Ёзма нутққа келсак, унда шу ҳаминқадар имкон ҳам кесилади, яъни бунда энди "Айтилган сўз – отилган ўқ" ёинки русларнинг "Қалам билан битилганни болта билан ҳам ўчириб бўпсан" мақоллари қатъий амал қилади. Зеро, ёзувда муҳрланган ониданоқ фикр ўз эгасидан айро мустақил ҳаётини бошлайди – минг-минглаб онгларда қайта-қайтадан жонланиб, ҳар бирида айрича жилоланаверади. Ҳақиқатан ҳам, Сукрот айтмоқчи, унга энди ҳатто эгасининг (муаллифи) ҳам заррача бийлиги йўқ, яъни муаллиф талқини ҳам бор-йўғи имкондаги талқинлардан бири.

Хуллас, матнни турлича тушуниш имконияти ҳамиша мавжуд, демак, у талқин асоси бўлолмас экан-да? Негаки, агар матнга асосланиб қайта яратилган фикр тўғри десак, унда турфа талқинларнинг барини тўғри дейиш керак бўлади. Яъни у ҳолда, сиз айтмоқчи, муқаддас манбаларни "бир-биридан фарқли, ҳатто зиддиятли шарҳлаш оқибатида" юзага келаётган ҳолатларни ҳам нормал ҳол деб қабул қилишимиз керакки, соғлом ақл бунга кўнмайди.

Айни ҳол матн мазмуни контекстдагина реаллашади деган қарашни устувор этади. Унга кўра, матнни *ким, қачон, қандай вазиятда* яратганидан келиб чиқиб тушуниш керак. Бироқ шуниси борки, биз умумлаштириб учта савол шаклига келтирган контекстларни ҳам ҳар ким ўзича тасаввур қилади. Дейлик, матн яратувчисининг ким экани – ҳаёт йўли, муҳити, феъл-сажияси, орзу-интилишлари ҳақидаги билимларимиз фарқ қилади, демак, у ҳақдаги тасаввурларимиз ҳам фарқли. Шунақа экан, матннинг биографик контекстдаги талқини ҳам субъективликдан, демакки, турличаликдан холи бўлмайди. Худди шу ҳукмни бошқа контекстларга (тарихий, маданий, ижтимоий ва ҳоказо) нисбатан ҳам бемалол айтиш мумкин. Албатта, контекстуал таҳлил бизни матн яратувчиси кўзда тутган мазмунга яқинлаштиради, бироқ у – адоқсиз жараён-да, чунки *ким, қачон, қандай вазиятда* сўроқларига жавобимиз мудом аниқлашиб боради...

Нихоят, ўша “қизил чизик – ўтиш тақиқланган сарҳад” ҳақида. Асли, шу чоққача айтганларимиз талқинда бундай чизик йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигига далолат қилаётгандек. Зеро, модомики ўқувчи (тингловчи) ҳам мазмун яратувчи субъект экан, матннинг ўзини алоҳида оламизми ва ё контекстлар доирасидами, қатъи назар, турлича талқин қилиш имконияти ҳамиша бор. Истаймизми-йўқми, ҳар икки ҳолда ҳам талқин йўналишини белгиловчи бош омил *талқинчи* бўлиб қолаётир. У эса, биласиз, *виждон* билан *нафс* орасида талаш – иккисига ҳам қулоқ тутиб яшашга маҳкум, қалбида жаннат ҳаёли ва ё ўзга юксак мақсад-интилишлар билан бўғзигача турмуш ташвишларига ботиб яшаётган ожиз бир банда. Шундай бўлгач, талқиннинг шахсий ё гуруҳий манфаатдан келиб чиқиш эҳтимоли ҳам, таассуфки, жуда катта. Жумладан, муқаддас манбаларни-да “бир-биридан фарқли, ҳатто зиддиятли шарҳлаш оқибатида қонли тўқнашувлар юзага келаётган”и шунинг касридир. Сираси, айни ҳолат “қизил чизик” масаласини ғоят долзарб этаётгани, ҳозирча айримларнигина ўйлатган бу саволнинг эртами-кеч бутун афкор омма онгини забт этиши муқаррар экани ҳам ақлга тайин. Бироқ бунинг учун яна қанча қурбонлар берилиши, қанча қон тўкилиши керак?! Бас, башариятни ҳалокатдан сақлаш учун “қизил чизик” тортилиши шарт ва у бандаларнинг битиклари билан илоҳий манбалар орасидан ўтмоғи керак. Аслида-ку, бу чизик азалан бор, фақат моддиюнчилик таъсирида шахсий тақдирю олам равишини ўзи белгилашига ишониб қолганидан кибрга берилган *янги одам* буни эътиборига арзитмай қўйди, холос. Энди эсни йиғиб, ҳали мухтасар тавсифланган қонуниятлар чизикнинг бериги томонидагина амал қилади, нариги томон – илоҳий манбалар ҳудуди дахлсиз, деган ҳақиқатни қайтадан тан олиш фурсати

етди. Ахир, Оллоҳнинг каломини турлича талқин қилаётганларнинг аксари чин мусулмонлик даъвосида-ку! Шундай экан, имонли одам учун Оллоҳ – мутлақ ЭЗГУЛИК, мутлақ ҲАҚИҚАТ, мутлақ АДОЛАТ... бўлиши керак! Бас, муқаддас Каломда шуларга буюрилганмиз, бундан ўзга маънолар уқайтган бўлсак, энг аввал, имонимизни тафтиш қилиб кўрмоғимиз зарур. Сиз ўртага ташлаган масала бўйича ожиз ақлимнинг етгани шугина, яна Оллоҳ ўзи билгучидир!

– *Ўзингизга маълум, математикада соддалаштириш деган бир усул бор. Масалан, $\frac{4000}{1000}$ дан сурат ва махраждаги учтадан ноль қисқартирилиб, $\frac{4}{1}$ ҳосил қилинади. Бунда моҳиятга мутлақо путур етмайди, чунки ҳар икки ҳолатда ҳам бўлинма 4 га тенг. Энди нигоҳни фандан узиб, жамиятга қаратсак: бугунги кишилар ҳаётида ҳам анча-мунча “ноллар”ни қисқартиришга эҳтиёж бордек, назаримда. Бу ўринда мен “ноллар” деганда бизни инсоний моҳиятимиздан чалғитувчи, хоҳ моддий, хоҳ маънавий бўлсин, барча нарсани назарда тутаялман. Ушбу фикрга нима дейсиз? Сизнингча, биз аввало қайси “ноллар”дан халос бўлмоғимиз зарур?*

– Азбаройи саволни арифметик йўсинда берганингиз ёқиб кетганидан шу йўлда жавоб бергим келди. Масала шарти ҳаммага маълум: инсон фаришта билан ҳайвон оралиғида яратилган, дейилади. Буни мана бу шаклда ифодалаш мумкин:

$$\frac{1}{1} = 1$$

Бу ифодада суратдаги бир – фаришта, махраждагиси – ҳайвон, бўлинма эса инсон, яъни меъёрдаги инсон бўлсин. Яна айтиладики, фариштага ақл ато этилди-ю, нафс берилмади; ҳайвонга эса нафс берилиб, ақлдан маҳрум этилди. Арифметик қоидага кўра, биласиз, махраждаги қиймат бўлинмага кескин таъсир қилади: у каттарса, бўлинма кичрайдиган ва, аксинча, кичрайса – каттаради. Масалан, агар нафс ўндан бирга ўлдирилса, инсонийлик тақрибан шунчага юксалади ва, аксинча, мабодо нафс ўндан бирга кучайса, инсонийлик шунчага пасаяди. Шунга кўра, инсонлик моҳиятидан чекинмаслик учун мудом нафс билан олишиб яшашга маҳкуммиз. Демокчи бўлаётганим янги гап эмас: бизни инсоний моҳиятимиздан чалғитувчи нарсалар ташқарида эмас – ўз ботинимизда. Яъни ўша “ноллар” ташқаридан келиб бирнинг ёнидан жой олмайди, йўқ, вужудимиздаги бирнинг ўзи аъмолимизга қараб кимда ўнлик, кимда юзлик, кимда минглик каср сон миқдорида кўпайиб ё камайиб боради...

Даставвал қайси иллатлардан халос бўлиш керак, деганингизга келсак, энг аввал кибрни айтган бўлардим. Негаки, кибр – бугунги ҳаётимизда учраб турган кўплаб иллатларнинг онаси. У эса, била-

сиз, нафсдан, яъни ўзимизни севишимиздан бинога келади. Аслини олганда-ку, моҳиятимизнинг тенг ярми нафс экан, ўзни севиш ҳам зарур ва табиийдек. Фақат, ўртага яна ўша меъёр масаласи тушадики, унга риоя қилиш ғоят мушкул, ўзни севишнинг меъёрдан ортиғи эса тўппа-тўғри кибрга олиб боради. Кибрга бўй берган одам ўзини ўзгалардан бешак устун ҳис этади. Бу ҳисни у фаолиятида манманлик, ўзбилармонлик каби тамойилларга таянибгина реаллаштириши мумкинки, натижада ўзгаларни менсимаслик, бировнинг шаънини топташ, ҳақини ўзлаштиришу ҳуқуқини поймол қилиш унга одатий ҳол бўлиб кўрина бошлайди... Таъкидлаш жоизки, бу гаплар ижтимоий мақоми баланд кишиларгагина тегишли деб ўйлаган хато қилади. Зеро, бу вирусдан деярли ҳамма зарарланади, кишининг ижтимоий мақомига касалланиш даражасию иситмаси боғлиқ, холос. Айтайлик, ўтиш жойида пиёдага йўл бермаган ҳайдовчи, унинг қилмишини кибрга йўйсак, эҳтимол, ҳайрон бўлар, эътироз ҳам қилар. Бироқ куппа-кундуз куни ҳеч тортинмай, пиёданинг ҳақини ўзлаштираётгани замирида менсимаслик, кибр бўлмай нима? Ёки соат фалонга деб туманнинг энг катта залига мажлис чақириб қўйган раҳбарнинг уч-тўрт соатлаб бемалол “ушланиб” қолавериши ҳам айни кибрдан, ўша залга тўпланган одамларни менсимасликдан бошқа нарса эмас. Кечиккани-ку хўп, майли, лекин узр сўрашни хаёлига ҳам келтирмай, мажлис аҳлини ёппасига “сен”лай бошлаши, тикка қилиб қўйилган “осий”ларга айтгани – эшитса илон пўст ташлайдиган ҳақоратлар... булар энди кибрнинг хуружи, жўш уриб кўпириши, халқона тилда айтсак – қутуриш! Демокчи бўлганим, ҳайдовчида ҳам, арбобда ҳам кибр меъёрдан ошди, фақат даража биринчисида, борингки, мингдан бирлар билан, иккинчисида эса ўндан бирлар билан ўлчанади...

Бир ривоят эсга келяпти, адашмасам, Эпикур эди, шогирдлари билан турса, ўта башанг кийинган киши ўтиб қолибди. Файласуф уни кўрсатиб айтдики, “Бу кибрдан!” Бир оз фурсат ўтиб, энди ўта жулдур кийинган киши ўтди, устоз унга ишора қилиб дедикки, “Бу ҳам кибрдан!” Ривоятни эслашдан мурод – битта хусусиятнинг бир-бирига тамом зид икки кўринишига диққатни тортиш. Зеро, инсонийлик асосларидан бўлмиш ғурур, виқор, ор каби сифатлар маншаи ҳам нафс, ўзни севиш-да! Яъни нафсни буткул оёқости қилиш ҳам, агар таркидунё қилмаган бўлса, кишини инсонийлик моҳиятидан йироқлаштиради. Дейлик, ҳақимизга сурбетларча тажовуз қилинишию ҳуқуқимизнинг поймол этилишига миқ этмай йўл қўйиб беришимиз, қадримизни ерга уриб, шаънимизни таҳқирловчи ҳақоратларни ютиб юборишимиз – номини ҳар қанча чиройли қилиб “андиша” десак-да, асли, қуллик психологиясининг қолдиғи, унга қайта жон ато этган эса, юқорида айтганимиз – меъ-

ёрнинг бузилишидир. Энг ёмони, шу қолдиқ билан кибрнинг чатишувидан, нима десам экан, “мутант” бир хусусият пайдо бўлди. Бу ўринда ўзи бош бўлган муҳитда ҳокими мутлақ, юқори доираларда эса буткул муте ўлароқ ҳаракат қилишни назарда тутмоқдаман. Оқибат, “мен бошлиқман, сен – аҳмоқ, сен бошлиқсан, мен – аҳмоқ” тамойили урфга кириб бораётгандек...

– Биз ҳақиқат жарчиси саналмиш адабиётни бутун халқни қамраб олган азим ҳаракат қиёфасида кўришга одатланганмиз. Айтинг-чи, кейинги вақтда бу азим ҳаракат сафлари бир қадар торайиб ва сийраклашиб кетмаяптими? Адабиёт бир сиқим ёзувчи ва мунаққидлару оз сонли ўқувчилар иши бўлиб қолмаяптими? Сизнингча, “Оққан дарё оқаверади” нақлига таяниб, адабиёт юсак ижтимоий мавқеини қайта тиклашига умид боғлаган маъқулми ёки бу ёғига сўз санъати аввалгидан мутлақо фарқли янги қонуниятлар измида бўладими?

– Дарҳақиқат, биз адабиётни сиз айтгандай кўришга одатланганмиз. Зеро, сизу бизнинг қарашларимиз шаклланган вақтлар адабиёт нафақат бадий, балки миллий ижтимоий тафаккурнинг ҳам илғорида эди. Эсланг, у вақтлар ҳозиргидек ўнлаб телеканаллар кеча-кундуз тиним билмай ишлаб турмас, интернет деганлар-ку хаёлимизга ҳам келмаган... хуллас, биздаги маънавий-руҳий ташналикни қондирадиган ягона чашма эди-да адабиёт. Эҳтимол, булар ҳозиргиларга муболағадек кўринар, лекин яхши китоби бор одамни излаб топиб, бир кун-ярим кунга сўраб олиб, гоҳи ҳафталаб, ойлаб навбат кутиб ўқиганимиз бор гап ва бу сизу биз учун аини ҳақиқат. Ҳа, айнан шундай: биз учун ҳақиқат! Бироқ уни ёшларни – фарзандларимиз ё шоғирдларни яниш учун дастакка айлантириб олиш ҳам тўғри эмас-да! Кейинги вақтлар шу фикрда тобора муқимлашиб боряпман. Тўғри-да, ёшларимиз маънавий-руҳий ташналигини қондирадиган чашмалар кўпайиб кетди, ахир. Албатта, бу чашмалардан оқиб турган сувнинг таъми, софлиги, таркиби бир хил эмас, лекин ҳаммаси ҳам бирдек ташналикни қондиради...

Мабодо сўз ва ижод эркинлиги адабиётнинг оммавий ўқилишига барҳам берди, десам, балки парадоксал фикр айтгандай кўринарман. Бироқ ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Ўзингиз айтгандай, биз адабиётда “ҳақиқат жарчиси”ни кўриб ўрганганмиз. Зеро, матбуот, радио ва телевидениеда расмий нуқтаи назардан зиғирча чекинишга йўл қўйилмаган бир шароитда адабиёт руҳ эркинлигини реаллаштиришга озми-кўпми имкон берадиган ягона майдон эди. Эсланг-а, ҳозирги ўқувчига бориб турган замонасозлик бўлиб кўринувчи айрим шеърларнинг сатр ораларида яширин исён руҳини уққанмиз, шундан маънавий қувват олганмиз. Аини руҳ йилдан-йил куча-

йиб борганию 80-йиллар ўрталарида ҳадди аълосига чиққани ҳам ёдингизда бўлса керак. Кейин сўз эркинлиги... Энди шоиру адиблар “йўлини қилиб” гина айтолган гапларни ҳатто ўргамчик журналист ҳам бемалол айтадиган бўлди. Табиийки, бундай шароитда адабиётнинг “ҳақиқат жарчиси” бўлишига зарурат қолмади.

Чўлпоннинг “Адабиёт яшаса – миллат яшар” хитоби, нима деса экан, аванс тариқасида айтилган гап эди. Зеро, оташин шоир бу ўринда миллатни уйғотиш, унга ўзлигини танитиш орқали истиқлол ва тараққий йўлига солувчи янги адабиётни, яъни эндигина шакллана бошлаган адабиётни назарда тутган. Кейинроқ, улоқ шўрода кетиб, адабиёт мафкура қуролига айлантирилган шароитда Абдулла Қаҳҳор гарчи кўпроқ “ўтин ёришга” сафарбар этилган бўлса-да, унинг “атомдан кучли” эканини эътироф этди. Сизу биз китоб ўқишга муккадан кетган чоғлар эса ўқувчи оммани эрк соғинчию ҳақиқатга ташналик бирлаштирган эди, назаримда. Демокчи бўлганим, адабиётнинг ижтимоий мавқеи кучайган даврларда ўқувчи омманинг аксариятини бирлаштирувчи ғоя ё дард мавжуд бўлган. Бугунги воқелик эса ўша замонлардан тамом фарқ қилади. Зеро, бугунги кун кишиси кўпроқ ўзи ва яқинлари турмушини фаровон қилиш, фарзандлари истиқболини таъмин этишга замин ҳозирлаш билан банд. Бундай вазиятда адабиётнинг илгариги ижтимоий мақомга эга бўлиши осон эмас...

Хуллас, эндиликда адабиёт нимагадир восита бўлиб эмас, ўз ҳолича – адабиёт ўлароқ яшаётир. Айни ҳолни эътиборга олмасдан, бугунги адабиётга эски тасаввурлар билан ёндашмоқдамиз. Ҳолбуки, объектнинг табиати ўзгарган экан, ёндашувимизга ҳам муайян ўзгаришлар киритилиши лозим. Муаммонинг яна бир ўткир қирраси шуки, ёш авлодга адабиётни ўқитишимиз ҳам аксар ўша эскирган тасаввурларга таянади. Айтмоқчиманки, биз ҳозир – адабий ижодда, адабиётни англаш ва уни ўқитишда янгиланиш жараёнлари кечаётган бир паллада, бошқача айтсак, ўтиш даврида турибмиз. Ҳар қандай ўтиш давридаги каби бу гал ҳам зиддиятлар, чалғишлар, йўқотишлар бўлиши табиий. Бироқ “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” деган шиор бесамар кетмаслиги аниқ. Пировард-натижада жамият адабиётни асл қимматига муносиб қадрлайди, у ҳам бунга жавобан миллатни маънавий юксалтиришдек вазифасини уддалашда самарали ва бардавом бўлади деб ишонаман.

Муҳиддин РАҲИМ суҳбатлашди.



TUMAN ICHIDAGI TUMONAT

ТАҚЛИДЧИЛИК

Асрлар бўйи ихтилофлар, урушу қир-гинбаротлардан ҳориган башар фазо ва вақтнинг чексиз уммонида кўтарилган тўфонлар қуршовида ҳадик ила олға интилмоқда. Охиримиз нима бўларкан? Барчанинг хаёлида фақат шу ўй чарх уради...

“Бар сари мижгон чу ашк истодайи, ҳушёр бош!” (Киприк учидаги бир томчи кўзёш мисол қалқиб турибсан, ҳушёр бўл) дейди мутафаккир Мирзо Абдулқодир Бедил. Салкам тўрт аср ўтса ҳамки, инсониятнинг бугунги кунига атаб айтилгандек бу сўзлар. Жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган экологик муҳитнинг бузилиши, радиоактив ифлосланиш, наркотик моддалар ва одам савдоси, халқаро терроризм ва диний экстремизм, турли таносил касалликлари ва иммунитет танқислиги, бенаво қочқинларга ёрдам қўлини чўзиш каби долзарб муаммолар ҳали-ҳамон ечимини тополгани йўқ. Инсоният тараққиётининг ҳеч бир босқичи силлиқ кечмаслиги, унинг ўзига хос инжиқлиги, паст-баланди, таъбир жоиз кўрилса, “ноз-истиғно”си бўлиши эса табиий.

Рашод Нури Гунтекиннинг йигирманчи аср бошларидаги турк ижтимоий ҳаёти тасвирланган “Чолиқуши” романида бир маориф чиновинининг оғзини тўлдириб “Овруро, Овруро!” дея қичқирганини эслайлик. Бу Европа маданияти таъсирига тушиш, унга кўр-кўрона тақлид қилиш, уни ягона нажот йўли деб билишнинг типик намунаси дир. Орадан бир аср ўтиб, яна бир турк сериалидаги хусусий телевидение раҳбарининг оғзидан бол томиб, “Глобализм, глобализм!” дея бонг уриши-чи?!

Азалдан қудратли ёки ҳукмронликка интилаётган маданият заиф маданиятларни урушсиз, куч ишлатмай маҳв этади. Бу жараёнда инсондаги тақлид инстинкти қўл келади. Гарчи ақл, нутқ, нозик ҳис-туйғу ва бошқа илоҳий неъматлардан баҳраманд бўлса-да, инсон биологик мавжудот сифатида инстинктдан ҳам мосуво эмас. Муаммо шундаки, инстинктга бўйсуниб, унинг қўлига айланиш бугунги давр кишисининг аъмолига айланиб бораётгандек. Тақлид маймунларда кўпроқ намоён бўлади. Аини шу жиҳатдан

ақли ноқис одам тилсиз ҳайвондан фарқи йўқ ҳисоби. Сиёсатшунос олим Нарзулла Жўраев олмон файласуфи Фридрих Нитше фикрларини таҳлил қилиб, бундай ёзади: "Нитше инсон ҳақида фикр юритар экан, ожиз, нотаов одамларни маймунга ўхшатади. Чунки бундай одамларда ақл кучи, интеллектуал салоҳият юқори бўлмайди. Ўзини англамайди. Ўзини ўзи ҳимоя қилолмайди. Ўзини ўзи йўналтириб, ақлий салоҳиятини эзгу мақсад сари сафарбар этолмайди. Бундай одамлар маймунга ўхшаб тақлидчилик билан яшайди, ўзгалардан андаза олиб, ўзгаларнинг йўриғида юради. Уларда мустақил фикр бўлмайди, ирода кучи суст бўлади. Бундайлар рухий эркинлигини бутунлай йўқотиб, оддий жонзотга айланади... Қатъий ирода ва ижодкорлик руҳи заифлашган инсон тубанлашиб боради. Атрофимизга назар солсак, иродаси бўш одамларнинг айримлари ичкиликка, гиёҳвандликка берилиб кетса, айримлари сотқинлик, мунофиқлик, тобелик кайфияти билан яшаётганини кўрамиз" (Жўраев Н. *Тахайюл, тасаввур, тафаккур. Тошкент, "Янги аср авлоди", 2015. 153-бет*).

Буюк Британия собиқ бош вазири Маргарет Тэтчер ўзининг мотам маросимини саккиз йил давомида бутун иқир-чиқари билан машқ қилган экан. Ҳолливуд олами "юлдуз"лари ҳам унга тақлидан ўз мотам маросимини ўтказмоқда (*ТВ-3, "Х Версии" кўрсатуву, 2015 йил 11 март*). Ҳали кексалик остонасига етмаган актёр ва актрисаларни тобутга тушиш, қабрга қўйилиш каби рункларни "ҳаётий кино"га айлантиришга нима мажбур қилляпти? Бу қайси дин ва эътиқод меъёрларига тўғри келади?

Бундай одатларга "ўлимга чап бериш", "ўлимни алдаш" истаги – узоқ умр кўриш орзуси сабаб бўлаётганмиш. Хўш, бу каби "замонавий урф-одатлар" юқумли касалликдай бутун Ер юзи бўйлаб тарқалса нима бўлади? Инсон ожизу нотаов махлуққа айланмайди-ми? Тўғри, кўпгина илоҳий таълимотларда, жумладан, муқаддас ислом динида ҳам "ўлим" тушунчасига катта аҳамият берилади. Мўминларга ўлимни мудом эслаш, қабристонларни зиёрат қилиш, ўтганлар руҳини шод этиб, Қуръон тиловат қилиш тавсия этилади. Ушбу тавсияда улуғ бир ҳикмат мужасам: инсон ҳаётнинг ғанимат эканини қалбан чуқур ҳис этсин, ўлимдан ибрат олсин, биров-

ларнинг қалбига озор етказмай эзгу ва савобли амаллар қилсин. Зеро, ўлим – ҳақдир. Албатта, буни юқоридаги бемаъни одатларга асло қиёслаб бўлмайди.

Дарвоқе, боя биз мисол ўлароқ келтирган маросимлар маънавий қашшоқлик ботқоғига ботиб бораётган европалик "замонавий одам"нинг зерикарли, маънисиз, ҳиссиз ҳаётдан қутулишга бўлган интилиши маҳсули эмасмикан?..

ТАФАККУР ҚУЁШИНING БОТИШИ

Файласуф адиб Жан-Пол Сартр "Инсон – эркинликка маҳкум" деган эди. Бизнингча, эркинлик нисбийдир. Инсон мудом муаммолар, ташвишлар, айниқса, нафси чанғалида эзилади. Бироқ эркинликка интилишни қўймайди. Маълум бир нуқтага етганда унга эришади ҳам. Мақсадимга етдим деганида яна бошқа бир муаммо, ҳадик домига тушади. Шундай қилиб, инсон эркинлик соҳилидан эрксизлик соҳилига муттасил бориб-келиб юраверади. Бу ҳақдаги фикрларни янада чуқурлаштириш, тадқиқ қилиш мумкин. Аммо ушбу қисқа мулоҳазадан ҳам кўриниб турибдики, инсон эркинликка муносиб, аммо мутлақ эркинликдан мосуводир. Унинг эркинлиги нисбийлигича қолаверади.

Инсонни ҳам хур, ҳам банди этувчи бошқа бир муҳим омил мавжуд. Бу инсон онгига ўрнашган кўзга кўринмас ҳоким – ўй-хаёллар, фикрлардир. Узлуксиз, поёнсиз фикрлар оқими уни бир лаҳза бўлсин тарк этмайди. Инсон ҳатто уйқусида – туш кўраётган чоғида ҳам ундан озод эмас. Демак, инсон – тафаккур қилишга маҳкум жонзот. Шундай экан, фақат тафаккургина инсонни биологик мавжудот ҳолатидан юксакка кўтаради. Аммо глобаллашувнинг яна бир аянчли асорати – ғоясизлик ва фикрсизлик инсониятнинг кўркам орзулар боғини бефайз ва ташландиқ бир далага айлантириб қўяётгани-да сир эмас. Енгил-елпи ҳаёт кечириш, ахлоқий қадриятларга беписандлик, айш-ишратга берилиш, меҳнатсиз мўмай бойлик топиш истаги, лоқайдлик – буларнинг бари ғоясизликдан туғиладиган иллатлардир.

Онгсиз, шуурсиз, маънавияти тубан кимсаларнинг манхус образи, таассуфки, баъзи

бир тоифадаги ёшларнинг “кумир”и, “идеал”ига айланиб бораётганининг ҳам гувоҳи бўляпмиз. Ғоясизлик ва тафаккурсизликнинг сабаб ва оқибатлари ғарблик файласуф олимлар – Освальд Шпенглернинг “Европа куёшининг сўниши” ва Патрик Бьюкененнинг “Ғарбнинг ўлими” китобларида атрофлича тадқиқ этилган. Аммо инсониятни ўз комига тортаётган иллат қаршисида не-не олиму фузалолар ҳам ожиз қолмоқда. Бундан эса наинки Европа, балки бутун инсоният жабр кўраётир. Хўш, нима қилмоқ керак?

Фридрих Нитшенинг телба тилидан айтилган “Худо ўлди!” деган машҳур ибораси бор. Ушбу ибора замиридаги маъно бугунги инсоннинг маънавий ҳолатини айнан акс эттиради: “Кундузи чироқ ёқиб, бозормайдонда тентираганча “Худони қидиряпман! Худо қаерда?” дея қичқириб юрган телба ҳақида эшитганмисиз? Атрофида тўпланган аксари даҳрийлардан иборат оломон уни майна қиларди. “Худони йўқотиб қўйдингми?” деб сўрайди улардан бири. Бошқаси сўз қотди: “Худо ёш боладай бўлса, адашиб қолгандир-да”. “Эҳтимол беркиниб олгандир? Ёки биздан қўрқяптимики? Сувга тушиб, чўкиб кетган бўлса-чи? Ё кўчиб кетдимикан?” дея усти-устига шарақлаб кулишарди. Шу пайт телба кўзини чақчайтириб уларга бир-бир қарайди. “Худо қани? – деб ҳайқирди у. – Биласизми, сизларга нима демоқчиман! Биз Уни ўлдирдик – сиз ва мен! Биз унинг қотилимиз! Бу ишни қандай қилдик? Денгизни қандай қуритдик? Уфқдаги бўёқларни ўчириш учун ким қўлимизга момик тутқазди? Заминдан Унинг зиёсини сўндириб нима қиламиз энди? У энди қайга кетди? Биз-чи, қаён кетаётимиз? Наҳотки Офтоб зиёсидан мосувомиз? Муттасил пастга қуламаяпмизми? Ортаг кетяпмизми ёхуд олға?.. Баайни чексиз Йўқлик ичра тентираб қолмадикми? Бўшлиқдан нафас олмаяпмизми? Этингиз совуқдан жунжикмаяптими? Бизни зим-зиё ва чексиз тун домига тортмаяптими? Кундузи чироқ ёқиш фурсати келмадими? Наҳот гўрковларнинг – Худони “дафн қилганлар”нинг шовқинини эшитмаяпсиз? Илоҳий бухур ифори наҳот бизгача етиб келмади? Илоҳлар чириб битди! Худо ўлди! Худо тирилмайди! Биз Уни ўлдирдик! Узимизни қандай юпатайлик, ахир, биз қотиллар қотилимиз! Илоҳий Зот,

Соҳиби қудрат Заминда нима ҳам қилсин? Оёқларимиздан оқаётган қонни ким ҳам тозалар? Бизни поклар сув борми? Гуноҳимизни ювиш учун яна қандай илоҳий ўйинлар ўйлаб топамиз? Бу ишларнинг наҳот биз учун заррача қадри қолмади? Унга муносиб бўлиш учун илоҳларга муржоат қилиш бурчимиз эмасми? Худонинг ишидан мукаммали асло бўлмаган, биздан сўнг ким яратади, бордию бу амалга ошса ҳам, барчаси Ўтмишнинг эмас, Худонинг измида!” Телба тин олиб, сомеларига назар ташлади; улар сукут сақлаганча ҳайрат билан қараб туришарди. Сўнг фонусни улоқтириб юборди, чил-чил бўлган фонуснинг нури аста сўнди. “Мен жуда барвақт келибман, – деди у, – ҳали фурсат етмаган экан. Даҳшатли воқеа ҳали юз бермабди, аммо оз қолди – унинг дараги ҳануз инсон қулоғига етиб бормаган. Чақмоқ чақиши, яшин уриши учун ҳам, ёруғлик ва юлдузларга ҳам вақт керак, мудҳиш фалокатга вақт керак, барчаси рўй бергач, инсон бундан хабар топади, нигоҳи тушади. Бу фалокат ҳали биздан анча йироқ, энг олис юлдуздан ҳам нарида, бироқ сиз буни албатта кўрасиз!” Айтишларича, телба ўша куни яна бир неча черковга бориб, у ердаги қавмларга хитоб қилибди. Уни қувиб солишибди, жавобгарликка тортишибди, у бўлса бир гапни тинмай такрорлармиш: “Бутни билмаганларга черков на ҳожат?” (*Ницше Ф. Стихотворения, философская проза. Художественная литература, Санкт-Петербург, 1993. Стр.376-377*)

Нарзулла Жўраевнинг талқинича, Нитшенинг “Худо ўлди” ғояси даҳрийлик ёки эътиқодсизлик маҳсули эмас, билъакс, у бошқа фикрни айтмоқчи бўлган. “Худонинг ўлими” бу – бевосита инсоннинг ўз ўлими, аниқроғи, унинг жисмоний эмас, балки маънавий, руҳий ўлими ғоясидан келиб чиққан ўта бетакрор, айни пайтда, инсоният тафаккурида туб бурилиш ясайдиган, тўнтариш қиладиган инқилобдир... Бу ғоя инсоннинг майдалашиб бориши, маънавий майиб-мажруҳ жамятининг шаклланиши, оммавий насл-насабсизликнинг вужудга келиши, геноциднинг чуқурлашиб боришига йўл қўймаслик ҳар қандай даврда энг долзарб, энг буюк эҳтиёж эканини кўрсатади. Бундай даъватнинг таъсир кучини ошириш ва инсониятни зулматдан қутқариш, мудроқ қал-

бини уйғотиш мақсадида Нитше ўз ғояларига илоҳий тус бериб, Шарқ инсонпарвар ғояларидан нажот излайди, унга таянади” (“Тахайюл, тасаввур, тафаккур”, 168-168-бетлар).

Сир эмас, глобаллашувнинг моддий-иқтисодий талотўплари бугунги давр инсонининг тафаккури, руҳияти, эътиқоди ва ҳис-туйғулари оламида кескин эврилишлар ясамоқда. Инсон бундан буён ҳам “тафаккур қилишга маҳқум жонзот” бўлиб қолаверармикан ёки?..

МУҲОЖИРОТ ҒАВҒОСИ, ТАМАДДУНЛАР ТЎҚНАШУВИ...

Глобаллашув кўрсатган яна бир “каронат” тамаддунлар ўртасидаги муносабатнинг тифизлашуви ва бунинг ортидан келиб чиқаётган турли чигалликлардир. Шундай экан, янги давр остонасида миллий ўзлик акси бўлмиш тамаддунимиз қай томон ривожланиши керак? У ривожланадими ёки инқироз хавфи ҳам борми? Мутахассисларнинг аниқлашича, дунёдаги икки мингга яқин миллат ва элат тили бутунлай йўқолиб кетиш арафасида. Маълумки, миллий тил дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг давлат тили ҳамдир. Агар миллий тил йўқолса, “давлат тили” деган ташунча ҳам ўз-ўзидан ғойиб бўлиши тайин.

Ҳарвард университетининг халқаро масалалар ва стратегик тадқиқотлар кафедраси профессори Самуэль Хантингтон 1993 йилда нашр этилган “Тамаддунлар тўқнашуви” номли китобида цивилизацияларни жуғрофий ҳудудлар бўйича таснифлайди. Пировардида олим XXI аср тамаддунлараро тўқнашув асри бўлади, деган хулосага келади.

Тушкун кайфиятни ифода этган ушбу “башорат” жаҳон сиёсатшунослари, файласуфлари ва маданиятшунослари ўртасида баҳс-мунозаралар уйғотди. Кимдир уни жўшиб ёқлади, яна кимдир кескин танқид қилди. Кейинги ўн йилда рўй берган воқеалар С.Хантингтон тадқиқ этган масала ғоят долзарб эканини тасдиқлади.

...2015 йил, сентябрь. Ҳазонрезги бошланган бир паллада гоҳ чинқираётган, гоҳ ҳайқираётган оломон уммони нажот илинжида Туркия орқали Европа мамлакатларига кириб бораёттир. Хўш, ким улар? Не сабаб улар ватангадолик, дарбадарликни ихтиёр этди? Наҳотки бу оломон туғилган макони, аждод-

лари руҳи кезиб юрган кўшқу айвони, азиз ватанидан шунчалик безган бўлса? Маълум шахслар ёки гуруҳларнинг бирор сабаб билан иссиқ уйини тарк этганини кўп эшитганимиз, аммо бутун бошли халқ ёки миллатнинг ўз мамлакатидан бош олиб кетиши – ақл бовар қилмайдиган ҳодиса. Бунинг жиддий сабаби бўлса керак.

Охири юз йилда дунё харитаси кескин ўзгарди: Россия ҳудудларини кенгайтириб, Болтиқбўйи, Кавказ ва Марказий Осиё давлатларини ўзига бўйсундирди; дунё капиталистик ва социалистик қутбга бўлинди; Африка қитъасида янги давлатлар юзага келди; Покистон Ҳиндистондан ажралиб чиқди (Кашмир можароси эса ҳалигача ўз ечимини топмади); Германия бир марта бўлиниб, яна бирлашди; Корея икки мустақил давлатга айланди; СССР деган “буюк давлат” парчаланиб кетди; собиқ социалистик давлатлар номи ёки тузумини ўзгартирди; Қрим бир марта Украинага берилиб, яна қайтиб Россияга қўшиб олинди ва ҳоказо. Бўлиниш ва бирлашишлар фақат бугуннинг ҳодисаси эмас, албатта. Бироқ наҳотки инсоният ҳалигача бир жойда мустаҳкам кўним топа олмаган бўлса? Наҳотки инсоният уруш ва низолардан, вайронкорлик ва бузғунчиликлардан, ватангадолик ва дарбадарликдан чарчамаган бўлса? Наҳот соғлом ақл ва тафаккур мудом мағлуб бўлаверса?

Тўғри, инсоният доимо бахт излаб, фаровон турмуш, тўкин-сочин ҳаёт орзусида бошқа юртларга ҳижрат қилган, бутунлай янгича муҳит ва шароитга секин-аста кўниккан! Янги ерлар, бепоён ва унумдор воҳаларни забт этиб, ўша жойларда кўним топиб, ватан тутган. Табиий офатлар ва қирғинбаротлар ҳам буюк кўчишларга сабаб бўлган. Жумладан, музликлар даврида Шимолий қутбда яшаган инсонларнинг жанубга силжиши бунга мисол бўла олади. Умуман, муҳожирот тараққиёт аравасини ҳаракатлантириб турган, сифатий ўзгаришлар ва янгиланишларга йўл очган, янги турмуш ва тафаккур тарзининг юзага келишини таъминлаган ижтимоий ҳодисадир. Масалан, милоддан аввалги I асрда Евросиёнинг кенг ҳудудларида яшаган йирик кўчманчи халқлар – скифлар ёхуд сакларнинг ғарб томонга силжиб, ҳозирги Украина ва Қора денгиз шимолий соҳилларида кўним топиши, милоддан аввалги IV–I асрларда юеч-

жи қабиласининг Жанубий Олтой ва Шарқий Туркистондан кўчиб келиши, милодий III–V асрларда Жанубий Сибир, Жунғурия ва Шарқий Туркистондан Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларига хиёний, кидарий ва эфталлийлар каби этник қатламларнинг кўчиши янги миллат ва элатлар, маданият ва урф-одатларни вужудга келтирган. Алҳол, уруш, зулм ва ҳақсизликлар боис халқларнинг ўз юртини ташлаб кетиши доим кузатилган.

Аммо маърифат асридаги қувғинларни қандай изоҳлаш мумкин? Бир тасаввур қилиб кўрайлик: охири икки-уч йилда унчалик катта давлат бўлмаган Суриядан беш миллионга яқин киши чиқиб кетган. Ана шу қисқа давр мобайнида уруш сабабли 250 мингдан ортиқ суриялик (табиийки, уларнинг асосий қисми болалар, қариялар ва аёллардир) дунёдан кўз юмган.

Демократия ва инсон ҳуқуқлари, инсонпарварлик ва толерантликдан бутун башариятга “сабоқ” бериб келаётган Европа Иттифоқи миллионлаб кишиларни бағрига олишга, уларга бошпана ва нон топиб беришга тайёрми? Ўзи-да кундан-кун иқтисодий бухронга ботаётган, эгоцентризм дардига учраган Ғарб оламининг одами бунга қодирмикан? Нажот истаб остонангизга бош уриб келган кишининг кўкрагидан итариш – осон, аммо бағрингизга олишингиз – қийин...

ИСОНИНГ ХУМИ

“Қисас ул-анбиё” китобида бундай ривоят бор: Биби Марям Исони бўёқчиликни ўргансин деб бир ранрезга шогирдликка беради. Бир куни устанинг юмушлари кўпайиб, либосларни ранглашни Исога топширади. Ҳазрати Исо барча либосларни битта хумга солиб қайнатади. Рангчи келиб “Либосларни нима қилдинг?” деб сўраганида “Бўяб бўлдим”, дейди шогирд. “Қани кўрай-чи”, дейди уста ишнинг бунчалик тез битганидан ҳайрон бўлиб. “Ҳаммаси мана бу хумнинг ичида”, деган жавобни эшитиб, устанинг фиғони кўкка ўрлайди ва “Расво қилибсан-ку!” дейди. Исо “Шошманг”, дейди-да, либосларни бирма-бир хумдан олади. Турфа либосларнинг ҳар бири битта хумда, кўнгилдагидек бўялганини кўрган рангчи ҳайратда қолади... Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”да риёкор вазир ҳақидаги ҳикоятда “Исонинг хуми” хусусидаги ривоятга мурожаат этиб бундай ёзади:

*Ўзи яқранган Исо бў надошт,
В-аз мижози хумми Исо хў надошт.
...Жомаи садранг аз он хумми сафо,
Содаву яқранг гаштий чун зиё.*

Яъни: У (риёкор вазир) Исонинг муҳаббатини тушунмас эди. Исо хумининг аҳволидан (сиридан) беҳабар эди. Исо хумга (поклик хуми) солган барча либослар бир хил рангда бўлиб чиқарди (аммо вазир уларнинг хилма-хил бўлишини истарди).

Румий айтмоқчи бўлган фикр ва глобаллашув жараёнлари ўртасида бир қадар ўхшашлик бор. Аммо глобаллашув Ҳазрат Исонинг турли рангдаги либосларни битта хумга солиб, уларни бир рангга бўяши ёки аксинча, риёкор вазирнинг ягона эътиқоддаги насронийларга турлича ваъдалар бериб, улар ўртасида қарама-қарши фикрлар ва низолар келтириб чиқариши ҳақидаги ҳикоятнинг асл мазмун-моҳиятидан анча йироқ ҳодиса. “Қасрат” ва “вахдат” (бирлик, ягоналик) тушунчалари ислом фалсафаси, айниқса, тасаввуф таълимотида асрлар бўйи баҳс уйғотиб келган. Мутафаккирларимиз кўплик оламида бирликни, бирлик оламида эса кўпликни кўра билишни тавсия этганлар. Яъни Яратувчи яратган нарсаларни кўриб, Унинг борлиги ва бирлигига иқдор бўлиш, Уни мушоҳада этиб, борликдаги барча мавжудотлар ҳақида тафаккур қилиш – қасрат ва ваҳдатнинг ажойиб диалектикаси шу!

Глобаллашув кўплик ва бирлик ўртасидаги мувозанатни тан олмайди. Искандар Мақдунийнинг юришлари, Чингизхон ва мўғул истибдоди, Ленин ва мустабид шўролар салтанати, Ҳитлер ва фашизм босқини... Бу рангбаранг олами бир рангга бўяш, бутун дунёни ягона сиёсий ва иқтисодий тизим ва бир маданиятга айланттиришга қаратилган ҳаракатлар эмасми? Дин-чи? Бутун дунё халқларини ягона эътиқод ва ягона ахлоқ теғрасида ва ҳатто битта марказий бошқарув тизимида бирлаштириш глобаллашувнинг ўзига хос кўриниши эмасми? Бинобарин, глобаллашув ўйлаганимизчалик кечагина пайдо бўлган жараён эмас экан-да!

ПИЁЛАГА ЖО БЎЛГАН ШАҲАР

“Шундай азим шаҳарки... пиёлага сифиб кетади. Шундай катта шаҳарки, бир бош пиёздай келади. Пиёлага сифадиган азим ва бир бош пиёздай катта шаҳарга ўн шаҳар-

нинг аҳолиси сиғади, аммо унда бор-йўғи уч киши яшайди, юзлари ювуқсиз, чиркин уч киши. Бу шаҳарнинг сон-саноксиз халқи бор, лекин унда... фақат учта хомкалла яшайди. Улардан бирининг кўзи ўткир-у, лекин сўқир. Сулаймонни кўрмаслиги аниқ, аммо чумолининг оёғини кўра олади. Бошқасининг эса кулоғи динг-у, аммо гунг. Учинчиси эса яланғоч, лекин эғнидаги тўни шу қадар узунки, ерни супуради. Кўр айтармиш: "Ана, ҳозир кўшин етиб келади, қани, қарай-чи, улар қайси қавмники экан?" Кар айтармиш: "Ҳа, мен ҳам аскарларнинг овозини, ҳатто шивир-шивирини эшитдим!" Яланғоч кимса айтармиш: "Аскарлар келиб, тўнимни узунлиги учун кесиб олмаса эди, деб кўрқиб турибман!" Яна кўр айтармиш: "Ниҳоят, аскарлар яқинлашиб қолди! Туринг, бизни тутиб, зиён етказиб, асир олмасларидан бурун жуфтакни ростлайлик!" Кар айтармиш: "Ростданам, шовқин-суронлар яқинроқдан эшитиляпти, шошилмасак бўлмайди, дўстлар!" Қип-яланғоч кимса айтармиш: "Эвоҳ! Энди тўнимнинг этагига кўз олайтириб, қирқиб ёки йиртиб ташлайдилар, нима қилдим энди!"

Шундай деб уч ҳамтовоқ шаҳарни тарк этиб, бир қишлоққа етадилар. Қишлоқда роса семиз, лекин эти устихонига ёпишган товуқни топадилар. Қарғанинг чангалидан яраланиб, ўлаксадай қотиб қолган товуқнинг суяклари қақшаб кетган экан. Улар товуққа ташланиб, ўлжасини ғажийётган арслондек ея бошлайдилар ва семириб, филдек шишиб кетадилар. Улар шу даражада семириб кетадиларки, бутун оламга сиғмай қоладилар" (*Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Дафтари 3, Техрон, "Сухан", 1379. 123-124-бетлар*).

Ушбу ҳикоят рамзий-мажозий маънога эга. Румий шарҳига кўра, "ўта катта шаҳар"дан мурод "моддий борлиқ"дир. Моддият мол-дунё асирлари кўзига ўта ҳашаматли, ҳақиқат аҳли учун эса майда ва аҳамиятсиз бўлиб кўринади. Мустақил фикри, соғлом дунёқараш ва мустаҳкам иродаси бўлмаган, нафс қулига айланган очкўз шахс ҳикоятдаги ўша сўқир, қар ва яланғоч кимсаларга ўхшамайдими? Бу уч ҳамтовоқ бугун глобаллашув баҳонасида оломон маданияти тегирмонига сув қуяётган бузуқ ғоялар, ахлоқсизликни тарғиб этиб, сод-

да ва гўл кишиларни "тўр"га илантираётган, шу йўл билан чўнтак қаппайтираётган баднафс кимсаларнинг аждоди эмасми? Наҳотки инсоният нафс деган балога шунчалар муккасидан кетган бўлса? Фридрих Нитше инсон – нафс қули, дейди. Наҳотки у ҳақ бўлиб чиқса? Наҳотки асрлар бўйи нафс балосидан огоҳ этган азиз-авлиёларимизнинг чеккан ташвишу изтироблари бекор кетса?

Тўғри, глобаллашув шитоб ривожланишни тақозо этияпти, замон билан ҳамнафаслик истаги янгидан-янги моддий эҳтиёжларни пайдо қилмоқда. Барча кўркам машина миниш, бадастир уй-жойда яшаш, замонавий жиҳозу либос сотиб олиш, тўй-ҳашам қилишни истайди. Аммо буларга ҳалол меҳнат, пешона тери билан эришиляптими? Бунинг учун кимнингдир ҳаққини ейиш, бировни алдаш, кимгадир озор бериш, яна кимнидир босиб ўтиш шартмикан? Ахир, инсон ёввойи табиат қўйнида яшаётган йиртқич ҳайвон эмас-ку!

...Йигирма йилча аввал XXI асрнинг кўзни қамаштирувчи улкан қасри бўсағасида туриб, зиддиятли дунё ҳақидаги алмойи-алжойи тушлардан таъбир излай бошлаган эдик: янги асрнинг манзараси, қиёфаси қандай бўларкан? Ўтган асрнинг мантиқий давомими ёки бутунлай бошқача мазмун ва шаклга эга замонми? XX аср зўравонлик ва хунрезликка асосланган даҳшатли муҳорабалар, ундан кейинги қутблараро "совуқ уруш" билан янги асрга асло намуна бўлолмайди. Шундай экан, янги юзийлликда дунё қандай бошқарилади?

...Болакайнинг оғзидаги пуфак катталашаверади, катталашаверади. Бундан болакай ҳам, уни кузатаётганлар ҳам шод. Аммо ҳаво билан тўлиб, тап-таранг бўлиб кетаётган (кўзларни қувонтираётган!) пуфак ёрилиб кетмасмикан?

Инсон зоти борки, ҳаётда янгиликка, ўзгаришга интилади, ҳар бир кунини умиду қувонч ила кутиб олади. Аммо ҳар кун ҳам байрам бўлавермайди. Биз мингйилликларнинг шафқатсиз синовидан, беаёв ғалвиридан ўтиб, бугунги кунгача соғ-саломат етиб келган эътиқодли халқмиз. Биз қисмат китобини ўз қўли билан ёзиб, ҳаёт кундалигини соғлом тафаккур ва гўзал тасаввур билан тўлдираётган бунёдкор миллатмиз. Орзу шулки, Саодат манзили сари ташлаган қадамимиз собит бўлгай!..

Сарвар АБДУЛЛАЕВ

ТАҚДИР, ИРОДА ВА ИХТИҲОР

Ахлоқ, маънавият, эътиқод билан боғлиқ масалалар башарият ҳаётининг узвий бўлаги бўлиб келган. Ихтиёр эркинлиги, айниқса, бу борадаги бирламчи масалалардан. Қадим-қадимдан файласуфу алломалар, шoirу ёзувчилар инсон аслияти ҳақида фикр юритганда ушбу тушунчага алоҳида эътибор қаратган. Бугунги қалтис ва долғали даврда эса айни масала янада дозарб аҳамият касб этаётир. Зотан, диний экстремизм, миссионерлик, “оммавий маданият” каби инсоният келажагига таҳдид солаётган салбий ҳодисалар негизда ихтиёр эркинлиги хато талқин этилаётганини таъкидлаш жоиз.

Инсоннинг ихтиёр эркинлиги масаласи турли фалсафий йўналишлар ва диний таълимотларда жиддий тадқиқ этилган. Бу борадаги мунозаралар ҳали-ҳануз қизгин давом этаётир. Ушбу мақолада биз ихтиёр эркинлиги ислом динида қандай талқин этилгани хусусида фикр юритамиз.

“Ихтиёр” тушунчаси ислом таълимотида асосан “тақдир” истилоҳига боғлаб ўрганилади. Шу боис, аввало “тақдир” атамасига ойдинлик киритмоқ лозим.

Ислом таълимотида “тақдир” маънавий жиҳатдан бир-бирига яқин “қазо” ва “қадар” тушунчалари билан ифодаланади. “Қазо” – ҳукм этмоқ, ажрим қилмоқ, қозилик этмоқ, белгиламоқ каби маъноларни англатади (*Ан-Наъйм. Арабча-ўзбекча лугат. Абдулла Қодирий нашриёти. Тошкент, 2003. 670-бет*). Ислом ақоидига кўра, қазонинг ягона соҳиби – Оллоҳдир. Яъни борлиқни яратган ҳокими мутлақ Зот ҳамма нарса ни олдиндан билади. Оллоҳ барча замон ва маконларни бир вақтда кўриб туради. Аниқроқ айтилса, замонни ҳам, маконни ҳам, улар ўртасидаги мутаносибликни ҳам яратган Унинг ўзи. Қиёматда эса, ўзи барча масалалар юзасидан қозилик қилади. “Қадар” сўзи эса, миқдор, ҳажм, меъёр, даража маъноларини билдиради (*ўша китоб, 650-бет*). Мазкур истилоҳ Оллоҳ барча нарсаларни ўлчови, умри, хусусияти, ҳолатлари билан яратган, деган маънода истифода этилади.

Қазо ва қадар, бир томондан, Оллоҳнинг азалий илмини, бошқа томондан, борлиқ унинг иродаси-ла мавжуд эканини анг-

латади. Қазо ва қадарга ишониш исломда имоннинг муҳим шarti саналади. Умар ибн Хаттобдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда бундай дейилади: Имон нима? Имон бу – Оллоҳга, фаришталари, пайғамбарлари, илоҳий китоблари ва қиёмат кунига ҳамда **инсон бошига келувчи яхшилигу ёмонлик Оллоҳнинг қазои қадари эканига** ишонмоқдир (*Ҳадис матни катта бўлгани боис мавзу учун эътиборли қисми олинди – С.А.*).

Демак, қазо ва қадарга имон келтирмаган одамнинг эътиқоди бутун бўлмайди. Ушбу ишонч орқали Оллоҳнинг сифатлари, жумладан, илмининг чексизлиги, иродасининг мутлақлиги ва қудратининг мукамаллигига имон келтириш назарда тутилган.

Ислом ақидасига кўра, оламда рўй берувчи барча воқеа-ҳодисалар тақдири илоҳийда – Лавҳ ул-маҳфузда белгилаб қўйилган. Айни шу асосда қуйидаги саволлар ўртага чиқади:

1. Барча воқеа-ҳодисалар, жумладан, инсоннинг амали ҳам олдиндан ёзиб қўйилган, яъни тақдир аввалдан ёзилган бўлса-да, у ўз қилмишига масъул бўладими?

2. Инсонга ўз амалида ихтиёр берилганми?

3. Тақдирнинг қандай бўлишида инсоннинг иштироки борми?

Аллома ал-Хаттобий сунний ақидаларга доир манбаларга таяниб ёзади: “Айримлар қазо ва қадарни Оллоҳ таоло ўзи тақдир қилиб қўйган ишларга бандани қаҳр ила мажбур қилиши, дейди. Бу нотўғри фикр. Қазо ва қадар бандаларнинг келажақда бўладиган ишларини Оллоҳ муқаддам билиб туришидир” (*Ал-Хаттобий. Ал-Маъолим. “Дар-алкутуб”. Қоҳира, 2011. 7-бет*). Олимнинг сўзларига таянган ҳолда масалани икки қисмга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Инсоннинг ихтиёридан ташқаридаги ишлар – унинг ташқи қиёфаси, миллати, ота-онаси ким бўлиши, табиати, мизожи, ҳусн-таровати, қадди-қомати, туғилиш ёки ўлим вақти ва жойи, эркак ё аёллиги, наслнасаби... Инсон буларга масъул эмас. Буларнинг ҳаммаси Оллоҳнинг тақдири бўлиб, шунга қатъий ишониш билангина мўминнинг имони комил бўлади.

2. Инсоннинг бевосита иштирокида юзага келувчи ишлар, жумладан, ўз эътиқодини, яхшилик ёки ёмонликдан бирини танлаши ва ҳоказо. Яъни унинг ўз ихтиёри билан бажарадиган амаллари.

Биринчи туркум ишлар бўйича Абдуллоҳдан (р.а.) ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилади: “Бадбахт онасининг қорнида бадбахт бўлгандир. Бахтли ўзидан бошқадан ваъз олгандир”, деди. Буни эшитган бир киши Ҳузайфанинг олдига бориб, ўша гап ҳақида хабар берди ва “Инсон амалсиз қандоқ бадбахт бўлиши мумкин?” деди. Шунда Ҳузайфа унга “Шундан ажабланияпсанми? Мен Расулulloҳнинг (с.а.в.) “Нутфага қирқ икки кеча ўтса, Оллоҳ унга бир фариштани юборади. Бас, унинг суратини тўғрилайди, қулоғини, кўзини, жилдини, гўштини ва суягини халқ қилади. Сўнгра “Эй Роббим, ўғилми, қизми?” дейди. Роббинг истаганини ҳукм қилади ва фаришта ёзади. Кейин “Эй Роббим, ажали-чи?” дейди. Бас, Роббинг истаганини айтади ва фаришта ёзади. Кейин “Эй Роббим, ризқи-чи?” дейди. Бас, Роббинг истаганини ҳукм қилади ва фаришта ёзади. Кейин фаришта кўлида саҳифа билан чиқади. Унга зиёда ҳам, нуқсон ҳам етказмайди”, деганларини эшитганман”, деди” (Муслим ривояти).

Ушбу ҳадисга юзаки қаралса, бандада ихтиёр эркинлиги йўқ экан, деган хулоса чиқиши мумкин. Лекин бу ўринда аввало Оллоҳнинг илми чексизлиги назарда тутилган. У инсоннинг бадбахтлигини онасининг қорнидалигдаёқ, балки ундан-да аввал билган. Одам ўзгалардан намуна, ибрат олиб, яхшиликлар қилиши, ёмонликдан сақланиши туфайли бахтли бўлмоғи мумкин. Демак, буларнинг барини Оллоҳ азалий ва чексиз илми ила билади. Бу эса, амалсиз бадбахт бўлиш, дегани эмас. Тақдир битиги ҳеч кимга



маълум эмас, бинобарин, у инсон фаолиятига таъсир этмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон охири бахайр бўлишини истайди ва шу йўлда ҳаракат қилади.

Бу масалани замондош олимларимиздан Раҳматуллоҳ қори Обидов қуйдагича изоҳлайди: “Ҳар бир инсоннинг тақдири Лавҳ ул-маҳфузда аввалдан белгилаб, ёзиб қўйилган. Аммо Оллоҳдан ўзга ҳеч бир зот бу ёзув мазмунидан хабардор эмас. Шундай экан, бошига бир мусибат тушса, инсон ушбу ҳодиса азалдан Оллоҳнинг тақдири сифатида белгилангани учун сабр қилиши, Яратгандан нажот сўраши жоиз. Бироқ келгусида рўй берадиган воқеалар ҳали бандага номаълум бўлгани учун “тақдиримда шундай бўлиши ёзилган” деб даъво қилиши, аслида, унинг ўзи ҳақида фолбинлик қилиши билан баробардир (Обидов Р. *Тақдирдан тониб бўлмас*. // “Тафаккур”, 2004, 4-сон. 49-бет).

Тақдир борасидаги саволлар Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) даврида, кейинроқ хулофои рошидин даврида ҳам берилган. Аввалига уларга осон жавоб топилган. Бироқ кейинги даврларда, айниқса, юнон файласуфларининг асарлари араб тилига ўгирилиши, қолаверса, Хитой, Ҳинд, Форс, Марказий Осиё халқларининг исломгача бўлган диний тасаввурлари таъсирида турли ихтилофлар юзага кела бошлади. Таъкидлаш жоизки, антик даврдан то шу кунга бўлган фалсафий мактабларнинг қарашлари негизда “фалсафа асосида ҳар бир нарсага шубҳа билан қараш ётади”, деган фикр мавжуддир. Илоҳиётда эса ақидавий масалаларга шубҳа билдириш эътиқодни заифлаштириши таъкидланади. Мана шу икки нуқтаи назар VIII–X асрларда ўзаро тўқнаш келди. Муқаддас манбалардаги хабарлар талқинида ҳам илмий ихтилофлар пайдо бўлди. Оқибатда айрим олимларнинг қарашларида хатоликлар кўрина бошлади. Жумладан, муътазиллий деб номланувчи эътиқодий гуруҳ аҳли сунна ақидасига зид ўлароқ қуйдагича хулосаларни илгари сурди: “Олам ёки оламлардаги барча ишлар ҳам Оллоҳнинг изни-иродаси билан амалга ошавермайди. Айрим нарсалар Унинг қудрати ва изнидан ташқа-

рида рўй бериши мумкин; инсоннинг амалига Оллоҳ аралашмайди. Инсон ўз амалини ўзи яратади; Қуръон азалий эмас, уни Оллоҳ яратган”. Бу фикр гўёки одамнинг ўз амалларига бўлган жавобгарлигини оширсан-да, бироқ аҳли сунна эътиқодига зид эканини таъкидлаш зарур. Чунончи, Оллоҳ бирон нарсани аввалдан билмаслиги мумкин эмас. Яъни ҳар бир иш Унинг изни-иродаси билан амалга ошади, бироқ Оллоҳ рози бўладиган (яхши) ва У рози бўлмайдиган (ёмон) амаллар мавжуддир.

IX–X асрда жабарийлик оқими юзага келди. Улар ҳам бу борада ихтилофларга йўл қўйдилар. Жабарийлар эътиқодига кўра, инсон бирон амални ўз ихтиёри билан қилмайди, балки ҳамма нарса Оллоҳнинг мажбурлаши ила амалга ошади. Тақдирга алоқадор масалаларда қадарийлар, рофизийлар, алавийлар каби ўнлаб оқимлар ҳам шу каби янглиш хулосаларни тарқатди.

Ислом оламидаги бундай ихтилофларга барҳам берувчи илмий ечимлар топиш ўша давр талаби эди. Бу борада кўплаб олимлар саъй-ҳаракат қилди. Улар орасида энг мукамал тадқиқот ва ечим муаллифи буюк аждодимиз Абу Мансур Мотуридийдир. Бу аллома муқаддас матнларга суяниб ақидавий масалаларда янглиш фикрларни кўрсатиб берди ва муаммоли саволларга, бизнингча, энг тўғри жавобларни таклиф этди. Мотуридий ақидасига кўра, инсон ўз ихтиёри билан қилган амаллар ҳам Оллоҳнинг яратмишлари жумласига киради. Чунки оламлар ва улардаги барча нарсаларни Оллоҳ яратгандир. Қуръони каримнинг “Сафот” сура-си 96-оятда айтиладики, **“Ҳолбуки, сизларни ҳам, сизлар қилаётган амалларни ҳам Оллоҳ яратган-ку”**. Лекин бу – инсон ўз амалини мажбуран қилади дегани эмас. Инсоннинг бирон ишни амалга ошириши учун икки нарса муҳим ҳисобланади: ишни амалга ошириш учун лозим бўлган восита ва инсоннинг ўша ишга ўз ихтиёри билан киришмоғи. Инсон ушбу иккинчи жиҳат билан ирода ва ихтиёр эгаси ҳисобланади. Айни чоқда шу ирода ва ихтиёри борлиги учун унга жавобгарлик юкланади. Ташқи омилларни яратиш

ва вужудга келтиришга унинг дахли йўқ. Ушбу масалани тўғри англамоқ учун шундай мисол келтириш мумкин. Фараз қилайлик, биз пишган олмани дарахтдан узиб емоқчимиз. Бунда инсон ихтиёридан ташқарида бўлган омиллар қуйидагилар: дарахтда олманинг пишганлиги, уни узиш учун инсоннинг қўлоёқ, кўзларини ишлата олиши. (Буларнинг бари Оллоҳ яратган, қолаверса, инсоннинг қорни очиши, олманинг ширинлиги ва ҳоказолар ҳам Оллоҳнинг оламлари бунёд этишдаги ҳукми-қазоси саналади.) Лекин инсон ана шу ташқи омиллардан ўз ихтиёри билан фойдаланмагунча олмани ея олмайди. Оллоҳ инсоннинг амалини яратган деганда ташқи омиллар асосида унинг амалини яратгани эътиборга олинган. Зеро, олма пишган бўлса, Оллоҳ инсонни у истаса-истамаса бу ишга мажбурлайди, дейиш нотўғри. Демак, ташқи омилларнинг мавжудлиги билангина олма ейилиб қолмайди. Балки инсон шуни олишни ихтиёр қилиши ва ихтиёрини амалга ошириши керак.

“Ҳаракатда баракат” деган ҳикмат ана шу илмий хулосанинг ҳаётий инъикоси деб айтиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, инсон ўзига берилган ихтиёр эркинлиги доирасида жавобгардир. Айни дамда, “пешонада борини кўрамиз”, “тақдир экан-да”, дея ҳаракат қилмаслик, интилмаслик ислом таълимоти-ни нотўғри тушуниш оқбадидир.

Юқоридаги таҳлилларни умумлаштириб, бундай хулоса қилиш мумкин:

1. Қазо ва қадар (тақдир) барча диний таълимотларда бўлгани каби исломда ҳам

имон-эътиқод доирасига кирувчи муҳим масала ҳисобланади.


2. Тақдир масаласида адашган гуруҳлар ҳам бўлиб, уларнинг қарашлари аҳли сунна ва-л-жамоа эътиқодига тўғри келмайди.

3. Аҳли сунна ва-л-жамоа олимлари тақдир масаласини иккига бўлиб тадқиқ этганлар: инсонга дахли бўлмаган ва шу боис у масъул саналмаган нарса-ҳодисалар (оламнинг яратилиши, ҳолати, кайфияти, вақт ва макон, одамнинг туғилиши, ўлими ва ҳоказо); инсоннинг ўз ихтиёридаги ишлар ва уларга жавобгарлик.

4. Тақдирнинг аввалдан битиб қўйилиши замирида инсоннинг бирон амалга мажбурланиши эмас, балки Оллоҳнинг барча нарсаларни олдиндан билиши – илми азалийси, қудратининг чексизлиги ётади.

Тақдир борасидаги баҳслар шуни кўрсатадики, инсон умид билан эзгу амаллар қилиб бораверса, унинг тақдири яхшиликка юз буради. Шу билан бирга, бу ҳар бир инсонни ўз амалига масъул этиб, жамиятдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун доирасида амалга ошишига замин яратади.

Инсоният тарихидаги барча юксалишу таназзуллар замирида инсонга берилган ихтиёр эркинлиги ётганини унутмаслик, ана шундан сабоқ чиқариб ҳар дам ёвузликдан тийилиш ва эзгуликка интилиш ғоят муҳимдир. Шу нуқтаи назардан, инсонга берилган масъулият юки ҳар қачон ихтиёр эркинлиги билан чамбарчас боғлиқ. Таъбир жоиз бўлса, ихтиёр эркинлиги инсонга ё шараф, ё тавқи лаънат келтирувчи омилдир.



Хуршид ЙЎЛДОШЕВ

ARASTU XAZINASI

Фалсафанинг бирор йўналиши йўқки, Арасту асар ёзмаган бўлсин. Фаннинг бирор соҳаси йўқки, унинг тарихи Арастуни четлаб ўтсин. Бирор файласуф йўқки, Арасту ғояларичалик турлича талқин қилинган, унингчалик мақталган ва айни чоқда, лаънатланган бўлсин. Инсоният тафаккури тараққиётига бемисл ҳисса қўшган ва таълимоти умуминсоний маънавий бойликка айланган ушбу файласуф, қомусий олим таваллудининг 2400 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида халқаро миқёсда нишонланмоқда.

Хўш, нега Арастуни буюк дея алқаймиз? Нимаси буюк унинг? Ахир, у эмасмиди буюк ёлғонларнинг ҳам асрлар оша яшашига йўл очиб берган? Арастунинг физик олам ҳақидаги қарашлари бугунги кун нуқтаи на-

заридан хатога тўла эмасми? Начора, хато қилмаган буюк зот йўқ ва буюклик хатонинг оз-кўплиги билан ҳам ўлчанмайди.

Арасту фалсафаси мослашувчан фалсафа эди. Исломий Арасту, насроний Арасту, яҳудий Арасту, мажусий Арасту – булар ҳақиқий Арастунинг турфа “қиёфа”ларидир. Турли динлар унинг фалсафасини (айниқса, физика ва метафизикасини) ўзига мувофиқлаштирган ва унинг мантиғидан ўз ақидаларини рационал асослашда фойдаланган. Арасту бўлмаганда, дейлик, насроний ва исломий фалсафа ҳозирги кўринишини олармиди? Ғарбда схоластика ва унинг доирасида билим ва эътиқод муносабати-га доир баҳслар, номинализм ва реализм¹ вужудга келмас эди. Номинализм ва ре-

¹ Номинализм – абстракт тушунчалар ифодалаган объектларнинг реал мавжудлигини инкор қилиши. Яъни бу тушунчалар билиш воситаси, холос. Номинализм абстракт эмас, конкрет тушунчаларга эътибор қаратган ва бу билан экспериментал фанлар ривожига йўл очган.

Реализм – абстракт тушунчаларнинг (умуман адолат, умуман гўзаллик ва ҳоказо) реал мавжудлигини эътироф этиши. Инсон онгидаги абстракт тушунчалар конкрет предметлардан ҳам аввал мавжуд бўлган деб ҳисоблаш. Реализм платонизмнинг давоми эди.

лизм курашисиз Уйғониш даври фалсафаси пишиб етилмасди. Янги даврдаги эмпирицизм ва рационализм ўртасидаги кураш ҳам аслида номинализм – реализм баҳсининг мантиқий давоми бўлганини ҳисобга олсак, Арасту таъсири бу даврда ҳам фалсафани тарк этмаган.


Тўғри, Арасту Афлотунсиз бу қадар юксак мақомга чиқолмас эди. XII асрга – Ибн Сино, Ибн Рушд, Маймоний каби Шарқ файласуфлари асарлари кириб боргунга қадар насроний олами Арастунинг деярли унутган, бу дин илоҳиёти эса асосан Афлотун ва янги афлотунчилик ғоялари билан суғорилган эди. Арастунинг Ғарбни қайта забт этиши осон кечмади – илк арастучилар бидъатчиликда айбланди. Арасту фалсафасидаги материализм ва рационализмни ҳукмрон насроний илоҳиётига мувофиқлаштириш осон эмас эди. Унинг мантиғи ва физикаси нуқтаи назаридан эса, баъзи насроний ақидалар абсурдга айланиб қоларди. Шундай шароитда насроний олами ақл ва эътиқодни ўзаро келиштириш йўллари қидира бошлади.

Ғояларнинг, абстракт тушунчаларнинг реал мавжуд эканию конкрет нарса ва ҳодисаларнинг шунчаки “шарпа” экани ҳақидаги Афлотун қарашларининг Арасту томонидан танқид қилиниши ва шу негизда бошланган баҳс насроний диний ақидалари контекстида янгича кўриниш олиб давом этди. Арасту фалсафаси насоро илоҳиётчилари ўртасида рационал мунозараларга туртки берди. Библияни сўзи эмас, руҳидан келиб чиқиб талқин қилиш тенденцияси кучайди. Оврупода Ренессанс учун қулай маданий муҳит хозирланди.

Арасту фалсафасининг қамрови ва маҳобатини намойиш қилмоқ учун биргина мақола не, йирик монографиялар ҳам етарли эмас. Биз қуйида Арастунинг илмий бисоти ва бу мероснинг файласуф ва фотидан кейинги тақдирига бир қур назар ташламоқчимиз.

“Инсон табиатан билимга ташнадир” (*Метафизика I, 980a*). Бу ташналик қандай қондирилади – шифтдаги доғларнинг сонини санаш биланми ёки оламнинг фундаменал қонунларини кашф қилиш биланми? Оқилона қизиқувчанлик ва билимга мубталолик инсоният эришган ютуқларнинг ўқ томиридир. Арасту учун яшашнинг мақсади ҳам, воситаси ҳам айнан билиш эди. Унингча, инсоннинг инсонлиги унинг онги фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Билиш эса ана шу фаолият мақсади сифатида асл инсонни яратади. Ахлоқнинг ҳам, бахтнинг ҳам, фаровонликнинг ҳам асоси билимдир. Антик давр юнон фалсафаси таянчи айнан шу ғоя бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, Арасту ана шу аънанани ҳадди аълосига юксалтирган мутафаккир эди. Яна шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, юнонлар назарда тутган билишнинг (*scientia*) бирламчи воситаси мифологик ривоятлар ҳам, ўтмиш аждодлар нуфузи ҳам, мистик тажриба ҳам эмас, балки ақл ва ҳиссий тажриба эди. Ана шу жиҳати билан юнон фалсафаси ўша даврдаги бошқа фалсафий аъналардан бирмунча олдинда туради.

Арасту шу аънананинг маҳсули эди. Ўз навбатида, у бу аънанани шу қадар юксалтирдик, унинг таъсири минг йилларга узанди. У Афлотун идеализмини Демокрит материализмига мувофиқлаштира олди. Бу жиҳатдан уни рационализм ва эмпирицизмни синтезлаган (“коперникона тўнтариш”) Иммануэл Кантга қийслаш мумкин. Арасту фалсафасида моддиятга ҳам, руҳониятга ҳам ўрин берилгани уни ҳаммабоб файласуфга – дини ва миллатидан қатъи назар, барчанинг “биринчи муаллим”ига айлантди.



Арасту рационал асосдаги чинакам фалсафа вужудга келганидан қарийб уч аср кейин яшаган. У вақтда дунё сир-синоатга бой эди. Юнон фалсафаси (Фалес, Анаксимен, Анаксагор) табиатни, унинг ўзгармас, фундаментал асосларини кашф қилишга уринишдан бошланди. Кейинчалик изланишлар доираси кенгайиб, инсон ва жамиятни (софистлар, Суқрот, Афлотун) ҳам қамраб олди. Бу икки йўналишнинг қўшилиши эса Арасту фалсафасида кузатилади. Шунинг учунми, у тадқиқот соҳаси энг қамровдор файласуфга айланди.

Тадқиқотчилар Арасту ёзган асарлар сони икки юзтага етиши, улардан ўттиз биттасигина бизгача етиб келганини айтади (*Christopher Shields. Aristotle. "The Stanford Encyclopedia of Philosophy", (Fall 2015 Edition), ed. by Edward N. Zalta (ed.), URL <http://plato.stanford.edu/archives/fall2015/entries/aristotle/>*). Алломанинг антик даврда яшаган биографлари эса асарлар сонини турлича кўрсатган. Масалан, Диоген Лаэртций (III аср) 143 та, Исихий (VI аср) 187, Птолемей ал-Ғариб (IV аср) 99 та (*Georgios Anagnostopoulos. Catalogues and Editions of Aristotle's Works. A Companion to Aristotle. Blackwell Publishing Ltd., 2009, p. 14*). Бир рўйхатдаги баъзи асарлар иккинчисида берилмаган. Масалан, Диоген Лаэртций рўйхатига Арастунинг баъзи йирик асарлари ("Жон ҳақида", "Никомах этикаси", "Метафизика") киритилмаган. Шундай бўлса-да, асарларнинг мазмуни очиқланмагани боис, бу рўйхатларга муайян асар киритилган ёки йўқлигини аниқ айтиш қийин. Чунки асарлар бир неча марта қайта тартибланган ва номлари ўзгарган. Улар орасида тил ва мантиқ, этика ва эстетика, сиёсат ва ҳуқуқ, зоология ва ботаника, кимё, астрономия ва механика, теология, метафизика ва билиш назарияси, ҳаттоки Олимпия ўйинлари ғолиблари ва Нил дарёси ҳақидаги асарлар ҳам бор.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, Арасту ўзгалар ўқиши учун китоб ёзмаган, ундан қолган асарлар ўзи маърузаларида фойдаланган қайдлар, холос. Улар бугун қўлимиздаги йирик асарлар ҳолида кейинчалик

тартибланган. Шу боис уларнинг ёзилиш санасини аниқ хронологик тартиблаш мушкул. (Асарларда бир-бирига берилган ҳаволалар, ўша даврдаги тарихий воқеаларнинг эсга олинишига кўра уларнинг ёзилиш кетма-кетлиги нисбий аниқланади.) Бир неча асарлар қўшиб яхлитланган ёки параграфлар мавзусига кўра бир асардан бошқасига ўтказилган. Хўш, бу қачон ва қимлар томонидан амалга оширилган?

МУҲОЖИР ФАЙЛАСУФ

Арастунинг Афинадаги ҳаёти икки даврга бўлиб ўрганилади. Биринчи даврда (мил. авв. 367-347) у Афлотун академияси тингловчиси бўлган, иккинчи даврда (мил.авв. 335-323) Александрнинг ҳомийлигида шу ерда ўрнашиб, ўз мактаби – Лицейга асос солган. Арасту, гарчи умрининг ярмидан кўпи ўша ерда ўтган эса-да, Афина фуқароси бўлмагани боис, ҳуқуқлари чекланган эди. Масалан, хусусий ер-мулкка эга бўлолмасди. Мактаби учун ажратилган жой ҳам ижарага олинган эди. Арастунинг, Суқрот ва Афлотундан фарқли ўлароқ, афиналиклар орасида эътибори юқори бўлмаган. Бунинг устига, афиналиклар орасида македонияликларга қарши кайфият кучайиб борган. Арастуга, Александрнинг ҳаммаслаги бўлмаса-да, босқинчининг устози ва маънавий раҳнамоси сифатида қаралгани ҳам мутафаккирнинг Афинадаги ҳаётини чигаллаштирган. Милоддан аввалги 323 йили Александрнинг тўсатдан вафот этиши Арастуни қудратли ҳомийдан жудо қилди. Афинада яшаш энди унинг учун янада хавфли бўлиб қолди. Уни Суқрот каби бидъатчилик ва дахрийликда айбловчилар пайдо бўлди (*Диоген Лаэртций. О жизни, учениях знаменитых философов. Москва, "Мысль", 1986. Стр.189*). У афиналиклар "иккинчи марта фалсафага қарши жиноят қилмасликлари учун" шаҳарни тарк этади (*Ingemar Düring. Aristotle in the Ancient Biographical Tradition. Institute of Classical Studies of the University of Göteborg, 1957, pp. 341-42*). Суқротнинг ўлдирилиши биринчи жиноят эди десак, Арастуга нима хавф солгани аёнлашади.

Шундан сўнг Эвбея оролидаги Халкис шахрига кўчиб ўтади ва ўша ерда миллоддан аввалги 322 йили, аксар тадқиқотчилар фикрига кўра, ошқозон-ичак йўлларидаги сурункали касалликдан вафот этади (*Georgios Anagnostopoulos. Aristotle's Life. A Companion to Aristotle. Blackwell Publishing Ltd., 2009, p.10*).

Арастудан катта кутубхона мерос қолган. Страбоннинг ёзишича, у қолдирган кутубхона кейинчалик Александрия кутубхонасига андаза бўлган. “У биз билган китоб тўплаган биринчи шахс эди. Миср ҳукмдорлари ундан намуна олди” (*Страбон. География в 17 книгах. Издательство “Наука”, 1964. Стр. 571*).

Арастунинг кутубхонасида ўзиникидан ташқари бошқаларнинг асарлари ҳам бўлган. Маълумки, Арасту қайси муаммони тадқиқ этмасин, уни ўзигача кимлар ўргангани билан қизиққан, уларнинг номларини тилга олиб ўтган, аргументларини таҳлил қилган. У, шунингдек, зоология, географияга доир фикрларини асослаш учун фактлар тўплаган ва бунда ўз кузатувларидан ташқари бошқалар берган маълумотларга ҳам суянган. Устози Афлотундан фарқли ўлароқ, Арастунинг табиатшуносликка астойдил қизиқгани, эмпирик билишни қадрлагани ҳам китоб тўплашига сабабдир эҳтимол. Хўш, бу кутубхонанинг келгуси тақдири нима бўлган? Биз мутолаа қилаётган Арасту асарлари қандай қилиб бугунги кўринишга келди?

САРСОН БЎЛГАН КИТОБЛАР

Страбон Арасту кутубхонаси ҳақида бундай ёзади: “Сукротга издош файласуфлар Эраст, Кориск ва унинг Арасту ҳамда Теофрастнинг шогирди бўлмиш ўғли Нелей скепсислик¹ эди. Нелей Теофрастнинг кутубхонаси ва унга қўшиб Арасту китобларини ҳам мерос қилиб олди. Арасту ўз китоблари ва мактабини Теофраста васият қилган эди... Теофраст китобларни Нелейга топширди, у эса китобларни Скепсисга олиб кетди.

Нелей вафотидан сўнг китоблар жоҳиллар қўлига ўтди. Улар китобларни яшириб, қаровсиз ташлаб қўйдилар. Скепсисликлар аттал қироллари китобларни излаётгани, Пергам кутубхонасини бойитиш ниятида эканини билиб, китобларни чуқурга кўмиб қўйдилар. Китоблар моғор босиб, қуртларга ем бўлиб ётди. Сўнг нелейзодалар уларни китоб тўпловчи Таослик Апелликонтга сотиб юборди². Апелликонт файласуф эмас, шунчаки китобсевар киши эди. У китобларнинг қурт еган қисмларини тиклаш учун асл матндан нусха кўчирди, йўқолган жойларини хато ёзилган талай қўшимчалар билан тўлдирди... Апелликонт вафотидан сўнг Сулла Афинани босиб олди, кутубхонани эса ўзи билан олиб кетди” (*ўша манба*). Страбон китобларнинг Афина – Скепсис – Афина – Рим йўналишида кўчиб юргани тарихини баён қилмоқда. Кутубхона миллоддан аввалги 84 йили Римга олиб кетилган.

Шу ўринда Апелликонтнинг зарарланган китобларни тўлдириш асносида уларни бузиб қўйгани ҳақидаги маълумотга диққатни қаратиш лозим. Ўша китоблар айнан Арасту қаламига мансубиди? Юқорида айтдикки, файласуф кутубхонасида унинг ўз асарларидан ташқари бошқа муаллифларнинг талай китоблари ҳам бўлган. Кейинчалик улар қаторига Теофрастнинг асарлари ва у тўплаган китоблар ҳам қўшилган. Апелликонт уларнинг ҳаммасини сотиб олган. Страбон эса ундаги баъзи китобларга хато тузатиш киритилганини ёзган. Бироқ улар айнан Арастунинг асарлари бўлганига етарли асос йўқ.

Китобларнинг Римга келтирилгунга қадар бўлган кечмиши ҳақида сўзловчи бошқа тайинли ва ишонарли тарихий манбани учратмадик. Тадқиқотчилар орасида Страбон берган хабарнинг тўғрилигига шубҳа қилувчилар бўлса-да, перипатетикларнинг (арастучилар) муҳолифлари бу маълумотларни атай бўрттириши айтилса-да, шу соҳага доир аксар китобларда унга таянилади

¹ Кичик Осий шимол-гарбидаги шаҳар.

² Апелликонт (мил. авв. 84 йили вафот этган) – Афина фуқароси, ҳар йўл билан китоб йиғиб кутубхона ташкил қилган.

(Georgios Anagnostopoulos. *Catalogues and Editions of Aristotle's Works. A Companion to Aristotle*, p. 16; Ingemar Düring. *Aristotle in the Ancient Biographical Tradition*, pp. 462-63).

Шундай қилиб, шаҳарма-шаҳар кўчиб, сарсон бўлган китоблар Римдаги кутубхонадан жой олди. Улар ўз тадқиқотчисини кутар эди.

ИЛК МУКАММАЛ ТЎПЛАМ

Юқорида таъкидлаганимиздек, Арасту асарларининг аксари ўзгалар ўқиши учун эмас, балки ўзи маърузаларида фойдаланиши учун ёзилган қайдлар эди. Бу қайдлар ортиқча изоҳларсиз ва узук-юлуқ бўлган. Шунгами, унинг услуги Афлотунниқига қиёслаганда хийла мураккабдек туюлади. У ижодининг илк паллаларида – Афлотун академияси тингловчиси бўлганда санокли диалоглар ёзган, холос. Уларнинг аксари бизгача етиб келмаган. Қолган асарлари монолог шаклида, яъни унинг ўз тилидан нақл қилинган.

Асарлар Римга келтирилганда на санаси ва на мавзуси бўйича тартибланган эди. Китоблар орасидан Арастуға тегишлилиринигина ажратиб олиш, уларни одамлар бемалол ўқий оладиган ҳолатга келтириш лозим эди. Страбон ва Плутарх (46 – 120) бу ишга Римдаги арастучилар киришганини ёзади. Аввалига Тираннион исмли тил ва адабиёт муаллими бунга уриниб кўрган. Бироқ у бирор натижага эришганми-йўқми – бу ҳақда аниқ маълумот йўқ. Бу мушкул вазифани Родослик Андроник уддалади. У Арасту ва Теофрастнинг асарларини мавзу бўйича таснифлаб, тартибга келтирган (Плутарх. *Избранные жизнеописания. В двух томах. Том 2, Москва, изд-во "Правда", 1990. Стр. 65; Порфирий. Жизнь Плотина// Диоген Лаэртский. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов. Москва, "Мысль", 1986. Стр. 438-39).*

Андроникнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида деярли маълумот йўқ. Цицерон ўзига замондош кўплаб файласуфлар ҳақида маълумот берса-да, Андроник, унинг Арасту асарларига тартиб бергани ҳақида лом-мим демайди. Шунга кўра, аксар тадқиқотчилар у милoddан

аввалги биринчи асрнинг иккинчи ярмида яшаганини тахмин қилади.

Юқоридаги маълумотларга асослансак, Арасту асарлари Теофрастнинг вафотидан сўнг ғойиб бўлган, орадан икки аср ўтгач, Римда қайта кашф қилинган. Хўш, икки аср мобайнида перипатетиклар Арасту анъанасини қандай давом эттирган? Файласуф таълимоти оғиздан-оғизга кўчиб юрганми? Арастушунос Георгиос Анагностопулоснинг ёзишича, Теофрастнинг вафотидан Андроникка қадар Арасту қўлёзмалари бутунлай, ҳатто Арасту мактабидан ҳам ғойиб бўлиши мумкин эмас. Лицейда, баъзи кутубхона ва шахсларда айрим қўлёзмалар нусхаси сақлангани эҳтимол бор. Аксар мутахассислар фикрича, айна шу даврда Афина, Рим, Кичик Осиё ва умуман Ўртаер денгизининг шарқий соҳилларидаги шаҳарларда Арастуға, унинг ғояларига қизиқиш катта бўлган.

Қўлёзмаларнинг "ғойиб бўлиши", икки аср ўтгач қайта кашф қилиниб, мукаммал тўпламлар ҳолига келтирилиши ҳақидаги маълумот уларнинг бошқа нусхалари ҳам бўлган, деган фикрни инкор қилмайди, албатта. Андроник қўлёзмаларни таҳрир қилиб, бугун бизга таниш бўлган "Метафизика", "Сиёсат", "Физика", "Никомах этикаси" каби асарлар шаклига келтирган. Демак, айтиш мумкинки, Арасту "Метафизика" каби алоҳида трактатлар ёзмаган, улар тарқоқ қўлёзмаларнинг мавзуга кўра тўпламларидир.

Андроникнинг олдида турган энг мушкул вазифа – Арасту асарларини бошқаларниқидан ажратиб олиш эди. Арастунинг услуги, тили, ғояларидан пухта хабардор муҳарриргина бу ишни эплай оларди. Андроник Рим перипатетиклари орасида энг билимдонларидан бўлган, ўзи ҳам фалсафий асарлар битган. Бироқ у қўлёзмаларни нечоғли таҳрир қилгани бизга номаълум. Порфирий Плотин асарларини қайта ишлаб тартиб беришда Андроникка тақлид қилганини ёзади. Порфирийнинг ишлари асосида Андроникнинг таҳрир услуги ҳақида бирмунча тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Андроник Арастуни мантиқан изчил фикрловчи файласуф деб билган ва унинг

тарқоқ қўлёмаларида бу акс этишига ишонган. Аини ишончга асослаган ҳолда уларни таҳрир қилган. Арастуниг "Биринчи аналитика" ва "Иккинчи аналитика" асарларидаги дедуктив мулоҳазалар ва аксиоматик методга доир фикрларни назарда тутсак, у ҳақиқатан ҳам мантикий изчилликка алоҳида эътибор қаратган. Бироқ шундай изчиллик унинг асарларида ҳақиқатан ҳам бўлганми ёки Андроник бунга қаттиқ ишонганидан таҳрир жараёнида ўзи билиб-билмай, зўрма-зўракилик билан уларни тартибга солиб қўйганми – бизга қоронғи. Арастуга Андроник "кўзойнаги" орқали қарашга мажбур эканмиз – қўлимиздаги барча асарлар унинг таҳририга асосланади – бу саволга ишонарли жавоб бериш душвор. Боз устига, Арастуда бутун бошли изчил фалсафа бирдан пайдо бўлмагандир? У ҳам муайян ривожланиш босқичидан ўтган, бинобарин, турли даврларда ёзилган асарлар ўртасида тафовутлар бўлиши кёрак эмасми? Бизнингча, шу масала – арастушуносликнинг ҳал этилмаган муаммоларидан бири. Ҳар нима бўлганда ҳам, Андроник маълум маънода Арастуни бизга танитган, у ҳақдаги қарашларимизни шакллантирган. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Арастуниг "Метафизика"си қандай тартибланганига эътибор қаратайлик.

"Метафизика" бир-бирига яқин мавзудаги, аммо мустақил ўн тўрт китобдан ташкил топган бўлиб, ҳар бири юнон алифбосининг ўн уч ҳарфи билан белгиланган. Китоблар рақамлаб ажратилган боблардан иборат. Бу бир қарашдаёқ турли даврларда ёзилган қўлёмалар тўплами экани сезилади. Арасту бу номда асар ёзмаган ва умуман "метафизика" деган тушунчанинг ўзи Арасту фалсафаси лексиконида йўқ. (Афлотунда ҳам учрамайди.) Бугунги кунда "метафизика" деганда моддий борлиқдан ташқарида, ундан юқори турувчи борлиқ ҳақидаги қарашлар тушунилади. Бироқ бунинг Арасту "Метафизика"сида дахли йўқ. Афтидан, Андроник Арасту асарларини тўплашда аввалига табиат ҳақидаги қўлёмаларни физика, зоология каби йўналишлар бўйича тартиблаган, улардан ортиб қолгани эса "Метафизика" – "физикадан


кейин" номи билан бир китобга жамланган. Улар маълум маънода физиканинг мантикий давоми-ю, бироқ айнан физика эмас. Ўқувчи аввал физикани ўрганиб, сўнг метафизикага ўтиши лозимлиги назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин (*Peter van Inwagen, Meghan Sullivan. Metaphysics. "The Stanford Encyclopedia of Philosophy" (Spring 2015 Edition), Edward N. Zalta (ed.), URL <http://plato.stanford.edu/archives/spr2015/entries/metaphysics/>*).

Арасту "метафизика" атамасини қўлламаган бўлса ҳам, унинг ўрнини босувчи "биринчи фалсафа", "ҳикмат" каби истилоҳларни ишлатган. Борлиқнинг бирламчи, ўзгармас асосини, мавжуднинг мавжудлигини белгилаб берувчи хусусиятни ахтариш шу йўналишдаги фалсафанинг мақсади бўлган. "Бирламчи асос" эса материя ҳам, руҳ ҳам ёки йўқлик ҳам бўлиши мумкин. Борлиқнинг ягона асоси – материя дегувчи файласуф ҳам, агар у шу хулосага фалсафий тафаккур воситасида келган бўлса, метафизик деб аталиши мумкин. Қолаверса, сабаб ва оқибат, потенциаллик ва актуаллик, моҳият ва шакл каби тушунчалар моддий борлиққа ҳам бевосита дахлдор. Шу маънода, метафизикани табиатдан, моддий борлиқдан юқори турувчи асос ҳақидаги таълимот дейиш унинг қамровини торайтиради. Хуллас, "метафизика" атамасини Андроник илк бор алоҳида трактат номи сифатида фалсафага олиб кирган.

Қолган трактатлар ҳам "Метафизика" каби асосан тўпламлардир. "Баъзи трактатларнинг тузилишини Арастуниг ўзи белгиланган бўлса, қолганлари муҳаррирлар меҳнати самарасидир. "Никомах этикаси" тузилишида ноизчилликлар бор, "Метафизика" эса яхлит трактат эмас, эсселар мажмуасидир" (*Jonathan Barnes. Aristotle. Oxford University Press, 2000, p. 5*). Арасту уларни турли вақтларда ва турли вазиятларда ёзган. Баъзи трактатлар, мавзусига кўра, бир-бирига жуда яқин ва бир-бирининг мантикий давоми. Масалан, "Сиёсат"ни "Никомах этикаси"нинг давоми десак хато бўлмайди. "Метафизика"ни исталган жойдан ўқиб кетавериш мумкин.

"Физика"да бугунги кунда метафизик масала ҳисобланган кўплаб саволларга жавоб изланган. Яъни бугунги кун нуқтаи назаридан, бу китоб ҳам метафизик асардир.

Андроник китобларни тартиблаганда Арастунинг илмлар таснифига мувофиқ иш тутган. Шу боис асарларни қуйидагича шаклда гуруҳлаш мумкин:



Органон	<i>Категориялар Талқинлар ҳақида Биринчи аналитика Иккинчи аналитика Топика Софистик раддиялар</i>
Назарий илмлар	<i>Физика Вужудга келиш ва йўқ бўлиш ҳақида Осмон ҳақида Метафизика Жон ҳақида Табият ҳақида қисқача трактатлар Жонзотлар тарихи (ёки Зоологик тадқиқотлар) Жонзотлар аъзолари Жонзотлар ҳаракатлари Метеорология Жонзотларнинг ҳаракатланиши ҳақида Жонзотларнинг пайдо бўлиши ҳақида</i>
Амалий илмлар	<i>Никомах этикаси Эвдем этикаси Ахлоқи кабир Сиёсат</i>
Ижодий илмлар	<i>Риторика Поэтика</i>

Фалсафада метафизика (онтология – борлиқ фалсафаси ҳам шунинг ичида) ва эпистемология (билиш назарияси), этика ва эстетика, мантиқ ва натурфалсафа каби йўналишлар ана шу таснифлашлардан

кейин пайдо бўла бошлади. Арасту трактатлари эса ушбу йўналишлардаги муҳим бошланғич манбалар қаторидан ўрин олди. Замонавий фалсафадаги тармоқланишлар ва фалсафа таълими ҳам Арасту таълимо-

тига асосланади десак, муболага бўлмас. Бу тизимни Арасту яратди, Андроник унинг оммалашувига қўмаклашди.

“Биринчи муаллим” асарлари дунёга келишининг мухтасар тарихи ана шундай. Кейинчалик улар бошқа тилларга таржима бўлиб, Мағрибу Машриққа тарқади. Шарҳлар ёзилди, ҳатто бир-бирига қарама-қарши талқинлар пайдо бўлди. Унинг “Органон”и бугун ҳам мантиқнинг ўзагини ташкил қилади. У ишлаб чиққан ва изоҳлаган дедуктив мулоҳазалар силлогизми оддий аксиомалар, постулатлардан мураккаб фалсафий таълимотларнинг шаклланиши ва асосланишига ёрдам берди. Аслида бу методдан Сукрот ҳам фойдаланган бўлса-да, унинг яхлит ифодаси Арастуга тегишлидир. Шу маънода, уни мантиқнинг отаси дейиш мумкин. Арастунинг поэтикаси, этикаси ёки метафизикаси бўлсин, бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. “Физика” асарида ўзгариш, актуаллик ва потенциаллик, сабаб ва оқибат, замон ва макон, бўшлиқ ҳақидаги онтологик масалалар муҳокама қилинганки, улар ҳозир ҳам ўқувчини ўйлашга, фикрлашга ундайди. Арастунинг зоология ва космологияга оид кўплаб фикрлари хато бўлиб чиқса-да, ғайриилмий эмас эди. Уларни текшириш, баҳолаш, рационал ёки эмпирик жиҳатдан инкор қилиш ёки тасдиқлаш мумкин бўлган. Арасту мистикага муккасидан кетган файласуфлар тоифасидан бўлмаган. У имкон қадар далил ва мантиққа таянган.

Арасту ўз даври нуқтаи назаридан илғор файласуф эди. Бироқ унинг издошлари орасида ўз салафига мутаассибларча эътиқод қўйганлар пайдо бўлдик, бу ҳолат Ренессанс даврига келиб, Арастуни анча обрўсизлантирди, уни тараққиёт “душмани”га айлантди. Икки минг йил муқаддам яшаб ўтган одам тараққиёт душмани бўлиши мумкинми? Шу боис, бизнингча, Арасту ва арастучиликни бир-биридан фарқлаш лозим. Арасту мутлақ, ўзгармас ҳақиқатга даъво

қилмаган. У ўз ғояларини имкон қадар асослашга уринган. Унинг билишга, ўрганишга, изланишга бўлган муносабати эмас, балки фикрлари, қарашлари мутлақлаштирилди, ҳолбуки, аксинча бўлиши лозим эди. Шу маънода, арастучиларда Арасту фалсафасининг ғоялари бор-у, аммо унинг руҳи, ғайрати йўқ эди. Арастучиларнинг кескин танқидига учраган Галилео Галилейнинг риторик савол шаклидаги эътирофи диққатга лойиқ: “Агар Арасту коинот борасида қилинган янги кашфиётлардан бохабар бўлганида ўзига кўр-кўрона эргашган калтабинлардан узоқлашиб, ўз фикрини ўзгартириши, асарларидаги хатоларни тузатиши, энг маъқул ғояларни қабул қилишига шубҳангиз борми?” (*Galileo Galilei. Dialogue Concerning the Two Chief World Systems – Ptolomaic&Copernican. Stillman Drake trans., University of California Press, 1962, p. 110*) Арастудек файласуфлар ҳақиқатни билишга самимий, холис интилиш билан яшаган. Ана шу интилишнинг ўзи улар йўл қўйган хатоларни оқлашга кифоя қилади.

Арастунун Жонатан Бэрнес улур файласуф асарларини мутолаа қилмоқчи бўлганларга бундай маслаҳат беради: “Исталган бирор трактатни олинг, уларни маъруза учун ёзилган қайдлар деб ва ўзингизни маърузага тайёрлик кўраётган муаллим деб тасаввур қилинг. Сиз қайдлардаги аргументларни кенгайтиришингиз, мисоллар билан бойитишингиз керак... У нима демоқчи? Берилган фикрлардан яна қандай мантиқий хулосалар чиқариш мумкин? Бу хос атамалар нимага керак?” (*Jonathan Barnes. Aristotle, p.6*) Бу каби саволлар орқали биз фалсафанинг муҳим муаммолари ичига кириб борамиз. Арасту мутлақ ҳақиқатдан сўзлагувчи мутафаккир эмас. Унинг қарашлари фалсафий изланишлар учун зарур дебоча, хамиртуруш вазифасини бажарган ва бажаражак. Арасту ўз хатолари билан ҳам янги фикрларга туртки бера олувчи санокли файласуфлардан биридир.

Ҳалима АҲМАД

Haqqim bormi yuragimni tanimaslikka?!

Тилланисога

Бу дунёга келдим,

Балки дилимни

Бедил гамга очииш учун рўйирост.

Келганман,

Нилуфар туши оралаб

Ўзимда ўзингни кўргани, холос...

Кўзимни қадаҳга айлантирди ким,

Ким сурди кипригим устида даврон?

Менинг дардим билан гўзал бўлди тун,

Менинг дардим билан етилди армон!

Бу дунёга келдим,

Бахтиёр эдим,

Аммо синган эди чироқлар бари.

Ҳеч ким танимади менинг кўнглимни,

Афсонадан қочган мажнун сингари.

Бу дунёга келдим,

Хуш келдинг, дея,

Йўлимга хазонлар чиқдилар пешвоз.

Учдим хазонларнинг хаёлига тенг,
 Билдимки, меники эмас бу парвоз.
 Ва билдим,
 Тириклик саробга яқин,
 Бахту бахтсизликлар бари беҳуда.
 Куёшнинг синиги,
 Ойнинг синиги
 Титраниб, титраниб оқади сувда...
 Қушларга бир калом олиб келгандим,
 У каломни қайси йўлда йитирдим?
 Мендан тухфа кутган гадо дунёга
 Мен нима келтирдим,
 Нима келтирдим?


Хамма нарса таниш кўзимга гўё,
 Дарахтлар ненидир шивирлар беҳол.
 Сенга яқин жойда,
 Олис-олисда,
 Куйган булутларни ўйнайди шамол.
 Мен келдим...
 Ўзимда ўзингни кўргани келдим.
 Куйган булутлар ҳам
 келар мен томон...

Уйқудан уйғониб кетаман ҳозир,
 Менга деразангни очиб қўй, осмон!

ИШҚ

Шаробдурман,

Минг йилдирки, ҳеч ким ичмаган
 Ва ҳеч кимса тушида ҳам кўрмаган шароб.
 Гоҳо шафақ қони тўла кўнглини қўшиб
 Дарё каби чайқатади девона офтоб.
 Ўз-ўзимни ичиб бугун мастонадирман
 Ва ўзгалар хаёлига солмасман назар.



Баъзан туннинг этагига тўкади мени
Эрмак қилиб,
Бедард шамол – худобеҳабар.

Шаробдирман,
Дўзах таъми сингари аччиқ
Ва жаннатнинг ёди каби жуда ҳам ширин.
Аччиқ-ширин таъм ичида борлигим билан
Йўқлигимнинг ишққа пайванд сири яширин.
Мунофиқлар эса сайрар ҳаёт боғида
Гоҳ макрнинг, гоҳ ҳасаднинг шоҳига қўниб
Ва дейдилар: “У заҳарга, заққумга тўла,
Аллақачон кетган ишқнинг кулига дўниб...”

Менинг эса губоримда Мажнун кўринур
Ва ишқ дашти узра кезган оҳу сояси.
Мастлик билан ҳушёрликнинг ўртасидаман –
Тинглагайман бахтдан қочган гам ҳикоясин.
Шаробдирман,

Ҳар томчимда фалак кўз ёши
Ва кўрмаган кунларимнинг орзуси пинҳон.
Хом ўйлайман: балки эрта,
Балки ундан сўнг
Мени тупроқ ичиб қўяр
Ва ёки осмон...

Тупроқ, осмон дарди билан қовушиб кетсам
Ва руҳимга келган нурга бермасам жавоб.
Шунда гийбат бозорини қизитади дўст:
“У хотирдан чиқиб кетган шаробдир, шароб...”
Ҳа, мен балки чиқиб кетдим хотиралардан,
Аммо ҳали чиққаним йўқ ўзимдан – ҳушёр.
Қай томонга қарамайин мен Уни кўрдим,
Кўзни юмсам,

Бўлдим яна ўзимга азёр.

Кўзни юмсам,

Жунунландим ўзимдан-ўзим

Ва тўлқинлар ювиб кетди ненидир жондан.

Самандардай тирилдим мен дард чўғи ичра,

Чиқиб келдим гамнок ишқдай яна ҳижрондан...

Шаробдирман,

Эски жомга қуйилган шароб,

Менда сузар қуш парвози,

Булутлар рақси,

Фаслларнинг кулгусидан тўкилган жаранг

Ва армоннинг ифодасиз чехрасин акси.

Ҳамон ҳаёт паришондир ҳолимга боқиб,

Чайқалади менда зулмат,

Чайқалар саҳар,

Шаробдирман,

Шакари бор менда қайғунинг

Ва сўқир бахт қўлларидан қўшилган захар.

Гоҳ тўкилгим,

Гоҳ кўпиргим келади менинг,

Соқий эса ўз Аршида кузатади жим.

Тонгдай тоза қушларининг чуғури билан,

Тушун, ишқнинг боғларига келади қайтгим.

Мен турибман

Эски жомда бугун лиммо-лим –

Ҳар томчимда мастона бир дил кўринади.

Кўзим очсам,

Шафақларнинг ярасин тирнаб

Унинг томон кетаётган йўл кўринади.

Йўқ, сен менга ҳеч ачиниб боқмагин, ҳаёт,

Билсанг, менда, о, нақадар гўзал изтироб.

Кўпираман,

Мавжланаман,

Тошқинланаман –

Шаробдирман,

Фақат унга аталган шароб...

Шаббода фош қилган баҳор қалбини
Ёмгирлар ювади уфқ қошида.
Сўнган чўг,
Унутилган яна кимдир бор
Юрагимнинг беҳад дукурлашида.
Айлана-айлана айланар гардун –
Кафтида қуриган ишқнинг уруғи
Ва ҳаво шаклида соғинч қушининг
Кўксимни ўяди қонли тумшуги...
Очаман нигоҳим деразасини –
Булутлар бостириб кирар пайдар-пай.
Кўнглим ичидаги қадим қиссани
Бирорта куйга ҳам сололмайди най...
Ёмгир аямайди,
Ерга тўкилар
Олма дарахтининг хушбўй гуллари –
Тўкилади содда капалакларнинг
Бевақт синган қанотлари сингари.
Соябон тутади осмон юзига
Бир кимса – кетаркан руҳсиз, беҳаёл.
Унинг соябонин учириб кетар
Умидсиз томонга ёмгирли шамол.
Ёмгир овозида келади яқин
Айрилиқ шиддати,
Видо нафаси.
Ҳар майса қонида кўпиради боз
Ўтиб-ўтмаётган кун талвасаси.
Қабрлар устида сўлиган гулдай
Сўлгин ўйлар келар руҳим қошига.
Айланган гардуннинг қадам товуши
Ўхшайди юрагим дукурлашига.
Қарайман: осмонда сузар булутлар
Дарё ишқи қўшилгандай дардига.



Ўйлайман:

Эсларму мени ҳам кимдир
Бир кун кетиб қолсам осмон ортига?!
...Сўлгин хаёлларни ҳайдайман руҳдан,
Ёпаман нигоҳим деразасини.

Сезаман тош каби қалбимга теккан
Шодлик миннатию
бахт зардасини.

Қайтаман кўнглимнинг уйига яна
Олма гулларини гиламдай тўшаб.
Само юрагининг ифоридай хуш
Бир нафас келади ошиққа ўхшаб.
Кўнглимнинг уйида Ҳақнинг шубҳаси
Жаннат соғинчини этар ҳувайдо
Ва тўлқинланади – Мажнундай телба –
Лайли кокилларин ювган ул дарё.
Кўнглимнинг уйида гуллар дарахтлар –
Кафтларига тўлган тонгнинг дуоси.
Эшитилиб турар ҳар тўрт тарафдан
Риёсиз, ҳасадсиз қушлар овози.

Дўстмисан,

Ғанимми – менга барибир,
Келавер

Ҳиёнат, гийбатлар оша.
Ахир, эллик тўрт йил безадим уни,
Кел, менинг кўнглимни қилгин томоша!..

Эй биродар,
етиб келдик умримизнинг бу қиргогига...

Чучкурганда олма гули соғинч ҳидидан,
Кўзимизни тўлдирганда мастона ёғду.



Хеч бир нарса ўзгармади: шодлик ҳам – ўша,
 Ўша – бизни зериктирган қорамтир қайғу.
 Ким тирнади орзуларнинг ложувард кўксин
 Ва умиднинг чирогини ким у сўндирган?
 Ахир, бизнинг манзилимиз бошқа эди-ку,
 Айтинг, ким у адашмоққа бизни кўндирган?
 ...Зардушт бугдой каби сочган эзгулик донин
 Парваришлаб ўстирдикми қалб даласида?
 Ўшал олис ишқ мавжини жоннинг ичига
 Кўчирдикми жунуннафас қушлар сасидан?
 Нега бизлар узоқлашдик Навоий богин
 Безаган ул сарвигулнинг титроқларидан?
 Нега, ахир, кўнглимизни ундирмадик боз
 Ниҳол янглиг илоҳий ишқ тупроқларидан?
 Нега бизни мафтун этар сув қўшигимас,
 Пул қозозин шитирлаши,

Тилло жаранги?

Қачон юқди кўнглимизнинг кўйлақларига
 Жаҳаннамнинг бадбўй ҳамда кирчимол ранги?
 Онамизнинг кўксидаги хушбўй меҳрни
 Шамолларга осонгина сочиб юбордик.
 Дўст дардидан қочиб,

нечун оҳидан қочиб,


Қарғиш урган кечаларнинг қалбига бордик?

Эй биродар,

Етиб келдик умримизнинг бу қиргогига –
 Ортимиздан йиглаб қўлин силкитмас ҳеч ким...
 Кел, Ҳақ учун куйлаётган ва йиглаётган
 Тўлқинларнинг қўшигини эшитайлик жим.

Етиб келдик умримизнинг бу қиргогига...

Мен кунларни алдаяпман,
 Ёмон кунларни,
Гоҳ кар бўлиб, гоҳ ўзимни солиб мастликка.
Аммо ўздан қайга қочай,
 Қаёққа қочай,
Ҳаққим борми юрагимни танимасликка?!
Оғринмайман, кўзларини кўзимга тикиб,
Пўрим ҳаёт жиркангандай бурса лабини.
Оғринишга вақтим йўқдир,
 Излайман, зотан,
Тушларимга чўкиб кетган қуёш қалбини.
Мен биламан, ўша қалбда эди ёшлигим –
Настаринлар кулгусида ёришган фасл.
Наҳотки мен олиб келдим
 Елкамга ортиб
Висолидан айро тушган ишқни йилма-йил?
Наҳотки ҳеч англамадим шамол қўлида
Фарёд чекиб бўзлаётган ошиқ майсани?
Хаёлида покландим мен бир лаҳза, ё Раб,
О, бағримни тилка-пора қилган найзани?
Нечун тонглар уйғотмайди энди энтикиб,
Шудрингларнинг жаранглаган ашуласида?
Ниманидир йўқотдим мен саркаш хазоннинг
Дарахтларда бош кўтарган гулгуласида.
Тушлар қалбга,
 Қалблар тушга айланган чоғда
Хаста соғинч кўзларимга ҳайдайди тунни
Ва нигоҳин ёмғирларга чайиб сўрайди:
Ёдингдами, кўнглимизнинг тугилган куни?
Ёдингдами, кўнглимизнинг тугилган куни?..



ОҒТОБГА ОШУҒТА

Ўтган асрнинг 70-йиллари, жўшқин ёшлик паллаларимизни соғинч билан ёдга оламан. Рассомлик билим юртида ўқиб юрган Шоира Қўзиёванинг ўша кезлардаёқ рангасвирга иштиёқи кучли эди. Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ёш рассом Тошкент театр санъати ва рассомлик институтига ўқишга кирди. Кейинроқ кандакор рассом Турсунали Қўзиёвга турмушга чиқди ва ёш оила Сурхондарёга жўнаб кетди.

Шаҳарнинг соя-салқинида ўсган мусаввир қиз офтоб мўл-кўл нур сочаётган боғ-роғларга, лолалар алвонланган кенгликларга ошуфта бўлди-қолди. Шу тариқа ижодкор палитрасидаги сокин ранглар олов рангларга дўнди. У Сурхон воҳасига киндик қони тўкилган макондек ихлос кўйди. Қаҳрамонлари билан бирга ертандирда нон ёпди, ўчоқда таом пиширди, этюднигини кўтариб тоғ ва дашт кезди. Уларни матогагина эмас, қалбига ҳам кўчирди. Воҳада ўтган ўн беш йил Шоирани пленэр (*очиқ осмон, қуёш нури остида сурат ишлаш*) устаси сифатида шакллантирди. Ранго-ранг либосли келинчақлар, ҳапамат таққан жувонлар, кўзлари тийрак боқувчи момоларнинг портретлари ўша кезлар чизилган.

Пойтахтга қайтгач, Шоира ижодида янги давр бошланди. Ҳаётни обдон кузатиб, теран мушоҳадага чўмган рассом “Баҳор”, “Бахт куши”, “Қуй”, “Муסיқачилар”, “Болаликка қайтиш” сингари фалсафий-рамзий асарлар яратди. Ушбу картиналарда муаллифнинг натурага кўп ҳам боғланиб қолмай, ҳаёт ҳақиқатини истиоравий тил билан акс эттирганини кўриш мумкин. Уларни томоша қилар экансиз, сўзанаю беқасам чопон, анвойи рангли кўйлагу гулдор рўмоллар қатига сингиб кетган қуёш тафтини аниқ ҳис этасиз. Йиллар сурони ижодкор қалбидаги болаларча соф ҳайрат ва ўзбек аёлига хос камтарликни маҳв эта олмаганига таҳсин айтасиз.

Дарвоқе, рассом ижодхонасида қизлари Мадина билан Маликанинг асарларига ҳам кўзим тушди. Маликанинг сержило натюрмортлари, Мадинанинг график йўлдаги изланишларини кўриб, истеъдодли инсонларнинг фарзандлари-да иқтидор билан дунёга келишига инондим. Шоирани эса полапонларини парвозга шайлаётган она қушга ўхшатдим...

Гулнора РАҲМОН



“Кунботар”



“Настарин”



“Кўклам нафаси”



“Гулсатсар”



“Ул на гумбаздир...”

100




UNUTILMAS

MUTAL AKAMIZ

XX аср ўзбек мусиқа маданияти равнақида атоқли композитор Мутал (Мутаваккил) Бурҳоновнинг беқиёс ўрни бор. Бу зотнинг ижодкор сифатидаги буюклиги мустақил Ватанимиз Давлат мадҳияси оҳангини яратганидагина эмас. Мутал ака яратган барча асарларда у киши яшаган долғали йиллар руҳи ажиб тарзда жилоланиб турибди.

Аввало шуни айтиш керакки, Бухорои шарифда мударрис оиласида таваллуд топган бўлажак композиторнинг онг-шуури шаклланишида бу кўҳна шаҳарнинг XX аср илк чорагидаги маданий муҳити зўр аҳамият касб этган.



У ўсиб-улғайган хонадонда шоиру ҳофизлар тез-тез йиғилиб, маснавийхонлигу мақомхонликлар уюштирган. Шу асно Шарқ шеърляти ва муסיқаси сарчашмаларидан баҳра олиб улғайган ёш Мутал Фитрат ташаббуси билан очилган Бухоро мусиқа билим юртида танбурдан сабоқ ола бошлаган. Бу даргоҳда Ота Жалол, Домла Ҳалим, Маъруфжон Тошпўлат каби ўша даврнинг моҳир машшоқлари дарс берган. Замондошларининг ёдга олишича, бўлажак композитор саккиз ёшидаёқ маҳзун, нолакор оҳанглар таратувчи танбур созини анчагина маҳорат билан чалар экан. Унда юксак мусиқий дид ва савияни шакллантирган ўша илк сабоқлар бутун ҳаёт ва ижод йўлини ҳам белгилаб берган бўлса ажаб эмас.

Мутал Бурҳоновда анъанавий халқ мусиқасини тўқис эгаллашга иштиёқ гарчи дастлаб Бухорода куртак отган бўлса-да, том маънодаги профессионал мусиқий сабоқни у 1928-32 йилларда Самарқанд мусиқа ва хореография институтида, 1939-41 ва 1946-49 йилларда эса Москва консерваториясида олди. Мутаваккил ака миллий мусиқамиз анъаналари руҳида улғайган ижодкор эса-да, айни чоқда, Европа мусиқаси дурдоналарига ҳам бефарқ эмас эди. Эҳтимол шу боисдандир, у Фарбнинг мураккаб мусиқий жанрларида ҳам нимаики яратмасин, уларда миллий руҳият етакчилик қилади. Бошқача айтганда, унинг ария, оратория, опера каби турли жанрдаги асарлари жисмига шарқона нолалар жон ато этиб тургандек. Бундай ўзига хослик композиторнинг ижодий услубига айлангани бежиз эмас эди, албатта.

Мутал ака Машраб шеърлари асосида “Шоир орзуси” деган мусиқий баллада, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир шеърлари асосида “Мангу хотира” деган марсия (реквием) ёзган. “Мафтунингман”, “Ибн Сино” каби машҳур фильмларга мусиқа басталаган.

Композитор бутун умри давомида ҳазрат Навоий ижодига катта эҳтиром билан муносабатда бўлди. Шоирнинг ўлмас асарларига қайта-қайта мурожаат этди. Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмасига мусиқа басталади. Шеър мулки султонининг 550 йиллик тўйига тараддуд кўрилайётган кезлар-

да “Абдуллажон, Навоий бобомизга бағишлаб бир-галикда оратория ёзайлик”, деб қолди. “Оратория нима ўзи?” дея савол берсам, “Операга энг яқин, сўнгги олтин босқич. Жаҳон мусиқаси мутахассислари оратория-



ни жуда юқори баҳолайди”, дея жавоб қайтарди. Шу тариқа каминанинг шеъри асосида “Алишер Навоийга қасида” ораторияси дунёга келди ва тўйга тўёна бўлди. Академик катта театримиз саҳнасида кўйилган “Алишер Навоий” операси эса Мутал Бурҳоновнинг композиторлик ижодидаги яна бир юксак босқичдир. Ўзига, ижодига ғоятда талабчанлиги ҳамда опера жанрига зўр эътиқоди туфайли бу асар устида қайта-қайта ишлаб, беором изланиб, етук мусиқий асар яратишга муваффақ бўлди. Ҳазрат Навоий ижодига бениҳоя ошиқ бўлган композиторнинг ўзи ҳам Оллоҳ хоҳиши билан ул буюк зотга ўхшаб рўзғор тутмай ўтди...

Мухлислар Мутал ака ария, опера, оратория каби саҳна мусиқаларида миллий замин устувор бўлишига катта аҳамият берганини эътироф этади. Унинг мусиқий асарлари халқ руҳининг теран қатламларидан куч-қудрат олувчи ва айни сабабдан ҳам ҳар бир қалбни чуқур ларзага солувчи сеҳрли жозибага эга. Мутал ака яратган ажойиб романслар эса яна бир гўзал олам. “Келса ногоҳ”, “Намедонам, чи ном дорад”, Фитрат шеъри билан айтиладиган “Ташлади-кетди” ва бошқа кўплаб романслари машҳур. Ўзбек мусиқаси тарихида бу кишига етказиб романс ёзганлар йўқ ҳисоби. Романс – мусиқанинг лирикаси. У фортепьянонинг қисқа-қисқа, энг паст нотасида ижро қилинади. Романсда ижрочи олаётган нафасгача эшитилиб туради. Илоҳий туйғуларга йўғрилган бу жанрда бақириқ-чақириқ деганлари бўлмайди. Композитор бисотида Навоий ва Ҳофиз шеърларига ёзилган

тенгсиз романслар бор. Биз Мутал аканинг ўзимиз тушунадиган, англайдиган романсларини тинглаб қойил қолганмиз. Аммо бу чуқур, теран асарларни таҳлил қилиш учун мусиқа мутахассиси бўлиш керак.

Мутал Бурҳонов ижодига бугунги даврдан туриб қарасак, унга собиқ шўро мафкурасидаги бир хиллик, сохта пафос мутлақо ёт бўлганини кўрамиз. Ўзининг маъюс, маҳзун, теран фалсафий лирик овози бор эди, “давай-давай”чиликни хуш кўрмасди. Шунинг учун у кишининг мусиқасига шўро даври “лаббайчи”лари ғашланиб боқарди. Унинг бошқалардан фарқи айнан шу фазилатида кўринади.

Мутал ака нозик қалбли одам эди. Қаттиқроқ гап эшитса, қони юзига тепчирди. Бирор жойда адолатсизлик, камситиш, кибрни кўрса чидаб туролмасди. Ёлғонга тоқати йўқ эди. У киши кўп йиллар яшаган шўро тузуми эса, кибр-ҳавою ёлғончиликдан иборат бўлди. Мутал ака буни “ҳазм” қилолмасди. Унга тўйларда диконглаб рақсга тушиладиган энгил-елпи мусиқа ёқмасди. Негаки, жўн эстрада “асар”лари ёзадиган композитор эмасди. Етук мусиқий билимли, нотани яхши ўзлаштирган доно киши эди. Шунинг учун соҳасининг айрим вакиллари у кишига кўп озор берган. Ўша оғир йилларда композиторни Дмитрий Шостакович кўллаб турган. Даврнинг улуғ адиби, шоири, композитори деган гаплар бор. Шўро даврида Горький ана шундай ёзувчи, Маяковский ана шундай шоир, Шостакович эса ана шундай композитор бўлган. XX асрда жаҳонга донг таратган икки улуғ композитор бўлса, бири сўзсиз Шостакович эди. 9-симфониясини ёзгандан сўнг уни ҳам аввал қувғин қилиб, сўнг яна оқлашган. Мутал ака ҳам шўро давридаги сохтакорлик, дабдабабозлик, торликдан кўп азоб чеккан, қийналган. Партия топшириғи деса, жони чиқиб кетарди. Шунақа ўзига хос одам эди. Албатта, бундай шахслар учун ҳимоя зарур...

Мутал Бурҳонов 1955-60 йилларда Композиторлар союзига раислик қилган. Шу йил-

лар мобайнида, ҳамма билади, давлат берган идора машинасига бир кун ҳам ўтирган эмас. Хизмат машинаси унинг оёғига қараб кўчада имиллаб юрган. Қатъиятли одам эди. Кўнглига ёққан кишини бошига кўтарарди. Ёқмайдиган одам бўлса, “Ким бўлсангиз ҳам...”, деб кўнглидагини айтарди.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан мустақиллигимиз рамзларини яратишга киришилди. Чунончи Давлат мадҳияси учун танлов эълон қилиниб, унда ҳамма тахаллус билан қатнашди. Танловга келган мадҳиялар депутатлар муҳокамасига қўйилганда ҳозирги мадҳиямиз эътиборга тушди ва кўллаб-қувватланди. Албатта, тайёр шеърга мусиқа ёзиш унча қийин эмас. Чунки шоир йўлбошчи, байроқдор бўлади, композитор эса шоирга эргашади, мослашади. Лекин тайёр мусиқага шеър ёзиш ниҳоятда азоб. Шу ўринда мен иккинчисига рўпара келдим. Мадҳиямиз мусиқаси ўзининг улуғворлиги, миллийлиги, шижоати билан жаҳон давлатлари гимнлари орасида жуда юксак баҳоланди. Мутал ака билан аввалдан яқин ҳамкорлик қилиб келганимиз боис бир-биримизнинг ижодий инжиқликларимизни кўтарар эдик. У киши сўзнинг маъно-мазмунини теран англайдиган улуғ композитор эди. Биз Тошкентнинг қоқ марказида, Яхё Фуломов кўчасидаги менинг уйимда пианино ёнида тертўқдик (дарвоқе, ўша пианино ҳозир ҳам хонадонимда турибди).

Мадҳияда, албатта, муайян миллат ва давлатнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажакка назари акс этиши шарт. Сўз оз, маъно эса қамровли бўлиши талаб қилинади. Бунинг устига, мусиқа ноталари ҳар бир товуш ўз ўрнига тушишини тақозо этарди. Мисол келтирай: Мадҳиямизда “илму фан, ижод” деган ибора бор. Дастлабки талқинда буни “маърифат” демоқчи бўлдик. Лекин ижрода “маърифат” сўзи у қадар жарангламас экан. Ёхуд матндаги “тинчлик посбони” деган сўзларни олайлик. Шу сўзлар устида анча-мунча ўйланганмиз. Чунки ўтмиш даврда “Шўролар – тинчлик посбони!” деган шоир бўларди.

Аввалига шундан истиҳола қилдик. Сўнгра Мутал ака билан қатъий фикрга келдик: нега Ўзбекистон тинчлик посбони бўлмас экан? Буни тарих исботлаб турибди-ку! “Тинчлик посбони”, “истиқлол машъали” ҳаммани чўчитадиган сўзлар эмас. Бу ўзи тарихда бор гап-да”, деди Мутал ака. “Э, тилингизга шаркар, мусиқага тушадими?” деб сўрадим мен. “Жуда тушади-да”, деб жавоб берди композитор. Бу гапларни у киши қалби буюргани учун ҳам айтаётган эди. Мадҳия – ёдгорлик эмас. У – тирик ҳаёт, жонли турмуш. У турли фикрдаги ватандошларни бир неча дақиқадаёқ сўз ва оҳанг кучи билан бирлаштира олувчи буюк қудратдир.

Муҳокамалар чоғида кимдир карнайдан, кимдир мақомдан фойдаланайлик, деган гапларни ҳам айтган. Мутал ака ёзган куй – Ер юзидаги энг яхши мадҳия мусиқаларидан. Бу гапда ҳеч қандай муболаға йўқ. Ҳам миллий, ҳам дунёвий. Аини чоқда, жуда жозибали.

Мадҳия Олий Кенгаш томонидан қабул қилинди. Бир-биримизни табрикладик. “Мен

учун бу катта воқеа”, деди Мутал ака. Ахир, ҳаёт қийинчиликларидан сира боши чиқмаган, доим яққаланган, доим камситилган одам ғалаба қилган эди-да!

Мутал Бурҳоновнинг жаҳон мумтоз ва миллий мусиқа санъатимизни юксалтириш борасидаги хизматлари муносиб қадр топди. Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонлари, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон давлат мукофотлари соҳиби бўлган Мутал Бурҳонов Президентимиз Ислом Каримов Фармониға биноан “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

Шу кунларда таваллудига 100 йил тўлаётган унутилмас Мутал ака билан Давлатимиз мадҳиясини яратиш чоғидаги суҳбатларим ва таассуротларимға келсам, шуни айтишим жоизки, биз муаллифлик ҳуқуқиға эға бўлсак-да, Мадҳия мартабаси қошида барча фуқаролар билан теппа-тенгмиз.

Байроғимиз жаҳон узра мангу ҳилпирасин, Мадҳиямиз тоабад янграб тургай!



Мустақил Ўзбекистон Давлат мадҳияси ушбу пианинода ижод қилинган.



BEGONA

Сен совуқ плаида кўриндинг бир кун –
 Булутлар осмонда оқарди огир,
 Куз бўлиб, дам-бадам ёғарди ёмгир...
 Сен совуқ плаида кўриндинг бир кун,
 Соҳир кўзларингда баёнсиз бир ун.

Нетардинг тикилиб?
 Нетардим қараб?

ҚЎМСАШ

Омон Мухтор фақат адабиёт дея қайгуриб, фақат адабиётга хизмат этиб ўтган адибларимиздан. У фақат адабиётга умрни бахшида этмоқ мумкин деган фидойи бир эътиқодда яшади. Адиб ижодий кашфиётлар чегарасини муттасил кенгайтиришга интилди ва бу борада ютуқларга ҳам эришди. Натижада ўзбек адабиётида ўз ўрни, ўз мавқеига эга – китобхон бошқалардан фарқлай оладиган адибга айланди.

Омон аканинг ижодини матбуотда эълон қилинган илк шеърлариданоқ биламан. “Олой бозор... Унда ўзбек боғларининг / Шираю шарбати бор...” деб бошланадиган шеърини мактабдаги дўстларга ёд ўқиб юрганым эсимда. “Кун бўйи қор ёғар элак-элак-лаб, / Бир ён қатор уйлар, бир ён қатор тол. / Ҳовуздан сув ташир челак-челак-лаб, / Бошин тангиб олган қишлоқи аёл...” сатрлари билан бошланган шеъри эса сокин руҳи ва мухлис кўз олдига дарров намоён бўлувчи ажиб

Айт, киргинг келдими менинг қалбимга?

Ланг очиқ эшикдан киргандек, ажаб

Ва ё мен кирдимми сенинг қалбинга,

Сен совуқ плашда кўринган бир кун?

Ёдимда сақланар ҳаммадан бурун:

Қизардинг,


Кўзларинг яширдинг кўп бор.

Ёғиб ўтар экан ёмғир кечқурун,

Энтикиб тикилдинг менга ногаҳон.

Сўнгра шивирладинг гамгин, беозор:

“Мен сени... қанчалар кўраман ёмон!”



Худойим,

Менга бу келарми малол?!

Ўттиз йил умрнинг телба бир пайти

Мени оламдаги биронта аёл

Оҳ қошки, сен каби ёмон кўрсайди!

Тилига келсайди шу кескин сўзлар,

Муҳаббат ўтидан ёнаркан кўзлар!


манзара самимий чизилгани билан кўнглимни ром этган эди.

Ижодкор илк шеърый китоби билан кўпчиликнинг тилига тушди. Унинг ўзигагина хос овози, ўзигагина хос оҳанги борлиги маълум бўлди. Бу фазилат эса сўз санъатида жуда муҳим. Зотан, Катта адабиёт фақат ўзига хос ёзадиган адиблар ижодининг жамулжамидир.

Омон Мухтор шеъроятда юксак поғонага эришди. Аммо у кўпчилик шоирлар каби фақат назмда қолиб кетмади. Насрда ҳам қалам тебратиб, тажрибалар қилди.

Аслида Адабиёт – ягона. Шоир ҳам, носир ҳам кўнгили дунёсини сўзга кўчиради. Аммо тажрибамдан биламан, барибир, адабиёт уммонига қуюлувчи бу икки дарё ўртасида хийла масофа бор. Бу масофани босиб ўтмоқ учун эса, истеъдод ўктамлиги ва ижодкор қатъияти даркор. Айни чоқда, Худо берган истеъдод кучи – унга таяниб бахшичиликда бир нави кун кўриш мумкин – камлик қилади. Ўқиб-ўрганишни янги босқичга кўтариш тақозо этилади. Бунда насрни шеър каби пухта ўз-

Муҳаббат!
 Ўзга бир санам бор, унга
 Мен қалбни берганман, девона бўлиб.
 Мен унинг йўлида кетарман ўлиб,
 Гарчи бир умрдан фақат бир кунга
 Мени севолмади, ёниб сен қадар!
 Ёниб севолмади ва лекин уни
 Етса севмасликка қудратим агар,
 Балки
 эркин бўлиб, худди шу куни
 Сенга севмасликни дадил айтардим,
 Чўкиб ётмас эди юракда дардим.
 Гарчи қалбим бўлсин туйгуларга бой,
 Ваъда қилолмайман бу дам сенга бахт –



лаштирган қаламкашлар ютади. Омон ака шеър билан наср орасидаги масофани жуда тез босиб ўтди. Адибнинг ўзи эслайди: “Биринчи шеърий тўпламим билан изма-из биринчи ҳикоялар китобим босилди”.

“Биринчи ҳикоялар китоби” ҳали ҳам ёдимда – беш-олти митти ҳикоядан иборат мўъжазгина тўплам. Митти ҳикоялар ҳам – баайни Омон ака шеърятининг давоми, уларда назм кайфияти ҳукмрон... Ўша тўпламдаги “Қизгина” деган новеллани ҳозиргача эслайман. Бир қарашда илвираб тургандек кўринувчи матндан шеърнинг ажиб сурури уфуради.

Омон ака шеърдан совимади. У ўттиз ёшларидан бошлаб асосан насрда ижод қилса ҳам, шеърятга – қадрдон уйига кўнгли кўмсаган пайт келиб-кетиб юрди. Гоҳо унинг шеърятдан кўчган ибораю тасвирни насрда ҳам кўриб қолардик. Масалан, “Сен совуқ плашда кўриндинг бир кун...” деб бошланувчи шеърдаги эпик дард “Зарифа” ҳикоясидаги “юпунгина кийинган” аёлнинг ва ўз тақдирига ўзи эга чиқишни удда этолмаётган Ҳафизнинг ҳазин кечинмаларига ўхшаб кетади...

Адиб, барибир, насрда кўпроқ ижод этди. Кетма-кет ҳикоя, новелла (ёзувчи уларни “ҳангомалар” ҳам деб атайди), драматик асар ва романлар ёзди.

Ваъда қилолмайман ҳеч қачон, ҳеч вақт
Порлоқ бир муҳаббат ва қалбимдан жой!

Бағрингда тўлқинлар бесас ухларди,
Бағрингда исёнкор тўлқинлар бари.

Гувиллаб шиддаткор,
ногоҳ уларни

Балки мен уйготдим бўрон сингари.
Бағрингда ҳайқирар энди тўлқинлар,
Сенга ҳаёт йўқдир осойишта,
тинч.

Энди кўзларингда ойдин ўқилар
Олдин ўқилмаган илоҳий севинч!

Бағрингда тўлқинлар бесас ухларди,
Бекор мен уйготдим, балки, уларни...



“Сайланма” сининг иккинчи жилдидаги ҳикояларни ўқиб чиққанимда, Омон ака орамизда йўқ эди. Бу асарларни мутолаа этиб бўлгач, Омон Мухтор яратган дунё ҳам бор экан, деб ўйладим. Бу яхши инсон шундай гўзал китоб ёзганидан астойдил хурсанд бўлдим.


Янгиликка ўч адибимиз Ғарб адабиётида анча кенг тарқалган, аммо ўзбек адабиёти учун янгилик бўлган “митти роман”лар туркумини яратди. Бу романлар билан улар чоп этилган даврларда танишганман. Аммо, ростини айтсам, минн романларни охиригача тушуниб етмадим ва... бунинг учун ўзимни айбладим. “Эҳтимол биздан сўнг келадиган китобхон тушунар”, деб ўзимга тасалли бердим.

Омон Мухтор шахсияти бутун инсон эди. У истеъдодни тез танир ва уни қадрлашни бурчи деб ҳисобларди. Қай бир даргоҳда фаолият юритмасин, истеъдодларни қўллаб-қувватлашни қанда қилмади.

Шу йил айни ёз палласида Омон Мухтор таваллудига 75 йил тўлади. Агар у киши тирик бўлса, бағримизга босиб қутлардик. Лекин... бу ёғи бир таскин бор, холос: адибни қўмсаган чоғларимиз унинг китобларини қўлга оламиз. Ахир, бу ҳам дийдорлашув эмасми?!

Усмон АЗИМ

Наим КАРИМОВ



QASAMIYOD

Хорижда таҳсил олиб, эндигина ватани – Бухорои шарифга қайтган Фитрат “Ойна” журнаlining янги сонини кўриб чеҳраси ёришиб кетди. Бу сонда Беҳбудийнинг “Аъмомиз ва муродимиз” деган мақоласи босилган эди. У устознинг мажалла нашр эта бошлаганидан хабар топиб, Самарқанд шаҳри яна Шарқнинг маърифат ўчоқларидан бирига айланиши ва катта доврўқ қозонишига умид боғлаган эди. Мақола умидига умид қўшгандек бўлди. Беҳбудий ўткинчи тўю маърака, ҳою ҳавасларга сарфланаётган жарақ-жарақ пулларнинг бир ҳовучи, атиги бир ҳовучи ҳисобига болаларни Шарқу Ғарб мамлакатла-

рига ўқишга юбориш лозимлигини ёзган эди. 1910-йиллар Самарқандда “бисмилло” деб калишини ечиб, поездга чиққан, сўнг Когондан уйига маҳсичан кетишга мажбур бўлган оми юртдошларини кўрганда Фитратнинг хаёлидан ҳам шундай фикр ўтган эди. Қани энди, бухоролик, самарқандлик, тошкандлик ёшлар нафақат Миср ва Туркия, балки Олмония, Франция, Англия сингари мамлакатлардаги машхур дорилфунунларда билим олиб, маърифатли, маданиятли кишилар бўлиб келса!.. Ўзбек халқидан ҳам фан ва техниканинг турфа соҳалари бўйича олий маълумотли ёшлар етишиб чиқса!.. Қани энди, уларнинг сая-ҳа-

ракати билан бу диёр Ер юзидаги илғор мамлакатлар сафига кўшилса!..

Фитрат Бухоро халқ республикаси таъсис этилиб, ўзи янги ҳукумат раиси ўринбосари ва маориф халқ комиссари этиб тасдиқланган кунларда Беҳбудийнинг ўша мақоласини эслади. У эгаллаган лавозимлар ҳаёлий орзунинг ҳаётга кўчишига имкон берибгина қолмай, ундан шу эзгу ишга раҳбарлик қилишни ҳам талаб этаётгандек эди. У ҳукумат раиси Файзулла Хўжаевга шу масаланинг учини чиқарганида раҳбар уни қўллаб-қувватлади. Бунинг учун амирлик хазинасидаги ўғирланмай қолган тилладан фойдаланиш мумкинлигини айтди.

– Ўзинг яхши биласан, – деди у одати бўйича Фитратни сенсираб, – отам Убайдуллахўжанинг ҳам, номи етти иклимга кетган бухоролик бошқа бойларнинг ҳам Англия, Олмония ва Францияда дўконлари бўлган. Улар Овруподаги мутараққий юртлар тажрибасини ўрганиш муҳим эканини яхши билар эди. Алалхусус, отам раҳматлининг бирдан-бир орзуси мени Олмонияда ўқитиш эди. Тақдир экан, орзуси ушалмади. Энди, нокамтарлик бўлса ҳам айтий, сен билан мен – бухоролик ёшларнинг отаси бўламиз. Бу болаларнинг аксар ота-бобларидек оми бўлиб қолишига ҳам, Ибн Сино, Берунийдек улуғ алломалар бўлиб улғайишига ҳам Яратганнинг олдида биз жавобгармиз. Бугундан бошлаб менинг ҳам орзум, сенинг ҳам орзум ёшларимизни Оврупонинг энг илғор мамлакатларида ўқитиш бўлсин.

– Франция билан Англияни билмадим-у, аммо Олмония шу кеча-кундузда илму фани ила бошқа давлатлардан ўзиб кетган, – дея суҳбат улоғини олишга уринди Фитрат. – Замон биринчи галда тиббиёт, саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича зўр мутахассислар етиштиришни тақозо этаётир. Қутлуғ ишни пайсалга солмай, шу йилдан бухоролик ёшларни Олмонияга ўқишга юборсак, айна муддао бўлур эди.

– Бу – оғир масала, – деди Файзулла Хўжаев нечундир узоқ ўйланиб. – Минг бир мураккаб томони бор-да. Майли, мен ташкилий ишларни бўйнимга олай. Сен эса бухоролик қобилиятли, зеҳнли-уқувли ёшларнинг рўйхатини туз.

Файзулла Хўжаев гап тамом дегандек кўлидаги қизил қаламни столга “тақ” этиб ур-


ди-да, ўрнидан турмоқчи бўлди. Аммо Фитрат масаланинг яна бир муҳим жиҳати борлигини айтиб, уни ўтиришга мажбур қилди:

– Файзуллохон, – деди у салмоқланиб, – тошкандлик зиёлиларнинг “Кўмак” деган жамияти бор. Билишимча, Ўзбек билим ҳайъати ҳам шу масала билан шуғулланишни мўлжаллаб турибди. Агар шу идоралар билан алоқа боғлаб, Оврупога фақат бухоролик болаларимизни эмас, барча туркистонлик ёшларни юборсак, узоқни кўзлаб иш тутган бўлардик...

Файзулла Хўжаев маъқул деган маънода бош ирғади.

– Ўрта Осиё аҳолисининг катта қисми ўзбеклардир, – дея сўзида давом этди Фитрат. – Бу улуғ миллат бугун бўлмаса, эртага алоҳида жумҳурият бўлиб Русия таркибидан ажралиб чиқиши тайин. Бинобарин, туркистонлик ва хоразмлик ёшлар орасидан ҳам бўлажак алломаларни топиб, Оврупога ўқишга юборсак, шаҳару қишлоқ, тоғу даштларда сочилиб яшаётган халқнинг бошини қовуштириш имкони туғилар эди...

– Тўғри айтасан, Бухоронинг Афлотуни! – деди Файзулла Хўжаев нимтабассум билан. Кўлидаги қаламни бармоқлари орасида айлантира туриб, давом этди: – Дарҳақиқат, бу хайрли ишни биз бошламасак, ким бошлайди?! Мустамлакачилар мудом халқларни бўлиб ташлашга уринган. Бирини ўзбек, бирини қозоқ, бирини сунний, бирини шиъа деб. Кейин уларни бир-бирига қарши гижгизлаган. Тарих бизнинг зиммамизга улуғ вазифа юклади. Энди биз бир бобокалондан дунёга келган, аммо қилич ила бўлиб ташланган элатларни бирлаштиришимиз, улар ўртасидаги қондошлик ришталарини тиклашимиз даркор. Бир муштга дўниб, илм-фан, маданият ва техника чўққиларини эгаллабгина юртни илғорлар қаторига олиб чиқиш мумкин, ахир!



– Боракалло, Файзуллохон! Бухоронинг бахтига, менинг бахтимга, омон бўл-э!.. Сенга қасд қилганлар паст бўлсин!

– Хайрихоҳлигинг учун ташаккур. Аммо билиб қўй, сенга бир ой муҳлат. Бир ойдан кейин Оврүпога ўқишга борувчилар рўйхати қўлимда бўлсин. Рўйхат қанча катта бўлса, шунча яхши! Билдинг-а, Афлотуним!

Шу суҳбатдан сўнг Фитрат Тошкентга қўнғироқ қилиб, Туркистон маориф халқ комиссарлиги билан боғланди. Комиссарлик рўйхат тайёрлашни Ўзбек билим ҳайъатига топширди.

Фитрат Бухоро мадрасаларини битирган ҳамшаҳарларини йиғиб, кенгаш ўтказди, Оврүпода таҳсил олиш хусусида сўзлади. Зарур ҳолларда жума ё шанба демай, кўчама-кўча, уйма-уй юриб, Бухоро жумхурияти зийрак қоракўзларни ўқитмоқчи эканини ота-оналарга тушунтирди...

Ниҳоят, зўр машаққатлардан сўнг, бир ой эмас, икки ой деганда рўйхат тайёр бўлди.

Энди Масковнинг розилигини олиш қолган эди...

...1922 йил ёзида Файзулла Хўжаевни “бурга тепди”. Шифокорлар унга Олмонияда даволанмоқни маслаҳат берди. Ҳукумат раиси олис сафар олдидан Масковга бориб, муҳим масалалар, жумладан, ёшларни хорижда ўқитиш юзасидан музокара ўтказди. Ўша йилнинг 6 сентябрида Масковдан – Файзулла Хўжаевдан Бухоро халқ шўро жумхурияти Нозирлар кенгашига телеграмма келди. Номада бундай дейилган эди: *“Бугун Абдуқодир Муҳиддинов ва савдо бўлимнинг докладини эшитдим. Жами бўлиб олтин ҳисобидан бир миллион сўмлик мол сотилган, уч юз минг сўмлик газлама, темир, қанд, ёғоч, резина сотиб олиниб, Бухорога жўнатилган. Қолган пулга савдо-саноат нозирлиги топшириғига биноан мол харид қилиш, бундан ташқари, 200 ўринли шифохона учун Олмониядан тўла жиҳоз ва дори-дармон сотиб олиш... ҳақида буйруқ бердим...”*

Файзулла Хўжаев ёшларнинг чет элда таҳсили хусусида қуйидагиларни маълум қилган эди: *“Кеча Ташқи ишлар халқ комиссари ўринбосари Карахан билан учрашиб гаплашдим. Бухоролик болаларнинг Олмонияга ўқишга боришига розилик олдим. Олмония, шунингдек, Масковда ўқиши керак бўлган болаларнинг етиб келишини кутаётимиз...”*

Бу орада Фитрат туркистонлик талабаларнинг бир гуруҳини Самарқандга олиб борган эди.

Мусулмон одатига кўра, ҳар бир фарзанд олис йўлга чиқишдан аввал ота-онасининг дуосини олади, агар улар вафот этган бўлса, қабрларини зиёрат қилади. Фитрат назарида, Амир Темур бу ёшларнинг бобокалони эди. Туркистонлик ёшлар унинг истаги билан Самарқандга бориб, Гўри Мирни зиёрат қилдилар. Жаҳонгирнинг сағанаси хароб аҳволда эди. Фитрат ёшларга Амир Темурнинг миллат тарихидаги улуғ хизматлари тўғрисида шундай жўшиб-тошиб сўзлаб бердики, улар хаёлида, Соҳибқироннинг уйғоқ руҳи ўша дақиқаларда сағана атрофида кезиб юргандек эди. Қуръон тиловатидан сўнг Фитрат ёшларга қасам сўзларини айтиб турди. Бўлажак талабалар бу сўзларни ихлос ва ҳаяжон ила такрорладилар.

Шу куни туркистонлик ёшлар Гёте ва Бетховен ватанида “аъло” баҳоларга ўқиб, танлаган соҳаси бўйича етук мутахассис бўлиб келишга, она Ватан хурлиги ва ободлиги йўлида фидойиларча хизмат қилишга онт ичдилар. Бу оддий қасам эмас, балки Амир Темурнинг барҳаёт руҳи олдида, Оллоҳнинг гувоҳлигида ичилган ва ҳар бир калимаси юракларга ўйилган қасам эди...

Ёшлар зиёратдан сўнг ҳам устоз атрофида гирдиқалпак бўлдилар. Фитрат талабаларга Мир Араб мадрасасини тугатиб Туркияга ўқишга борганини у ерда кўрган-кечирганларидан бир-икки шингилини ҳикоя қилиб берди. Ёшлардан бири:

– Устоз, туркиялик тенгқурларингиз билан учрашув сизда қандай таассурот қолдирди? Улардан бирортаси билан дўстлашганмисиз? – деб Фитратнинг хаёлига ҳам келмаган саволни бериб қолди.

Фитрат андак ўйланиб, бундай деди:

– Ўша йиллари Туркияда ҳам билимга чанқоқ ёшлар кўп эди. Уларнинг бир қисми, эшитишимча, ҳозир Оврүподаги дорилфунунлар, кутубхоналар, саноат корхоналарида хизмат қилмоқда. Аммо хаёлим кечая кундуз ўқиш ва янги асарлар ёзишда бўлгани боис биров билан дўстлашмаганман. Ошно тутинган киши дўсти билан тез-тез дийдорлашиб турмоғи лозим-да. Менинг эса бунга фур-

сатим йўқ эди. Юртга билим олибгина эмас, тенгдошларимнинг маънавий уйғонишига кўмак берадиган асарлар ҳам ёзиб келишим зарур эди. Туркияда битган “Мунозара”, “Ҳинд сайёҳи”, “Сайҳа” каби асарларим ёш ватандошларимнинг мудроқ кўзларини очганидан ҳали-ҳануз ғурурланиб юраман...

– Устоз, наҳотки, турк ёшларидан бирор таси ақл-заковати ва маданияти билан қалбингизда ҳавас ё ҳасад уйғотмаган бўлса? – деб сўради бир қиз.

– Ҳасад эмас, ҳавас уйғотган, – дея дарҳол жавоб берди Фитрат. – Турк эмас, япон йигити. Ҳозир ҳам кечагидек эсимда... Бир япон йигити Ер юзини “шайтонарава”да айланиб чиқишга бел боғлайди. Ўша йилларда бу сингари жаҳонгашталиқ эндигина урф бўлаётган эди. Йигитча Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Афғонистонни икки ғилдиракли “арава”сида кезиб, ниҳоят, Истанбулга етиб келади. Бу – 1912 ёки 1913 йилнинг гапи. У даврда ёлғиз одамнинг дунё бўйлаб бундай ажабтовур сафарга чиқиши ноёб ҳодиса эди. Шу боис ҳам япон йигитининг Истанбулга “шайтонарава”да етиб келиши роса шов-шув бўлди. Мен ҳам унинг журъату жасоратига қойил қолдим. Мамлакат-мамлакат кезган одам – ғилдиракнинг бузилиши, марказнинг ишдан чиқиши, ўзининг хаста бўлиб, ақчасиз қолиши бор – ё эсипаст, ё ўз олдига катта мақсадни қўйган метин иродали киши бўлади. Менда сайёҳ йигит билан албатта танишиб, суҳбатлашиш истаги туғилди. Унинг “Истанбул” меҳмонхонасига қўнганини эшитган эдим. Бир дўстим билан уни ахтариб бордим. Исми Но Камо экан. Балки бошқачароқдир, аммо у бизга ўзини шундай деб таништирган. 26 ёшлардаги сайёҳ курсида ўтириб, кимгадир хат ёзаётган экан. Хонада, унинг ёнида, икки ғилдиракли “шайтонарава”си турарди. У уч йил асносида шу аравада талай мамлакатларни айланиб чиққан ва энди Фарангистонга кетишга шайланаётган экан. У бизни хушхўл қаршилади. Ўтирдик. Шарқ мамлакатларида кўрган-эшитган ажойиботларини сўзлаб берди. Суҳбат чоғи қизиқиб сўрадим: “Биродар, бепул, беаслаҳа, ёлғиз шу икки чархли араванг билан Арабистоннинг жонни қуйдирувчи чўлларидан қандай ўтдинг? Фараз қилдикки, ўзингга таом топиб единг, ётаржой ҳам, лекин чумчуқни ҳам соғ қўймай-

диган саҳрои араб чангалидан қандай халос бўлдинг?” Шу ерда айтиб қўяй, унинг “шайтонарава”сига Япон давлатининг кафолати бўлган байроқча илинган эди. Йигит менга қараб кулди-да, ўша байроқчани кўрсатиб:

– Шу байроқча мени сиз айтётган хавф-хатардан, мушкулотлардан муҳофаза қилди! – деди.

Йигитнинг ўзига ишончи ва қатъиятидан титраб кетдим. Бир лаҳза сукут сақладим, лекин унинг жавоби негадир менга оғир ботди. Қалбимда бир интиқом туйиб, йигитни гапнинг зўри билан мағлуб қилиш ниятида дедим:

– Биродар, аҳли ислом табиатан меҳмондўст ва мусофирпарвар бўлади. Сени хурмат қилгани боиси – шу. Лекин бу гал Фарангистонга отланибсан. У ерда ҳолинг мушкул кечмаса эди. Зеро, овруполиклар мусофирнинг бошини силаб ўтирмайди.

– Миллатимнинг шарафли номи, – деди Но Камо хотиржам алфозда, – бутун Ер юзига таралган. Япон давлати вакиллари дунёнинг бирор нуқтасида мушкулотга дучор бўлмайди. Мен шундай қавм орасида бўлдимки, улар япон миллатидан ўзга ажнабий миллатни эшитмаган. Яна айрим эллар бизни араблардан-да кўпроқ хурмат қилади.

Мен “шайтонарава”сига ўз давлатининг байроғини олиб, унга доғ туширмаган, япон миллати вакили эканидан айрича ғурур туйган йигитга ҳавас-ла боқдим...

Сизлар ҳам, азиз фарзандларим, ўқиб, ишлаб, камол топиб, ўзбек миллатининг шон-шавкати оламга ёйинг, токи келажакда дунёга келадиган фарзандларингиз шу миллатга мансуб эканидан япон йигити каби ғурурланиб яшасин.

Оқ йўл сизларга, азиз жигарларим!..

Жигарбандларига оқ фотиҳа бераркан, Фитратнинг кўзлари намланди. Олис сафарга отланган йигит-қизлар ҳам алланечук маҳзун бўлиб қолдилар...

Афсуски, Фитратнинг бу улуғ орзуси рўёбга чиқмади. Мустабид салтанат 1924 йилдаёқ Олмониядаги талабалардан СССРга қайтишни талаб қилди. Ватанга қайтганларнинг аксари кейинроқ – 1937 йилда “жосус” сифатида отиб ташланди. Шундай қисмат қутаётганини сезган бир қисм ёшлар эса Туркия ва Оврупо мамлакатларидан паноҳ топишга мажбур бўлди...



TUN SHUNCHALAR SOKINMIDI?..

XX асрнинг йигирманчи йиллари Нью-Йорк аҳлининг тилида бир жуфт ном нақлга айланган эди: Скотт ва Зельда Фицджеральд. Тонги газеталар талаш: қани, “арзанда”ларимиз кеча тунда яна нима томоша кўрсатибди экан?! Шундай маҳобатли шаҳарни нечук тезгина ўзига мафтун этиб олди бу ёш эр-хотин? Хўш, ким эди ўзи улар? Фрэнсис Скотт Фицджеральд – илк романи билан шуҳрат чўққисини забт этган 24 яшар йигитча. Рост, бу асар орзулари бир олам-у, чўнтаги куп-куруқ ҳаваскор ёзувчини фавкулудда қаҳрамонга айлантирди-қўйди. Бироқ Зельда Сейр-чи, нима каромат кўрсатган?

Фицджеральдни Фицджеральд қилган ҳам, эҳтимолки, ажалидан бурун гўрга тикқан ҳам – адиб сўнгги нафасигача севган, илҳом олган, мудом асарларига қаҳрамон этиб танлаган мана шу аломат аёл...

Алабама: сокин кечаларнинг бирида...

Скотт АҚШнинг шимолидан, Зельда эса жанубдан. Қарама-қарши қутб мисол улар бир-бирига сира ўхшамасди: ҳаёт тарзи ҳам, феъл-атвори ҳам. Аммо тақдир йўлларни кесиштирди, қалбларни туташтирди. Скоттнинг насаби ирланд. Фицджеральдлар оиласи бою давлатманд бўлмаса-да, ҳарқалай, зориқмай бадастир яшарди. Қизларини хусусий мактабда ўқитишга қурби етарди. Ёлғиз ўғилнинг нуфузли Принстон университетиде таълим олиши шундан. Четдан қараганда, ҳаммаси рисоладагидек. Аслида улар она томонидан бадавлат бобонинг муруввати эвазига кун кўришарди, молиявий рақобатда бор-будини бой берган оилабоши эса барчанинг кўзида толеи паст бир нотавон эди, холос. Болалиги ана шундай вазиятда кечиб иззат-нафси поймол бўлган Скотт ўшандаёқ қатъий аҳд қилади: мен ўзимни ҳеч қачон бировларга хўрлатиб қўймайман, мол-дунё топиб бойиб олай, кейин гаплашаман ўша калондимоғлар билан! Хали мактаб чоғларида бой оиладан чиққан синфдошларини хушламаган Скотт университетда ўқиётганида жамиятнинг бу икки табақаси ўртасидаги ер билан осмонча фарқни, ўзаро зиддиятларни янада яққол ҳис қилади.

Йигит эски пуританча қадриятларга, шунингдек, американча ҳаёт ҳақидаги хомхаёлларга эътиқод зўрайган бир муҳитда вояга етган эди. Омади чопган одамгагина бундай ҳаёт насиб этади, омад эса пул, бойлик билан ўлчанади дея таълим берарди жамият ахлоқи. У деярли барча асарларида "олий табақа" ҳаётини зўр бир қизиқиш ила қаламга олганининг боиси шунда.

"Казо-казолар яшайдиган обод шаҳарда, уларнинг арзандалари таҳсил оладиган мактабларда, кейинчалик Принстон университетининг бойвачча талабалари жавлон урган клубларда мудом ўзимни ғарибу бечора сезар эдим. Бойнинг боласи бўлгани учунгина уларни кўрарга кўзим йўқ эди ва бу ҳол ҳаётимга ҳам, ижодимга ҳам таъсир этмай қолмади", дейди ёзувчи кейинчалик. Ана шундай шароитда ўқиб-ўқиниб юрган йигитча университетдаги якуний имтиҳонлардан ўтолмаслигига кўзи етгач ўқишни ташлайдию ихтиёрий равишда аскарликка ёлланади. Беҳуда умр ўтказгандан кўра урушда қаҳрамонлик кўрсатиб мардларча ўлим топгани беҳроқ эмасми?! Бироқ у тушган қўшин урушга эмас, Монтгомери (Зельданинг шаҳри!) – ҳарбий лагерга жўнатилади.

Бу вақтда Алабама штати Олий суди ҳакамининг кенжатоий Зельда тараллабедод қилиб юрар, ўйин-кулгидан бошқа ташвиши йўқ эди. Эндигина коллежни битирган қизни ота-она кўпам тергайвермасди. Феъли ўзларига маълум, коллеж мудираси йўллаган хатда ҳам очиқ-ойдин айтилибди: "Мисс Сейр ўлгудек ўзбошимча, сиркаси сув кўтармайдиган



ўта жанжалкаш қиз”. Бунинг устига, айна ўша кезлар жамият буткул ўзгариб кетган, энди Монтгомерининг бўй қизлари илгаригидан анча эркин, очиқ-сочиқ бўлиб қолган эди.

1917 йили, Қўшма Штатлар Биринчи жаҳон урушига тортилгач, Монтгомери биқинида ҳарбий лагерь қуриладию шаҳарда бирдан ҳаёт қайнай бошлади. Ҳар ерда рақс майдончалари, кўнгилочар ресторанлар очилади. Қаёққа қараманг, маҳаллий гўзалларни қўлтиқлаган гурра-гурра аскар! Қизлар бемалол виски хўплаб, зобитлар билан автомашиналарда сайр қилишдан-да тап тортмайдиган бўлиб қолган. Аскар йигитчаларни бир зумда ўзига ром этишда-ку Зельда Сейрнинг олдига тушадигани йўқ. Шаддод, тили ҳам буррогина, ўт-олов бу дилбарнинг хушторлари сон-саноксиз эди. Қиз уларни истаган кўйига солар, жонига тегса, кераксиз матоҳ каби зумда воз кечар-қўяр эди. (Маргарит Митчеллнинг машҳур “Шамолларда қолган ҳисларим” асаридаги аскар йигитларни қўғирчоқдек ўйнатган эрка-тантиқ Скарлеттнинг баайни ўзи, шундай эмасми?!)

Хуллас, Зельда кўнглига келган бебошликни қилиб, ҳаёт гаштини суриб юрган кезлари муҳаббат майдонида – ҳарбий либоси ўзига ярашган Скотт пайдо бўлади. Малла соч, мовийкўз йигитчани кўргани ҳамоно ўжар қизнинг ороми йўқолади. Ортидан оҳ-воҳ қилиб юрган анови мишиқиларга ўхшамайди, маҳмаданагина бўлса ҳам гап-сўзлари бамаъни. Гапи гапига тўғри келиб, йигит билан қиз унча-мунча чиқишиб қолади. Севимли асарлар, ёзувчи-шоирлар ҳақидаги суҳбатлар, шеърхонлик...

“Умрим бино бўлиб бундай соҳибжамолни учратмаган эдим, – деб ёзади Фицжеральд хотираларида. – У фақат меники бўлади деганман Зельдани кўрганим он”. Йигит фурсатни бой бермай ниятидан сўз очади. Табиийки, судья Сейр эркатойига бадавлат куёвни орзу қиларди, бироқ Зельдага йўқ деб бўлармиди? Тажрибакор қози сиху кабоб куймайдиган ечим топади – шарт қўяди: бўлғуси куёвимизнинг тайин хунари йўқ экан, аввал бирон ишнинг бошини тутсин, пул-мул топсин, у ёғини кейин кўрармиз. Ота камхарж ошиқ ҳали-вери оёққа туриб ололмаслигига, бу орада баҳор ҳавосидек беқарор қизи уни унутиб юборишига амин эди. Содда йигит эса Нью-Йоркка қараб қанот қоқади. Бир реклама агентлигидан иш топади. Севгилисига тинмай хат ёзади. Зельда бўлса, ўрганган кўнгили, одатдагидек юраверади: яна рақс кечалари, шароб, янги хушторлар...

“Биласанми, Скотт, ҳеч иш қилмасам, бўйнимда бирор масъулият бўлмаса, доим ёш, гўзал ҳолда қолсаму куним вақтихушлик билан ўтаверса”, дея дилидагини очиқ ёзади Зельда бир мактубида. Бу мазмундаги хатни ўқиб, эси бор одам бирдан сергак тортмоғи тайин. Аммо ошиқи шайдода эс нима қилсин?! Фикру ёди севгилисининг кўнглини топишда! Нима қилсанг қил, фавқулудда бирон жасорат кўрсатасанми, бошқами – хуллас, ановилардан (хушторларидан!) бир бош юқори эканингни исботлашинг керак, демадимми Зельда! Аксига олиб уруш ҳам тугай қолди – Скоттнинг

қахрамонлик ҳақидаги орзулари чиппакка чиқди. Энди қўлидан келади-ган ишни қилгани маъқул: зўр бир асар ёзиб ҳаммани қойил қолдиради, каттакон ёзувчи бўлиб танилади! Скотт ҳарбий лагердалик чоғида “Хаёл-параст худбин” деган роман битиб, нашриётга юборган эди, рад жавоби келди: кам-кўсти кўп, астойдил ишлаш керак эмиш.

Нью-Йоркни забт этиш

Отаси кутгандек, айрилиқ кунлари Зельда фикридан қайтиб, унашув бекор бўлади. Лекин Скотт умид узмайди. Зўр бериб ишлайди, беш ой қамалиб ўтириб, романи деярли қайтадан ёзади. Ошиқлиги, севги изти-роблари, орзу-умидларию тушкунликларини, ўзи ва тенгдошлари боши-дан кечган кечинмаларни рўй-рост тасвирлайди. Азалий қадриятларни буткул оёқости этган, ҳаётнинг омонату ўткинчилигини шафқатсиз исбот-лаган уруш бу ёшларга ахлоқ-одобу чин инсоний фазилатлар бораси-даги сафсаталарингни йиғиштир, умр ғанимат – бугун яшаб, даврингни суриб қол, дея сабоқ берган эди. Эндиликда ёшлар назарида, фақат омад, шон-шуҳрат, пулгина инсонни даққи қоида-қолиплардан қутқариши, унга чексиз эрк ато этиб, ҳаётда тўйгунча даври даврон суришига имкон яратиши мумкин. Роман 1920 йили “Жаннатнинг нариги тарафида” деган ном билан нашр этилади. У уч кунга қолмай, қўлма-қўл бўлиб сотилиб кетади. Муаллиф кўз очиб юмгулик фурсатда, ўзи орзу қилгандек, зўр ёзувчи ўлароқ тан олинади. Бу қадар довруқни у туш ҳам кўрмаган эди. Тўғри, адабиётшуносу танқидчилар эътироф этганича бор – роман чакки эмас, лекин куни кеча биров танимаган йигитча бугун бирдан бунчалик кўтар-кўтар қилинишининг бошқа сабаби йўқмикан? Бор-да! Янгича бир замон эшик қоқиб турган эди: худоси – пул, мусиқа, ўйин-кулги бўлган ажабтовур “жаз даври” (дарвоқе, бу истилоҳни Фицжеральд истеъмолга олиб кирган). Ўша кунлар омади чопган бирор биржа чайқовчиси икки соатда миллион долларни қоқиштириб олиб бойваччага айланса, ҳеч ким ҳайрон қолмасди. Бундай янги бойлар берадиган зиёфатларда ич-килик деганлари дарё бўлиб оқарди, Нью-Йоркнинг эрка қақажонлари тун билан рақс тушар, шароб ичиб, тамаки тутатиб чарчамас эди. Ай-тиш мумкинки, бундай замонга Фицжеральддек бир қахрамон керак эди. Эндигина турмуш қурган ёш эр-хотин худди ўша кунлари Нью-Йоркда пайдо бўлади. Улар эски бойларга асло ўхшамас, ҳаммабоп бир лаҳжада сўзлар, энг сўнгги урфда кийинар, майхўрликда буларнинг олдига туша-дигани топилмас эди. Жазавадор “Чарльстон” оҳангига ирғишлаларни-ку айтмаса ҳам бўлади. Улар шаҳар казо-казоларини дуруст тани-маса-да, олий табақа бу икковини эски қадрдондек кучоқ очиб қарши олади. Нью-Йорк зодагонлари назарида, Скотт ва Зельда Фицжеральд американча орзунинг тирик тимсоли эди: истеъдодли, омадли, пулдор, навқирон, боз устига, одам қараб кўзи тўймайди – бир-биридан ёқимтой!

Фицжеральд бир кунда машхур ёзувчига айлангач, Зельда ҳам нима қилсин – унга турмушга чиқди-да. Шу тариқа Скоттга оқсуяклар давраси сари йўл очилди. Улар билан бўйлашмоқ, танноз рафиқа одатланган ҳашамдор маишат учун ёш адиб тинмай тер тўкиши, пул топиши лозим эди. Шу боис у илк қадамданок икки йўналишда ижод қилишга: истеъдодига муносиб жиддий асарлар қатори бир қолипдаги оммабоп ҳикоялар ёзишга ҳам мажбур бўлади. Уларни “Сэтерди ивнинг пост” ва “Смарт сет” каби ялтироқ журналлар талашиб-тортишиб чоп этар, кўп минглаб нусада тарқаладиган бу мажаллалар мўмай-мўмай қалам ҳақи тўлар эди. (Адиб шу каби нашрларга мос 150 дан ортиқ ҳикоя ёзган.)

Шундоқ ҳам майхўрликка мойилроқ Скотт Зельдадек базмпарааст аёлга уйлангач, зиёфату ўйин-кулгидан боши чиқмай қолади. Рўзгор юмушларига на укуви, на хоҳиши бўлган Зельдага бундай кўнгилхушликлар камлик қиларди чоғи, ҳар гал бировнинг хаёлига келмайдиган нимадир шумлик ўйлаб топиб барчани ўзига қаратар ва эҳтимол шундан завқланар ҳам эди. Хотинининг кўнгли учунмикан ёки ўзи ҳам ҳазил-хузулни ёқтирармиди, ҳарҳолда, Скотт жон деб унга шерик бўларди. Баъзи дўстлари “Хотинининг айрим хусусиятлари унга ўтиб қолган, худди Зельдага ўхшаб боряпти-я” деса, бошқалари “гоҳо ўша алмойи-алжойи қилиқларнинг ташаббускори улардан қай бири эканини билолмай бошимиз қотарди”, дейди.

Скотт билан Зельда таваккал ҳаёт гирдобига эрта шўнғиган, ана-мана дегунча дунё остин-устин бўлиб кетадигандек, ҳар ишга тезроқ улгуриш пайида эди. “Завол топган авлод” вакили бўлмиш эр-хотин (Биринчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган ёзувчилар сафи шундай номланган, бу истилоҳ америкалик ёзувчи Гертруда Стайнга тегишли) ўз даврининг ҳеч қандай қонун-тақиқни писанд этмай, ялло қилиб умр кечираётган энг таниқли арзанда ёшларидан эди. Аксар сархуш ҳолда, баъзан эса ақл-хуши жойида бўлатуриб ҳам хурмача томошалар кўрсатишга одатланган “жаз даврининг шахзодаю маликаси” ортидан доим мухбирлар чопиб юрар, газеталар уларга оид шов-шувларни чоп этиб улгурмас эди. “Скотт билан Зельданинг ўзи ҳам, қилган номаъқулчиликлари ҳам бировга малол келмасди. Чунки узукка кўз қўйгандек бир-бирига мос эр-хотиннинг барча бебошликлари ўзларига ярашарди. Токи шахсан гувоҳ бўлмагунингизча, бир қарашда гўдакдек беозору назокатли бу икковлондан шундай найранглар чиқишига сира ишонмасдингиз”, деб ёзади уларнинг бир дўсти. “Эр-хотин Фицжеральд базму зиёфатлардан бўшамас, ҳар иккови олди-кетига қарамай пул совурар эди”, дея шоҳидлик беради яна бири. Илк романга келган бир дунё қалам ҳақини ҳам улар қисқа фурсатда кайф-сафога сарфлаб юборишади. Ажабки, Зельда ҳомиладор кезлари ҳам бу одатлардан ўзини тия олмайди. Қизчалари туғилгач, бебош отонанинг ақли кириб қолгандир дерсиз? Қаёқда! Эски ҳаммом, эски тос... Адибнинг бахтига “Жаннатнинг нариги тарафида” романи АҚШда нақд

ўн бир карра нашр этилади. Бу эса уни маълум муддат пул ташвишидан кутқаради. Аммо 1921–23 йиллар мобайнида етмиш минг доллар (ўша даврда ҳазилакам пул эмасди) қалам ҳақи олган ёзувчи “қора кун”га деб бир цент ҳам жамғариб қўймаганига нима дейсиз?!

“Ҳар куни байрам шаҳар”

1924 йили Скотт билан Зельда Францияга йўл олади. Эҳтимол, мақсадлари ҳаёт тарзини ўзгартирмоқ, чалғимоқ бўлгандир. Умуман, ўтган асрнинг 20–30-йиллари америкалик талай ёзувчи Европада яшаб, ижод этгани маълум. Муҳаббат шаҳри аталмиш Париж ўша кезлар адабиёт ва санъат намояндalarининг ўчоғи ҳам эди. 1925 йили Фицжеральд бу ерда Эрнест Ҳемингуэй билан танишади, дўстлашади. Ушбу учрашув, Скотт ҳамда Зельда ҳаётига оид баъзи тафсилотлар Ҳемингуэйнинг “Ҳар куни байрам шаҳар” асарида батафсил баён этилган.

Фицжеральд ижодий хотиржамлик истаб Ривьерага боради. Хушманзара маскан – мовий денгиз қирғоғида кўним топиб, Америкада бошлаб қўйган “Валлакат Гэтсби” романини ёзишга ўтиради. Қўлига қалам олгани қўймай мудом кўнгилочар базмларга судрайдиган Зельдага ҳам худо инсоф бериб, Скоттни тинч қўяди. Куни бўйи у ёлғиз денгизда чўмилади, куёшда тобланади. Табиатан киришимли, тез тил топишиб кетадиган Зельда дарров янги “дўст” ҳам орттиради: француз учувчиси Эдуард Жозедан ажралмай қўяди. Хотинига вақт тополмаётганидан кўнгли хижил тортиб юрган Скотт аввалига унинг эрмак топиб, ўзидан ортмай қолганига хурсанд бўлади. Бу “ўйин” нима билан якун топишини билганида-ку... Зельда ҳеч нимани яширмас, кўнглида борини шартта очарди-қўярди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай у Скоттга гапнинг пўскалласини айтади: “Мен биттасини севиб қолдим. Ажрашмоқчиман!” Шундан кейин Фицжеральдлар хонадонидан нима бўлган, нима қўйган, Скотт хотинига нима жазо бердию ўртадаги хиёнатдан қандай кўз юмди – буниси номаълум. Учувчи жазман тез кунда Зельдани ташлаб аллақаяққа гум бўладию шу кўйи бадар кетади. Маъшуқа эса жонига қасд қилиб бир қути уйқудори ичади. Яна ўша – “безътибор” эр жонига ора киради – ҳаётини сақлаб қолади. Табиийки, бу нохушликлар эр-хотин ўртасига совуқлик туширмай қолмади. Скотт Зельданинг ишқий саргузашти тўғрисида сирдош дўсти Ҳемингуэйга илк маротаба дардини ёрганида орадан тўққиз ойлар чамаси вақт ўтган, шунга қарамай унинг қалб яраси битмаган эди. “Ўша кезлар Скоттдан такрор ва такрор эшитганим боис, Зельданинг фожиали ишқ қиссасини худди шахсан гувоҳ бўлгандек, айнан тасвирлаб беришим мумкин”, деб ёзади Ҳемингуэй.

Қисмат пешонасига шундай аёл битганидан Скотт ҳеч пушаймон еганми-йўқми, билмадиг-у, Ницца яқинидаги ҳашаматли ресторанда Зельда кўрсатган қалтис томошадан сўнг бутун Париж унга ачинган бўлса ажаб эмас. Гап шундаки, бир кун улар ресторанда мухлислар даврасида ўтирган

Айседора Дунканни (бу вақтда у элликларга яқинлашиб қолган эди) учра-тадилар, Скотт бориб донгдор раққосага илтифот кўрсатади. Шуни кутиб тургандек Зельда ўзини иккинчи қаватдан (панжара оша) пастга ташлайди. Худо телбаларни асрайди, деган гап рост эканми, қарангки, ўлмайди, қўл-оёғи салгина лат ейди, холос. Орадан бир оз вақт ўтиб тиниб-тинчимас Зельда янги хунар чиқаради – балетчи бўламан дея хархаша қила бошлайди (йигирма саккиз ёшда-я!). Балетни деб мунтазам парҳез сақлайди, беш-олти соатлаб машқ қилавериб ўзини азобга қўяди. Худо берган феъл, бу учун одамни айблаб бўлмайди. Аслида, Зельда савдойитабиат онасининг худди ўзи эди. Исмининг ҳам тарихи қизиқ. Отасига бу исм маъқул бўлмай, у кенжа қизини гўдаклигидан Роза деб атаган. Тўғри-да, ҳеч замонда инсон боласига Зельда деб ном қўядими? Кучукними, мушукними шундай чақирсанг бошқа гап. Аммо хотин зотига гап уқтириб бўлармиди?! Нима эмиш, шу қизига ҳомиладорлик чоғлари ўқиган романи қаҳрамони – лўли қизнинг исми Зельда экан. Минни Сейр бир нарсага ёпишдими, бас, фикридан қайтариш амримаҳол эди. У ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ишларни қилар, энгил-боши ҳам бир аломат (ўзи ўйлаб топарди-да) – бутун шаҳарча аҳлининг кўзи унда эди. Бир қарасангиз кап-катта хотин най чалади, гоҳ акробатика машқларига маҳлиё. Хуллас, ғайрати ичига сиғмас аёл эди. Қиз бола онага тортмай қаёққа борарди!

Фицджеральд ижодини ўрганган кўпгина тадқиқотчи, адабиётшуносу танқидчилар унинг асарлари ва шахсияти борасида обдон баҳслашса-да, бир масалада яқдил – Зельда Сейр зўр бир ёзувчини жувонмарг этган. Баъзилар очикдан-очик бу аёл унинг оёғига тушов солган иблисининг ўзгинаси эди, дейди. Шулардан бири – Скоттнинг яқин дўсти Эрнест Ҳемингуэй. “Скотт хушфеъл, ғамхўр оилабоши ролини ўйнарди, уни кузатиб ўтирган Зельданинг эса кўзида, лабларида кинояли табассум қалқди: ана, эри яна ичаётир! Кейинчалик мен ўша табассум нимани англа-тишини билиб олдим. Бу энди бир сатр ёзиб бўпсан, дегани эди Зельданинг”, деб хотирлайди адиб. У дўстига “Хотининг телба” деб дангал айтса, Зельда ҳам эрининг Ҳемингуэй билан ош-қатиқлигидан норози эди, уни мунофиқликда айбларди.

“Американча орзу”нинг саробга айланиши

1925 йили Парижда нашр этилган “Валлакат Гэтсби” – шак-шубҳасиз, беназир асар. Муаллифни шон-шухратга буркаган, у ҳаётлигидаёқ мумтоз дурдонага айланган “жаз даврининг шоҳ асари” китобхонни ром этади-қўяди: гўеки ўша давр одамига айланасиз, жамият казо-казолари қатори Жей Гэтсбининг гулгун зиёфатларида қўноқ бўласиз, ул дабдабаю асъасаларни ўз кўзингиз билан кўрасиз... Жей Гэтсби – орзу қурбони. Тўғри, камбағал оиладан чиққан йигит “американча орзу” шунчаки рўё эмаслигини амалда исботлайди: бойлик, обрў-нуфуз – барига эришади.

Пул, мол-дунё унга барча эшикларни очади. Пировардида эса бундай “бахт” омонат эканига амин бўлади. Муҳаббатни сотиб олиб бўлмагач...

“Валламат Гэтсби” адабнинг ёшликдаги хомхаёлларидан узил-кесил воз кечгани – “американча орзу” сароб бўлиб чиқиши ҳам мумкинлигини англаганидан, улғайганидан далолат эди. Асарни синчиклаб таҳлил қилган тадқиқотчилар “Фицджеральднинг асл ёзувчилар сафига қўшилгани”ни эътироф этдилар. Бироқ у адабнинг “тижорий” ҳикояларига ўрганган жайдари китобхоннинг дидига ўтиришмади, илк китоб сингари харидоргир бўлмади.

“Валламат Гэтсби” романи дунё юзини кўрибдики, киноижодкорларни қизиқтириб келади. Улар асарга қайта-қайта мурожаат этган. 2013 йили у бешинчи маротаба экранга кўчирилди. Лекин ҳали-ҳануз бирор режиссёр Гэтсби боғидаги оқшом базмлари муҳитини, ўша дабдабалар шукуҳини маромига етказиб – романдаги даражада кўрсатиб бера олмаган.

“Валламат Гэтсби” муваффақиятидан сўнг ёзувчи узоқ йиллар руҳий зикликка тушиб, қўли ишга бормади, зўр-базўр қалам тебратиб юради. Илгариги шижоатидан асар ҳам қолмайди. Бу ҳол америка адабиётида сал бўлмаса анъана тусини олган эди: Фицджеральддан бошқа адаблар ҳам шундай “қисмат”ни бошдан кечирган (Ж. Лондон, Т. Драйзер, Э. Хемингуэй, Ж. Дос Пассос, М. Митчелл, Ж. Сэлинджер). 1934 йилга келибгина Фицджеральднинг “Сокин кеча” романи чоп этилади (тўғри, бу орада азбаройи тирикчилик кўп ҳикоялар битган). Унга нақд тўққиз йил умрини сарфлайди: қайта-қайта сайқал беради, чўзиқ ўринларини аямай қисқартиради. Кўп йиллар мобайнида ушбу асар билан яшаган, қаҳрамонлари қадрдонидек бўлиб кетган адиб “Баъзан менга ёруғ оламда шу қаҳрамонларимдан бошқа ҳеч ким йўқдек туюлади, улар қисматига ўз қисматимдан-да кўпроқ куйинаман”, деб ёзган эди ношир дўстига. Адиб, бу – унинг иқрорномаси, ўзи учун ғоят қадрли асар эканини кўп бора таъкидлаган. Бўлмасам-чи, Зельда иккисининг гўзал бир эртак мисол бошланиб, аянчли якун топган ишқ қиссаси эди-да бу! Ёзувчи таржимаи ҳолидан хабардор китобхон асарга унинг оилавий турмуши асос қилиб олинганини дарров фаҳмлайди: сиртдан фаровон, ҳашаматлидек кўринган ҳаёт аслида сароб, эр-хотин ўртасидаги зиддиятлар, телбасифат рафиқаннинг доимий рашки, руҳий жазавалар...

Фицджеральд ушбу романи баҳонасида аввалги адабий мавқеини тиклаб олмоқни ният қилган эди. Аммо китоб нашр этилгач, у танқид қамчиси остида қолади, ҳамкасб дўстларию мунаққидларнинг ундан ҳафсаласи пир: нафақат Америка, бутун дунё улкан ижтимоий муаммолар гирдобида қалқиб турган бир замонда тўрт девор ичидаги шахсий фожиангни оламга дoston қилишдан мақсад нима? Шу тариқа “Сокин кеча” ўз даврида муносиб баҳосини олмади. Муаллифнинг бор умиди пучга чиқди. Ўлимидан икки ойча аввал Зельдага йўллаган мактубида

адиб “Гэтсби” билан “Кеча” ўртасидаги тўққиз йил менинг бор-йўқ об-рўмни бир пул қилди. Бу вақт мобайнида вояга етган китобхон учун мен энди “Пост” каби нашрларнинг шунчаки бир ночор қаламкашиман, холос”, деб ёзади изтироб билан.

Ўлимидан сўнг, эллигинчи йилларга келиб Фицджеральд ижоди ва шахсиятига қизиқиш кучайгач, дўстларию танқидчилар орасида “Сокин кеча” романи кўп жиҳатдан “ВаллаMAT Гэтсби”дан устун эканини таъкидлагувчилар кўпайди.

“Мени халос этгин, вальс”

Зельданинг ғалати-ғалати қилиқларидан дўсту душманининг бари тааж-жубда эди-ю, фақат Скотт буни пайқамас, тўғрироғи, ўзини пайқаманганга соларди... Аксар ичиб олган пайтлари ўзи ҳам унга қўшилиб тентакликлар қилишдан завқланиши боисми ёки Зельданинг феълини билгани учунми бундай гап-сўзларга жиддий қарамасди шекилли. Қолаверса, ҳаётидаги бундай “саргузаштлар” унга тайёр адабий маҳсулот эдики, асарларига шундоққина кўчирарди-кўярди.

Ўттиз ёшларга бориб Зельданинг руҳий аҳволи хийла беқарорлашди. Мудом қулоғига ҳар хил овозлар чалинишидан шикоят қиладиган, гоҳида ўзи билан ўзи гаплашадиган бўлиб қолади. Скотт энди ростакамига ташвишга тушиб, хотинини зўр-зўр шифокорларга кўрсатади. Восвос – шизофрения балоси экан. Европа ва Америкадаги кўзга кўринган касалхоналарга ётқизиб, даволатишга ҳаракат қилади, аммо бирор наф чикмайди. Беморнинг аҳволи ўнгланиш ўрнига баттар ёмонлашади.

Бироқ Зельдани батамом эсдан айрилган ҳам деб бўлмасди. Баъзида у соппа-соғ одамга айланиб қоларди. Нашр этилган ягона романи “Мени халос этгин, вальс”ни у айнан руҳий хасталиклар шифохонасида ётиб ёзганига нима дейсиз! Бунинг устига, бинойидек рассом ҳам эди. У солган айрим расмлар бугун мутахассисларни тамоми ҳайратга қўймоқда. Ўша кезлар шифохонадан Скоттга йўллаган мактубларини ўқиб, уларни эси кирди-чиқди одам ёзганига ишонгингиз келмайди: “Азизим, севикли ёрим... Худди кераксиз бир буюмдек, ночор-нотавон бўлиб қолганимни ўйласам, юрак-бағрим ўртаниб кетади. Мени бу бедаво дарддан халос этаман деб қанчалар куйиб-пишдинг, югуриб-елдинг, сабр-бардошингга тасанно, бошқаси аллақачон юз ўгириб кетарди. Менга бўлган меҳр-муҳаббатингнинг чеки йўқ, биламан, буни доимо ҳис этиб тураман. Шунини айтишим керакки, қалбимда, бутун ҳаётимда сендан қадрлироқ инсон бўлмаган, ишон... Сени севаман!”



Скотт ва Зельда Фицджеральднинг серғалва оилавий ҳаётини тадқиқотчилар ипидан игнасигача ўрганиб чиққан. Орадан қарийб бир аср вақт

ўтганига қарамай, ёзувчига, кўпчилик фикрича, умрига завола ҳам бўлган рафиқасига қизиқиш ортса ортдики, асло сусаймади. Бу борада юзлаб тадқиқотлар, бадиий асарлар ёзилган, ёзилаётир. Дейлик, инглиз адаби Жеймс Олдрижнинг “Сўнги нигоҳ” (1977) асарида йигирманчи аср америка адабиётининг икки забардаст чинори – Фицджеральд билан Хемингуэй ўртасидаги тилларга тушган дўстлик, унинг қай тарзда якуни топгани нақл этилади. Француз ёзувчиси Жиль Леруа “Алабама кўшиғи” (2007) романида Фицджеральднинг ҳаёти ва ижодий меросига янгича нигоҳ билан қарашга уринар экан, феъл-атвори ўзи туғилиб ўсган Алабама осмони мисол ўзгарувчан, эҳтиросли Зельда Сейрнинг ғайриоддий қисматига ўзгача талқин беради. Асарда у – жабрдийда, худбинлик қурбони, Скотт эса йиллар мобайнида рафиқасини шафқатсизларча қийнаб келган золим сифатида тасвирланади. Америкалик адиба Тереза Энн Фаулер эса “З – Зельда демак” (2013) романида уйдирмаю афсоналарга бурканган ҳаётига оид “бор ҳақиқат”ни сўйлашни Зельда Сейрнинг ўзига қўйиб беради. Нима дердингиз, ҳар кимнинг ўз фикри бор, ўз ёндашуви!

Скотт ва Зельда деган исмлар ўз даврида Америкаю Европада ўзига хос бир урфга, арзандалик рамзига айланган эди. Ашаддий мухлислари ҳануз уларнинг қадам изи қолган Франция ва Швейцариядаги белгили масканларни эринмай зиёрат қилишади. Бизга замондош бир адиб сафар чоғи Ниццани кезиб юрганида ҳашаматли дўконлар қаторлашган чоғроқ кўчада ғаройиб бир ҳолга дуч келганини ёзади. “Қаранг, шу кўчадан неча маротаба ўтиб, манави дўкон пештоқидаги ёзувга энди кўзим тушибди: “Скотт билан Зельда”. Чамаси, етмиш йиллар муқаддам ўрнатилган йирик қора гранит лавҳадаги ҳарфлар кўзимга чўғдек ёниб кўринди”.

Ҳаёт деганлари бебақо, ёшлик, умр, мулку мартабалар – бари ўткинчи. Фицджеральд шахси, ҳаёти ва ижоди бунга яна бир мисол. Эрта зафар кучган ёзувчи тез орада мағлубият аламини-да тортди. Гўё Зельдаси билан бирга омад ҳам ундан юз ўгирди. Зельда умрининг сўнгигача руҳий хасталиклар шифохонасидан чиқмайди. Скотт унинг қисматида ўзини айбдор санаб, аламини ичкиликдан олади. Кези келиб ичкилик уни маҳв этади: болаликдан қолган ўпка сили, кейинчалик қўшилган юрак хасталиги... Ёзувчи қирқ тўрт ёшида юрак хуружидан вафот этади. Зельда ундан саккиз йил ортиқ умр кўради, касалхонада чиққан ёнғинда қирқ саккиз ёшида ҳалок бўлади.

Шундай долғали ҳаёт кечирганига қарамай, Фрэнсис Скотт Фицджеральддан “Валлакат Гэтсби”, “Сокин кеча” ҳамда Ҳолливуд киносаноатида асос солиниши, унинг оёққа туриш жараёни ҳақидаги тугалланмаган “Сўнги магнат” романлари мерос қолди. Бу асарлар ёзувчининг, умр ва ижод йўлларида унга бесаранжом бир йўлдош бўлган Зельда Сейрнинг номини адабиятга муҳрлади.



REZGI OLMALAR

Уммонда сувни, саҳрода қумни талашиб жанжал қилаётганлар қанчадан-қанча! Бундайларни кўравериб... ушлашга ёқа қолмади.

Қарғанинг келбати бургутникидан қолишмайди, лекин бу – қарға ҳам бургутдир дегани эмас.

Қиличнинг занг босгани ҳам – қилич.

Нега Ой теграсида айланиш Куёшга эмас, Ерга раво кўрилди экан? Камтарлигиданми?..

Куёшнинг нури аввал тоғларга, сўнг... жарларга тушади.

Олма пишигида боғдаги чорпояда ҳеч тунаганмисиз? Ҳар дақиқа “тўп-тўп” деган товуш қулоққа чалинади. Тонгда эса чим устида юмалаб ётган сон-саноқсиз олмаларни кўрасиз. Резги олмалар бу, резги олмалар...

Энг ихчам фалсафий асар – афоризмни ана шу резги олмаларга ўхшатиш мумкин. Ҳар сўзига минг маъно сингдирилган афоризмлар резги олмалар каби... қогозга табиий тўкилади. Дарвоқе, ҳикмат айтмоқ осон иш эмас, бунинг учун зўр ақл-заковат ва катта ҳаётий тажриба керак. Мансурхон Тоировда эса буларнинг ҳар иккиси бор: у киши таниқли физик олим, ёши ҳам улуг – шу кунларда 70 баҳорни қаршилаётмир. Яқинда нашрдан чиққан, рангин ҳаёт тажрибаларидан баҳс этувчи йириккина “Дўл тоғи ва етти осмон” китоби-да баракали умрнинг ўзига хос сарҳисоби бўлди.

Жонкуяр муаллифимизга биз “тафаккур”чиларнинг тилаги бундай: ҳеч қачон фикрлашдан тўхтаманг, домла! Зеро, Декарт айтмоқчи, фикр-лаяпмизми, демак, яшаяпмиз!

Таҳририят

Тегирмон тошининг оғирлигини билиш учун унинг тагига тушиб
кўриш шарт эмас.

Қонун адолатни адолатсизликдан ҳимоя қилмоқ учун яратилади.

Асл гиламнинг гули орқасига ҳам ўтган бўлади.

Агар овознинг кучи мезон қилиб олинса, хардан ўтадиган
“хонанда” бўлмас эди.

Қалб – ақл маҳсули бўлган яхши ва ёмон фикрларнинг кураш
майдонидир. Яхши қалбда доим яхши фикрлар ғолиб бўлади,
ёмон қалбда – ёмон фикрлар.

Ақллиларга итоат қилмоқ учун ҳам ақл керак.

Барча хазина жасур кишилар юрадиган йўлларга кўмилган.

Аҳмоқ билан баҳсда нуқул доно ютқзади.

Сукут ҳар доим донолик белгиси эмас, баъзан у кибр аломати ҳам
бўлиши мумкин.

Ҳар бир инсон ҳаёт дарёси қирғоқларида туриб, ўзига яраша ақл
челақлари билан фикр тортиб олади.

Асл буюмлар ичида энг камтари ва мудом топталгани – гиламдир.

Ҳамманинг ҳам узоқ яшагиси келади, лекин қаригиси келмагани...
қизиқ.

Бир бой одам камбағал қариндошининг тўйига бормаи, хотини ва болаларини ресторанга олиб кирибди-да, кетган сарф-харажатини “бу камбағал қариндошимга қилган мурувватим бўлди, биз тўйига борсак, у шунча чиқим қилар эди”, дея изоҳлабди...

Инсон ғоянинг эмас, ғоя инсоннинг қули бўлмоғи лозим. Акс холда, одамзод бошига ғам-кулфат ёғилиши тайин.

Қуёш ботиши билан оламни дарров зулмат қопламайди, бўрон тиниши билан ҳам денгиз дарров чайқалишдан тўхтамайди.

Ой ёғдуси ҳар қанча кучли бўлмасин, ҳақиқат истасанг, уни қуёш нур сочганда изла.

Қўй-эчки бирлашса – пода, шер-арслон бирлашса – тўда.

Тош бошга тегса ҳам, бош тошга тегса ҳам барибир бош жабр кўради.

Елкаларимда ҳеч ким ўтирмаса, бу елкани нима қиламан?!

Баъзи одамларнинг думи бўлади, ликилатганини юзидан билиш мумкин.

Тўнка ахийри бир кун чириydi, тупроққа қоришади ва шунда ҳамма ундан қутулади.

Қани энди, ақлга ҳам кўзойнак топилса, калтафаҳмлар узоқроқни кўрадиган бўлармиди...

Юрак уряпти дегани – қалб бор дегани эмас.

Аҳмоқ ўзини ҳақ деб билишидан кўра, биз аҳмоқни ҳақ деб билишимиз хавфлироқ.

Ўт билан сув фақат ошиқ-маъшуклар наздида қўшилади.

Уйда милтиқ бўлса, у бир кун албатта отилади. Уйда китоб бўлса, у бир кун албатта ўқилади.

Буюклик – одамлардан юқори бўлмоқ эмас, балки улар қалбига кириб бориб, абадулабад уни макон қилмоқдир.

Кўз – яқинни, ақл – узоқни кўради.

Вожаб! Мен кулган нарсага сен йиғлайсан, сен кулган нарсага мен йиғлайман. Нега шундай-а?

Олам – у ер-бу ерига нур сочилиб турган бепоён қоронғиликдан иборат.

Адолатли бўлмоқ мард бўлмоқдан мушкулроқ ва афзалроқдир.

Эй одам, ўзинг қилаётган гуноҳларни санайвер – ўзгалар гуноҳини барибир санаб адо қилолмайсан.

Ҳар қандай сир, ҳар қандай жумбоқнинг калити бор, у астойдил қидирилса, эртами-кечми албатта топилади.

Бино қилиш энг қийин бўлган қаср – муҳаббат қасридир, бузиш энг осон бўлган қаср ҳам шу...

Ҳар бир жўжа энг аввало ўзини асраб, жон киргизган тухум қобигини оёқости қилади.



МА'РИФАТ QAYG'USI

*Ulug'bek DOLIMOV
mutolaa qiladi*

ТУРКИСТОН ВА "ТАРЖИМОН"

Зайнабидин Абдирашидов. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете "Таржуман" (1883–1917). Токио, 2011.

Zeynabidin Abdurrahshidov. "Tarjimon" (1883–1917) gazetasidagi Turkiston materiallarining izohli bibliografiyasi. Bornova – Izmir, 2014.

Мустақиллик ўзликни англашдан бошланади. Ғурурини йўқотган миллат қулликка маҳкумдир. Шунинг учун ҳам жадид мутафаккирлари миллий ўзликни англашни мутаассиблик, жаҳолат ва мустамлака зулмидан қутулишнинг асоси деб билдилар, тарбияга ҳаёт-мамонт масаласи ўлароқ эътибор қаратдилар. Жадидларнинг бу ғояси на чор Русияси, на шўро давлати мустамлакачилик мафқурасига маъқул эди. Бу ҳаракатнинг мазмун-моҳиятини чуқур тадқиқ этиш истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ долзарб вазифа сифатида белгилангани ҳам бежиз эмас. Жадидшунослар тўғри таъкидлаганидек, Миллий уйғониш – жадидчилик ҳаракатини йўл-йўлакай ўрганиш мумкин эмас, аксинча, бор билим ҳамда куч-ғайратни бағишламоқ лозим.

1998 йили ёш, илмга чанқоқ Зайнобидин Абдирашидов Шарқшунослик институтини битириб, Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти кафедрасига келган кунидан профессор Бегали Қосимов раҳбарлигида жадидчилик муаммолари билан шуғуллана бошлади, қисқа фурсатда устози ва ҳамкасблари ҳурматини



қозонди. 2006 йили домласи билан ҳамкорликда Ўзбекистонда илк бор Исмоилбек Гаспралининг танланган асарларини “Ҳаёт ва мамот масаласи” номи билан чоп этди. Б.Қосимов вафотидан кейин З.Абдирашидов илмий изланишларини Берлинда Хумбольд университети профессори Ингеборг Балдауф раҳбарлигида давом эттирди. 2009 йили “Исмоил Гаспринский ва Туркистонда жадидчилик ҳаракати” мавзuida докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 2011 йилда эса “Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи – отношения – влияние” номли йирик монографияси нашрдан чиқди. Тадқиқот ишида бирламчи манба муҳим ўрин тутди. Салмоқлигина монографияда ҳам 500 дан ортиқ жаҳон жадидшунослари асарлари, Ўзбекистон, Русия, Татаристон давлат архивлари материалларидан ўринли истифода этилган.



Токиода чоп қилинган “Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете “Таржуман” (1883–1917)” асарининг илмий қиймати муаллифининг дастлабки монографиясидан кам эмас. Йиллар давомида чет эл кутубхоналарида изланишлар олиб борган тадқиқотчи библиографияга турк профессори Ёвуз Акпинар бисотида сақланган “Таржимон” тахламини асос қилиб олди. Шу билан бирга, газетанинг турли мамлакатлар кутубхоналарида сақланаётган 1917–18 йил сонларини ҳам ҳижжалаб ўрганди. Бунга қадар қозоқ олимаси Нозикхоним Панаева, озарбайжонлик доктор Йилмаз Ўзқоя ва турк профессори Ёвуз Акпинар мазкур мавзуда йирик тадқиқотлар яратган эди. З.Абдирашидов бу манбалар билан ҳам яқиндан танишган.

Библиографияга ёзилган сўзбошини алоҳида йирик тадқиқот деб баҳолаш мумкин. Шўро зуғуми боис “Таржимон” газетаси ҳақида биз фикр айта олмаган бир даврда чет эллик жадидшунослар мазкур нашрни эмин-эркин тадқиқ қилган. З.Абдирашидов хориж олимларининг XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда кечган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаёт ҳақидаги тадқиқотларини синчковлик билан ўрганган, уларга танқидий муносабатларини-да баён этган.

И.Гаспрали XIX аср 70-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб фаолиятини матбуот билан боғлади. У 1879 йили “Зиёи Кафказия” газетасида эълон қилган илк мақоласида “Ўз матбуоти ва адабиётига эга бўлмаган миллат кўр ва соқов одамга ўхшайди”, деб ёзган эди. Гаспрали газета нашр этиш учун бир неча бор Русия мутасадди ташкилотларига мурожаат қилади, неча бор Санкт-Петербургга қатнайди, аммо уринишлари зое кетади. У 1881 йилнинг августида муштарийларни кўпайтириш мақсадида бутун Русиядан мусулмон савдогар ва тадбиркорлар йиғиладиган Нижний Новгород кўргазма-бозорига боради. Кўргазмада иштирок этган туркистонлик ишбилармонлар орасидан ҳаммаслақлар орттиради. Бир неча йиллик уринишлардан кейин 1883 йил 10 апрелда “Таржимон”нинг биринчи сони дунё юзини кўради. Нашр дастлаб 250 обуначига эга бўлиб, муштарийлар орасида туркистонлик зиёлилар ҳам бор эди.

Туркий халқлар тили ва тарихи билимдони саналган мутафаккир “Таржимон”нинг “ўрта умумтурк” тилини яратишга бел боғлади. У барча туркий миллатларни ягона адабий тил атрофида жипслаштиришга интилди, умрининг охирига қадар “Тилда, фикрда ва ишда – бирлик” шиорига амал қилди. Муҳаррир газетанинг мунтазамлигини таъминлаш учун ширкату хайрия жамиятлари

ташкил этди, Туркистондан обуначи ва муаллифларни кўпайтириш, улар билан ҳамкорлик ўрнатишга катта аҳамият берди, ўлкада кечаётган воқеаларни "Таржимон" саҳифаларида мунтазам ёритиб борди. Негаки, Исмоилбек қадим тарих ҳамда катта нуфусга эга туркистонликларга умид боғлаган эди. Ушбу масалалар библиография сўзбошида атрофлича ёритилган.

Ўзгача бажарилган тадқиқот асарларини пухта ўрганиш баробарида муайян масалаларда мутахассислар билан баҳсга киришиш, қарашларини пухта далиллай олиш – ҳар бир илмий ишнинг эътиборга молик фазилати. Инглиз, рус, олмон, араб, форс ва туркий тилларни мукаммал ўзлаштирган З.Абдирашидов ҳам айрим ўринларда Гаспрали ва Туркистон муносабатларини ўрганган Ғарб жадидшуносларининг қарашларига эътироз билдириб, ўз нуқтаи назарини ишонарли далиллайди. Унинг ёзишича, Ғарб олимлари кўпинча фақат фактларни дастак қилиб олади. Ҳолбуки, шундай ҳоллар бўладики, мавжуд масалани баҳолашда миллатнинг менталитети ва бошқа кўз илғамас жиҳатларни инобатга олиш талаб этилади. Шу маънода, факт-далилларга маҳлиё бўлиб, миллий хусусиятларни эътибордан соқит қилиш чинакам олимга ярашмайди. Масалан, француз тадқиқотчиси Каррер д'Анкос (Carrere d'Encausse) Бухоро амири Абдулаҳадни "том маънода консерватизм ҳимоячиси" деб қоралайди. Ҳолбуки, тадқиқотчи амирликдаги вазиятни – бир томондан, генерал-губернаторликнинг, иккинчи томондан, унинг қўлида кўғирчоқ бўлган мутаассибларнинг таъкиб ва тазйиқини тўлиқ тасаввур қила олмаган. Аслида эса, амир икки ўт орасида қолган эди.

Яна бир мисол. Америкалик жадидшунос Адиб Холиднинг (Adeeb Khalid) фикрича, "Остроумов Гаспрали билан онда-сонда кўришишига қарамай, узоқ вақт ёзишма олиб борган. Икки муҳаррир ўз нашрларини алмашиб туриш баробарида матбуотда ҳам, ёзишмаларида ҳам бир-бирига ўта илтифотли бўлган". Лекин "бизнингча, – деб таъкидлайди З.Абдирашидов, – Остроумов билан Гаспралининг алоқалари Адиб Холид тасаввур қилганидек, "ўта силлиқ" кечмаган". Н.Остроумовнинг Гаспрали ҳамда Туркистон ўлкасида кенг тарқалаётган "усули савтияи тадрижия" мактабларига душманларча муносабатига эътибор беринг: "Мана, чиндан ҳам қутилмаганда афсусланарли воқеа содир бўлди. Биз... машаққатлар билан энди бир неча рус-тузем мактаби очганимизда, **бошқалар ўлка маорифи йўлида четдан (Қримдан) ўзга байроқ остида** (таъкид бизники – **У.Д.**) катта ғайрат ва шижоат билан мустақил фаолият олиб борди. ...Ҳайрон қоладиган томони шундаки, буни ҳозир ҳам уезд маъмуриятлари, ҳатто ҳукумат мактаблар инспекцияси назорат қилмаётир" ("*Туркестанские ведомости*", 1909 йил 1-сон).

1906 йилдан Русия Давлат думасида ғайрируслар (туркий халқлар) маорифи муҳокамаси жиддий тус олди. Русия маориф вазирлигидаги корчалонлар мусулмонлар учун очилаётган давлат тасарруфидаги рус ва рус-тузем мактабларида она тилини (татар, ўзбек тили) кирилл алифбосида ўқитишни талаб қилди. "Таржимон" газетасида эса ушбу ташаббусга қарши мақолалар босилди. Ўша кезлар давлат ва жамоат арбоби, Дума аъзоси Садри Мақсудий қонунчилик идорасида бундай деган эди: "Эй ғўспадалар, ақла мурожаат эдинг. Бизим ўз алифбомиз вор: ҳам динийдир, ҳам дунёвийдир. Русча ва франсузча ўқиймиз, лекин ўз алифбомизни ҳеч бир вақт, ҳеч бир ўринда тарк этмаймиз! Бу ишда мантиқсизликками таажуб эдалим ёки изҳор ўлан ҳақоратгами ҳайрон ўлалим?!" ("*Таржимон*", 1909 йил, 10-сон).

1909 йили Думада яна ўша масала (“Ғайрирусларнинг давлат тасарруфидаги мактабларида таълим-тарбия қайси тилда олиб борилиши керак?”) муҳокама қилинади. Унда “туркистонликларнинг адабий тили йўқлиги” сабабли таълим-тарбия рус тилида олиб борилсин, дея кўрсатма берилади. Бу эса туркийзабон зиёли ва педагогларда кескин норозилик уйғотди. Гаспралининг “Чиғатой дили” мақоласида қуйидагиларни ўқиймиз: “Самарқанд, Фарғона, Сирдарё қитъаларининг шевалари эски чиғатой шевасидир. Бу шева адабий ўлдиғи бутун жаҳона маълумдир. Ҳатто турк шеваи адабияларининг энг қадими ва мабдаи ўлдиғи лисониюн олдида масдақдир (тасдиқланган). Тафтазонийлар, Аҳмад Яссавийлар, Али Қушчи, Алишер Навоий ва соирлари вужуда келтирмиш Туркистон дили нечук “тилсиз”, “адабийсиз” от ўлинур?! Рус миллатининг лисони адабий ўлмадиғи замонда Ломўнўсуф, Пушкин каби рус адибларининг вужудидан уч ва тўрт юз сана муқаддам (“Муҳокамат ул-луғатайн” рисоласина боқ!) Чиғатой, яъни Туркистон дили форсийя фойиқ (ғолиб) бўлиндиғи даъво ўлинур-да, бугун Туркистон белисондир, дею насил ҳукм ўлинур?! Киев, Муқва балдаларинда рум ила лотин лисонинда бирор раҳбон шқоласи таъсис эдилмасдан муқаддам Бухоро ва Самарқандда илми тибб, ҳайъат, фалсафа, таърих, жуғрофия, ҳандаса ва соира дарс ва таҳсил эдилур. Улуғбеклар, Форобийлар, Ибн Синолар каби турк ҳукамоси етиштур-да, буюкларнинг аҳфоди (авлодлари) бу кун нечук тилсиз от ўлинур?!” (“Таржимон”, 1911 йил 4 март).

Сирасини айтганда, З.Абдирашидов тайёрлаган библиография Туркистонда жадидчилик ҳаракатини янада теран ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Олимнинг улуғ маърифатпарвар ҳаёти ва ижодига доир тадқиқотлари халқаро миқёсда эътироф этилди: унга 2012 йили Бакир Чўпонзода, 2015 йили эса Исмоил Гаспирли мукофоти берилди.

Дарвоқе, изоҳли библиография ЮНЕСКОнинг И.Гаспирли вафоти юз йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарорига мувофиқ 2014 йили Туркияда ўзбек тилида ҳам чоп этилди.

ХОНЛИК ВА ХОИНЛИК

Саъдихон Мавлавихон ўғли Э ш о н ж о н о в. “Таназзул” (тарихий роман). Биринчи китоб. Тошкент, “Муҳаррир”, 2012. Иккинчи китоб. Тошкент, “Turon zamin ziyo”, 2015.

Халқимизда “Султон суягин хўрламас” деган ниҳоятда пурҳикмат мақол бор. Биз чор Русияси ва айниқса, совет мустамлакачилиги даврида улуғларимиз, султонларимизни хўрлаб келдик, тарих бизни кечирмади – ватанжудоликка, мутеликка маҳкум этди. Оллоҳга минг қатла шукрки, истиқлол туфайли хўрликлар барҳам топди: улуғларимиз тарихини қайта ўрганиш, хатоларни тузатишга киришдик. Бу ҳол, хусусан, бадий адабиётда яққолроқ намоён бўлди.

Кейинги уч-тўрт йилда Қўқон хонлигининг сўнгги фармонбардори Худоёрхоннинг зиддияту инқирозларга тўла ҳукмронлик даври қаламга олинган “Таназзул” романи дунё юзини кўрди. Асар муаллифи Саъдихон Мавлавихон ўғли адабиёт аҳлига у қадар таниш эмас, жумладан, мен ҳам у одамни кўрган, “Таназзул”дан бошқа асарини ўқиган эмасман. Аммо Қўқон хонлиги, хусусан, Худоёрхон даври тарихи билан бирмунча шуғулланганман.



(Гап шундаки, Миллий уйғониш даври намояндаларидан бири, тарихчи олим Исҳоқхон тўра Ибротнинг “Тарихи Фарғона” фундаментал асарини нашрга тайёрлаш жараёнида мазкур даврни чуқурроқ ўрганиш зарурати туғилган эди. Асарда Қўқон хонлиги тахтига 1845–75 йиллар давомида уч марта жулус этган ва уч карра тахтдан қувилган Худоёрхон даври тарихига ҳам алоҳида боб ажратилган.)

“Таназул” романининг бир ўрнида, яъни ҳаволада муаллифнинг ота-болари хонлиққа хизмат қилгани хусусида қисқа маълумот келтирилади: “Бузрукхон тўра Шокирхон тўра ўғли – отамнинг бобоси, менинг бобокалоним, насл-насаблари Хожа Аҳмад Яссавийга бориб тақалади. Ўратепа беклигида мушовир лавозимида хизмат қилганлар. Ҳар йили Ўратепа беклигидан Қўқон хонлигига йиллик бож олиб борганлар. 1866 йил октябрь ойида фон Кауфман билан бўлган жангда шаҳид бўлганлар. Жасадлари Ўратепа шахрининг Найман гузарига ҳовлимизда дафн қилинган. Қабрлари ҳозир ҳам мавжуд” (*II китоб, 89-бет*).

Беш юз йил муқаддам Ер қуррасидаги қудратли салтанат саналган Амир Темур давлати ўрнида XIX асрга келиб иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва илмий салоҳиятини буткул йўқотган уч феодал хонлик ҳукм сураб, жаҳолат авжига чиққан, ўлка дунё тамаддунидан буткул узилиб қолган эди. Бу ҳам камдек, узлуксиз урушлар, ички низолар халқнинг тинқасини қуритганди. Русия империясининг хонлиқларга қарши қонли мустамлакачилик юриши эса авж палласига кирмоқда эди.

Роман Олимхон ўғли Муродхоннинг Бухоро амири Насруллохон ёрдамида Қўқон ҳукмдори Шералихонни қатл эттириб, тахтга ўтириши билан бошланади. Янги ҳукмдор мингбоши Муслмонқулга ўз лавозимида қолажаги, бунинг учун валиаҳд Худоёрбекни хуфия ўлдириши лозимлиги ҳақида фармон йўллади. Муслмонқул эса Муродхонга ишонмай, 1845 йили лашкари билан Қўқонни эгаллайди ва энди 16 ёшга қадам қўйган Худоёрхонни тахтга ўтқзади. Албатта, бу ёшда, қолаверса, ўта зиддиятли даврда Қўқон хонлигидек йирик давлатни бошқариш Худоёрхоннинг илқидан келмас эди. Муслмонқулга эса худди шундай одам керак эди. Бу орада ёш хонга қизини бериб, унга қайнота бўлиб олади. Муслмонқул ички ва ташқи сиёсат жиловини қўлига олиб, баъзи муҳим масалаларни Худоёрхонга билдирмай ҳал қилиб юбораверади. Муҳим мансаблар қипчоқларга берилиши, энг ишончли аъёнлар, жумладан, Тошкент ҳоқими – хоннинг акаси Саримсоқбекнинг ўлдирилиши Худоёрхоннинг сабр косасини тўлдиради. Сарой аъёнлари – Оренбург кадет корпусида ўқиб келган Саидбек Орифбек ўғли ва унинг дўсти Қиличбек Бейсинбий ўғли ҳамда Худоёрхон тарафдорлари Муслмонқулни орадан олиб ташлаш учун омонсиз курашга киришади. Лавозимидан мосуво этилган Муслмонқул эса хоинлик йўлини туттади. Рус босқинчилари салтанат шимолидаги бир неча истехкомни бузиб ташлаб, стратегик аҳамиятли Оқмасжид қалъасига таҳдид солиб турган бир паллада қозоқ бийи Бойзоқ воситасида генерал Перовскийдан ёрдам сўрайди. Мингбошининг сотқинлиги ошкор бўлгач, у қатл этилади.

Баъзи тарихчиларимиз ёзганидек, барча хону амирларимиз ҳам Ватан тақдирига бефарқ бўлган эмас. Хусусан, Худоёрхон бор имкониятини сафарбар этиб, Оқмасжид мудофаасига ўн мингга яқин лашкар ҳамда замбараклар юборади. Лекин бу даврда уруш тақдирини катта лашкар эмас, замонавий ҳарбий техника ва илғор қуроллар ҳал қилар эди. Шундай бўлди ҳам. 1853 йил июлда

Оқмасжид қалъасини рус қўшини босиб олиб, унга “Перовский форти” дея ном беради. Романда Худоёрхоннинг ушбу мағлубиятдан кейинги руҳий изтироблари анча таъсирли тасвирланган. Айни ўша кезлар Туркия билан урушда чор давлатининг мағлубиятга учраши унинг халқаро обрўсини тушириб юборди. Бу эса Ўрта Осиё хонликларига босқинчилик урушини 10-12 йилга кечиктирди.

Русия хонликларга қарши юришга ҳозирлик кўраркан, қудратли инглиз империалистлари манфаатлари билан тўқнашди. Буюк Британия ўз таъсирида бўлган Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон чегараларига Русиянинг хавф туғдиришини истамас, Ўрта Осиёни босиб олишни кўзламоса-да, ўлкани бозорга айлантириш, хонликлар ўртасида нуфузини ошириш ниятида эди. Англия хонликларга шу мақсадда элчилар юбориб, ҳарбий ёрдам таклиф этади. Афсуски, учала хонлик ҳам бу имкониятдан фойдалана олмайди. Русиянинг инглизлар билан хонликлар ўртасидаги муносабатларга рахна солиш йўлидаги уринишлари бесамар кетмайди. 1842 йилда Бухоро тождори Насруллохон инглиз элчилари – полковник Чарльз Стоддарт ва лейтенант Артур Коноллини қатл эттиради. Шунга қарамасдан, 1852 йили Буюк Британия консули Ричард Уильямс Оренбургда Саидбек билан учрашиб, Русия 1853 йилда Қўқон хонлигига уруш бошламоқчи экани ҳақидаги махфий хабарни хонга етказишни топширади. Мазкур воқеалар роман бадиий қатларига сингдириб юборилган.

Мамлакат манфаати йўлида фидойилик кўрсатган Бибихоним, Қутлуғ Нигорхоним, Нодирабегим каби момоларимиз билан фахрланамиз. Мана шундай аёллардан бири Худоёрхоннинг волидаи муҳтарамаси, “Ҳокимойим” шарафли номини олган Жарқинойдир. У тахт дея курашаётган ака-укаларни “биродаркуш” номини олишдек тавки лаънатдан асраш, халқ бошига кулфат келтирувчи қиргинбарот урушларнинг олдини олиш учун бутун ақл-заковатини сафарбар қилади. Ҳокимойим тимсоли романда кам кўринса-да, ўқувчи хотирасида муҳрланиб қолади.

Асарда муаллиф тафсилотларга берилиб кетган ўринлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Саидбек билан хон синглиси Олтинойнинг никоҳ тўйи 35-40 саҳифада таъриф-тавсиф этилган (*II китоб, 128-167-бетлар*). Табиийки, ортиқча тафсилотлар китобхонни толиқтиради. Қолаверса, серсўзлик қалам аҳлига фазилат саналмайди.

Бу каби жузъий қусурларга қарамай, ширали тилда ёзилган асар тарихий роман талабларига жавоб беради. Муаллиф ўзбек тили лаҳжаларидан ўринли фойдаланган. Тарихий ҳақиқат аксар ўринларда бадиий ҳақиқат даражасига кўтарилганки, китобхон ҳам муаллиф каби мустамлака арафасидаги юрт тақдирига ўкинса ажаб эмас.

МЎЖАЗ ВА МЎЖИЗ

Шотурсун Ш о м а қ с у д о в, Субутой Д о л и м о в. Қайроқи сўзлар (халқ иборалари). Тошкент, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” нашриёти, 2011.

Бундан 60 йиллар муқаддам Шотурсун Шомақсудов билан Субутой Долимов ҳамкорликда ўзбек халқ оғзаки ижодининг мўъжазу мўъжиз жанрларидан бўлмиш ибораларни тўплаб, “Кенг уйнинг келинчаги” номи билан нашрдан чиқарган эди. Тарих, этнография ва тилшунослик билимдони бўлган муаллифлар ибораларнинг келиб чиқиши, қўлланилиши ва маъноларини теран



шарҳлаб берган. Шу боис ҳам китоб 60-йиллардаёқ икки топқир чоп этилган. Унга бағишланган тақризларнинг бирида муаллифлар “эски бўйра ва наमतлар тагида қолиб кетган маънавият обидаларига жон ато этиб, яна халқимизга қайтаргани” таъкидланган эди. 2011 йили мазкур китоб Беруний номидаги давлат мукофоти соҳиби, файласуф олим Даврон Шораҳмедов томонидан жузъий ўзгартиришлар билан “Қайроқи сўзлар” номида қайта нашр этилди.

Ибора оғзаки нутқ ҳамда бадий адабиётда кенг қўлланиладиган тасвир воситаларидан бўлиб, халқимизнинг урф-одатлари, турмуш тарзи, баъзи шахслар, тоифаларнинг хулқ-атворини умумлашма тимсолларда ифодалайди. Пушкин “Қанчалар пурмаъно! Ҳар бир мақол ва иборамиздаги мазмун жозибадорлигини қаранг! Нақд ёмби-ку!” дегани ҳам бежиз эмас (*Даль В. Пушкин в воспоминаниях современников. Москва, 1950. Стр. 455*).

Мақол ва ибора бир-бирига ўхшаб кетади. Рус олимлари иборани “гул”, мақолни “мева” деб атайди (Поговорка – цветок, пословица – ягода). Бу ҳар икки жанрнинг бир заминда унганига ишорадир. Айрим мутахассислар иборани шаклланиб улгурмаган мақол деб ҳисоблайди. Ибора мақолдан фарқли равишда асосан мажозий хусусиятга эга. У ўз маъносини деярли йўқотган бўлиб, кўп ҳолларда кўчма маънода қўлланилади. Баъзи ибораларнинг илдизи қадимги урф-одатлар, қабилачилик, уруғчилик муносабатларига бориб тақалади. Масалан, тартибли, бировнинг ҳақиқа хиёнат қилмайдиган ҳалол одамларга нисбатан “бировнинг ола ипидан ҳатламаган” ибораси ишлатилади. Бунинг замирида қабилла, уруғлар ўртасида рўй бериб турадиган даъвою жанжалларни ҳал қилиш усули яширин. Баъзи иборалар касб-хунар билан боғлиқ ҳолда вужудга келган: “калавасининг учини йўқотди”, “кучала еган жойингга бориб тириш”, “эчкининг оти Абдукарим”; деҳқончилик билан боғлиқ: “арпасини хом ўрганми”, “бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар”; одамлар феъл-атвори билан боғлиқ: “ошини пишириб, қошиғини солиб кетди”, “ит ётиш, мирза туриш”, “истараси иссиқ”; ҳайвонлар ҳаёти билан боғлиқ: “тепа сочи тикка бўлди”, “баланд охурдан сув ичган”...

Ибораларнинг зоҳирий маъноси кўпчиликка маълум бўлса-да, уларнинг этимологиясини аниқлаш, ботиний маъносини англаш осон эмас. Бунинг учун кўп асрлик урф-одат ва касб-хунар анъаналарини билмоқ лозим. “Эшикнинг турмини бузди” деган иборамиз бор. “Турми” – “турум” сўзининг учинчи шахс бирликдаги шакли. Турум эшик табақасининг тепадаги ва остонадаги уяларга тушиб турадиган уч қисми бўлиб, эшикнинг очилиб-ёпилишига имкон беради. Бу – иборанинг ўз маъноси. Кўчма маънода эса мазкур ибора хонадонга совчилар серқатнов бўлиб қолганига ишорадир.

Халқ ибораларида ижтимоий-сиёсий воқеалар билан боғлиқ ҳолда инсонлар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг феъл-атвори акс этади. Масалан, бир киши чуқур ўйламасдан турмуш қуришдек жиддий савдони ўзи ҳал қилиб қўяди-ю, иш кўнгилдагидек кечмайди. “Ўзинг пиширган ош: айланиб ҳам ичасан, ўргилиб ҳам” ибораси айнан шу тоифадаги кишиларга қарата айтилади.

Бадий тимсолларга бой иборалардаги образлилик халқ оғзаки ижодининг эпик жанрлари: эртак, афсона, ривоят ҳамда дostonлардагидан кескин фарқ қилади. Иборалар қисқа ва лўнда бўлиб, бир сўз қатига олам-олам маъно сингдирилади. Иборалар талаффузига эътибор берилса, унли ёки ундош товушларнинг такрорланиб келиши – аллитерация ҳодисасини кузатиш мумкин: “йиртиққа ямоқ, дардга даво бўлади”, “осмондагини сапчиб, ердагини қапчиб”,

“бўйнига тузлуқ тўрва тушди”, “тоғни урса талқон қилади” ва бошқалар. Ибораларни киноя, кесатиқ, пичинг маъноларисиз тасаввур этиб бўлмайди: “эчкининг оти Абдукарим”, “мен нима дейман-у, қўбизим нима дейди”, “кўзим учиб турган эди” кабилар. Оҳангдошлик, қофиядошлик ҳамда аллитерация халқ ибораларининг хотирада узоқ вақт сақланиб қолиши, оғзаки ва ёзма нутқнинг равон, мусиқий бўлишига хизмат қилади.

Шотурсунқори ота билан падари бузрукворим Субутой Долимовнинг иш жараёнини кўп бора кузатганман, баъзан уларга дастёрлик ҳам қилганман. Ўша кезлар қори отани уйларидан (Сағбондан) Чимбойдаги боғ ҳовлимизга олиб келар эдим. Баъзан мендан қўлёзма бериб юборардилар. Эсимда, қори ота ниҳоятда хушхат киши эди. Камина – ўша вақтлар 8–9-синф ўқувчиси, араб ёзувидаги қўлёзмаларни анча эркин ўқирдим, гоҳида отамнинг топшириғига кўра матнни кирилл ёзувига ўғирардим...

Китоб муаллифлари ибораларни йиғиш ва шарҳлаш жараёнида узоқ йиллар давомида Тошкент шаҳри аҳолисининг турли табақалари: деҳқон, ҳунарманд-косиб, ямоқчи, савдогар, қассоб, қиморбоз, каптарбоз, беданабоз, хўроз уриштирувчилар, турли тоифадаги гапдон хотин-халаж билан суҳбатлашганлар. Эслатиб ўтиш жоизки, муаллифлар асарда асосан Тошкентда қўлланилувчи иборалар билан чекланган. Тўғри, Тошкент ва атроф ҳудудларига хос иборалар бошқа вилоятларда ҳам истифода этилади, аммо шева шакллари мавжудлигини ҳам унутмаслик керак. Масалан, Тошкент ҳудудида “совчиликка келдик” ўрнида “қулчиликка келдик”, Зоминда эса айни шу ибора “эшигингизди шипиришқа келдик” тарзида қўлланади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Умуман, ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳудудлар билан боғлиқ мақол ва иборалар талайгина. Агар юртимизнинг турли ҳудудлари бўйича иборалар йиғиб шарҳланса, бир неча жилдли фундаментал тадқиқот – бебаҳо маънавий бойлик дунёга келиши шубҳасиз.

Ўз даврида хону беклар халқнинг бебаҳо маънавий мулкини асраб қолиш, келгуси авлодларга тўла-туқис етказишдек олижаноб юмушни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирган. Гулханийнинг тилларда дoston “Зарбулмасал”и дунёга келишига маърифатпарвар ҳукмдор Амир Умархон (Амирий) сабабчи бўлган. Ушбу ноёб асар битилганидан салкам бир аср ўтиб, яна бир гўзал обида дунё юзини кўрди. Қўқон адабий муҳитига мансуб шоир Сулаймонқул Рожий тўрт юздан ортиқ халқ ибора ва мақолини тўплаб, 440 байтли “Зарбулмасал” қатларига сингдириб юборди.

Халқ ҳикматлари ўтган асрда ҳам зиёлилар эътиборида бўлган. XX асрнинг 20-йилларида фольклор билимдони Машриқ Юнусов – Элбек “Бу кунгача халқ адабиётини йиғиш тўғрисида оғзимиз тинмай сўзлаб келса-да, буни ишга оширишга ҳамон кўчганимиз йўқ. Адабий қиммати ва ичига олган чуқур маънолари билан кўнгилни ўзига тортатурсан матал, эртақ, чўпчак, жумбоқ ва лапарларимиз букун ўз-ўзидан йўқолиб борадур”, деб уларни тўплаш ва нашр этиш масаласини кун тартибига қўйган эди.

“Ҳар қандай миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган оинаи ҳаёти унинг тили ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдир”, деб ёзган эди ўзбек педагогикасининг отаси Абдулла Авлоний. Тилимизнинг мўъжизакорлигини кўрсатувчи мақолу матал ҳамда ибораларни бутун нафосати билан асраб-авайлашга, демакки, миллат руҳини сақлашга ҳар биримиз масъулмиз.

БАЁЗ ВА БАЁТ

Х и с л а т. Тараннум (баёз). Тошкент, "Meriyus", 2009.

XX аср бошларида Тошкент Туркистон ўлкасининг йирик адабий-маданий, ижтимоий-сиёсий марказига айланди. Қадим кентда ўнлаб санъат аҳли – шоир ва ҳофиз, созанда ва созгар, ношир ва хаттотлар нашъу намо топди. Тўйчи Ҳофиз меҳмонхонаси, Мулла Қўшоқ Мискиннинг "Баланд масжид"даги баққоллик дўкони ёки шоир Каримбек Камийнинг "Бекларбеги" мадрасасидаги ҳужрасида адабий оқшомлар, бедилхонлик йиғинлари бўлиб турар, уларда нафақат Тошкент, балки Қўқон, Самарқанд, Наманган, Андижон шоир ва санъаткорлари ҳам қатнашган. Тўйчи Ҳофиз, Абдулла Булбул кўшиқлари нафис мажлисларга ўзгача файз бағишлаган. Бу анжуманларда фаол иштирок этган ёзувчи ва педагог Мўминжон Муҳаммадхон ўгли Тошқиннинг "Тошканд шоирлари" қўлёзма тазкираси, "Турмуш уринишлари" мемуари ҳамда матбуот нашрлари бу давр маънавий-маърифий муҳити хусусида қимматли манба саналади.

Аср бошидаги адабий жараёнга чуқурроқ разм солсак, баёзчилик анча ривожланганини кўрамиз. Сара асарлардан тартиб берилган баёзлар Туркистон ижодкорлари адабий алоқаларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаёт ила ҳамқадам бўлишида кўприк вазифасини ўтади.


Тошкент адабий муҳити вакили Саййид Ҳайбатуллоҳхўжа Хислат баёзнавис шоирлардан эди. Шоир ижодида анъанавий лирика етакчилик қилса-да, у жадид мутафаккирлари таъсирида маърифатпарварлик мавзуида ҳам талай асарлар яратди. Хусусан, жадидларнинг машҳур "Садойи Туркистон" газетаси нишона сони чиққанда "Туркистон садоси" таърих-шеърини битди. Унда шоир ушбу газетани миллат жароҳатининг давоси деб таърифлайди:

*Ривожига қилинлар ёрдам эмди
Бу кун, эй жумла инсонлар сароси.
Жаҳолат дардини, бешак билинлар,
Давоси бу, давоси бу, давоси!*

Хислатнинг етук ғазалхон шоир, бедилхон олим бўлиб танилувида тошкентлик кўп шоирлар пешвоси Каримбек Камийнинг хизмати катта. Унга "Хислат" тахаллусини тавсия этган ҳам, шоиру санъаткорлар билан таништирган ва ижод йўлига олиб кирган ҳам Камий эди.

2009 йили Хислатнинг жияни – санъат фахрийси Музаффар Асадуллаев ва шоирнинг яқин дўсти, соз устаси Уста Усмоннинг ўгли, филолог олим Тўхтамурод Зуфаров ижодкорнинг адабиёт мухлисларига маълум ва номаълум асарларини, у ҳақдаги нодир хотираларни тўплаб, "Тараннум" (баёз) унвони остида нашрдан чиқарди. Мажмуа баёз деб номланган бўлса-да, унга Хислатнинг турли шеърини жанрлардаги асарлари, бир неча шоир ғазалларига боғлаган мухаммаслари, Хислат шеърларига битилган тазминлар, унга йўлланган назмий мактублар, Тўйчи Ҳофиз ҳамда Аҳмад Полвонга бағишланган манзума ҳамда "Мушук билан сичқон" қиссаси киритилган. Яъни мажмуа шартли равишда баёз деб аталган.

Хислат баёзнавислик анъанасини бойитиб, муайян бир мавзуда баёзлар тузди. У тартиб берган "Баёз", "Баёзи янги", "Ҳадяи



Хислат", "Тухфаи Хислат", "Савғоти Хислат" асарлари орасида "Армуғони Хислат" ажралиб туради. Мазкур баёзнинг яратилиши ўша давр Туркистон маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди: Хислат – санъаткор шоир, Тўйчи Тошмуҳаммедов – ҳофиз, муғанний-бастакор, Шавкат Искандарий – мусаввир ва хаттот, Ғулом Ҳасан Орифжонов эса нозиктаъб ношир сифатида маҳоратини намойиш этди. Хислат Тўйчи Ҳофиз ижро этган мумтоз ашулалар матнини тўплади, ўзи ва замондош шоирларнинг қўшиқлар оҳангига мос вазнда битилган шеърларини яхлит тизимга солди, ҳар бир шеърнинг унвониға қайси мақомда куйланишию савтигача ёзиб чиқди.

Хислат тартиб берган баёзларда адабиёт аҳлиға таниш бўлмаган ёки адабиётшунослик илмида етарли ўрганилмаган Акмал, Зокирқори, Хаёлий, Нозим, Ноқис, Пиримқори Андижоний, Тоиб Хўқандий, Аҳмад, Ғиёсий, Қорий Хўқандий, Жалолхон Тошкандий, Ошиқ, Мунис Тошкандий, Хоиб, Сабрий Карманганий каби шоирларнинг асарларидан намуналар берилган. Шояд, келгусида адабиётшунослар Хислат баёзидан фойдаланиб, номи зикр этилган шоирларнинг ижоди хусусида тадқиқотларға қўл урса...

XX асрнинг 10-йилларида кетма-кет китоблари нашр этилган Хислат маърифат тарқатишнинг ўзига хос услуби – китоб савдоси билан шуғулланди. Фаргона водийси шаҳарларига турли мазмундаги асарларни олиб борди. Аммо китобға расм ишлашни шаккоклик деб билган Қўқон мутаассиблари уни таъқиб қилди. У Тошкентға қайтиб, Чорсу мавзесида китоб дўкони очди. "Тараннум" мажмуаси тузувчилари Хислатнинг китобдорлик фаолиятиға ҳам алоҳида эътибор қаратган.

1917 йилги Октябрь тўнтаришидан кейин ҳам, гарчи шўро матбуоти чоп этмасида, Хислат арузда ашъор битди. Шеърлари ҳофизларнинг қўшиқларига кўчиб, тўю анжуманларға файз киритди, эл аро шухрат қозонди. "Ҳажрингда, эй ёр, корим фиғондир", "Найларама боғу чаман сайрини, жонон бўлмаси", "Эй нигорим, бу на савдо айладинг" каби мумтоз қўшиқларни ҳозир ҳам санъат муҳиблари севиб тинглайди.

Долғали даврда Хислат каби "эски" зиёлиларнинг ҳаёти ҳар жиҳатдан оғир кечди. Қалам ила тирикчилик ўткази олмаган Хислат "Сельмаш" заводи, ёғоч-созлик корхонаси, босмахона ва пойафзал фабрикаси қурилишида дурадгор бўлиб ишлади. 1920 йилларда қоғозға тушган "Қўп йил қилдим шоирлик, / Ҳеч бўлмадим бир пуллик" сатрларини ҳам жафокаш шоирнинг ҳасби ҳоли ўлароқ қабул қилиш жоиз.

Сайид Ҳайбатуллоҳхўжа Хислат вафоти арафаси шўро ҳукуматиға арзно-масида бундай деб ёзган эди: "Менинг фақат ўз шеърларимгина эмас, баёзларимға кирган олтмиш саккиз шоирнинг ҳар қайсиси қачон бўлмасин, тарих саҳифасиға ўзи билан бирға мени ҳам сургаб олиб чиқади".

Не бахтки, шоирнинг башорати рўёбға чиқди!..



Ilm va hikmat

“Илм” ва “ҳикмат” тушунчаларининг исломий тадқиқинини “илм” билан “маълумот” ёхуд “билим” истилоҳлари орасидаги фарқни аниқлашдан бошлаган маъқул. “Маълумот” ёхуд “билим” тушунчалари “хабар” маъносини ифодалаб, илмнинг зоҳири – ташқи кўриниши, бир бўлаги ҳисобланади. У аслга боғланмаган ёки нечоғли боғлангани ноаён бир фаръ – бўлақдир. Илмнинг ўзи эса тизим бўлиб, уни тизимлаштирувчи омил – ҳикматдир. Демак, ҳикмат илмнинг мағзини ташкил қилади. Ҳар бир билимли киши ҳикматга муҳтожлик сезади ҳамда унинг воситида олимга айланади.

Муҳаммад Ҳаким Термизий (тахминан 820–932) илм исмда, исм эса ҳарфларда, деб таъкидлаган. Зеро, Одам (а.с.) ҳижо ҳарфлари орқали нарсаларни бир-биридан фарқлаган. Одамга (а.с.) исмларни Оллоҳ ўргатган (“Ва У Одамга исмларнинг барчасини ўргатди” – *Қуръон*, 2:31). Зеро, исмлар – борлиқнинг ишоратларидир. Парвардигорнинг Одамга (а.с.) илк ўргатгани эса Ўз исми – Оллоҳ бўлдики, бошқа ҳамма исмлар шу асл исмга таянади (*Муҳаммад Ҳаким Термизий. Илму-л-авлиё. Қоҳира, “Мактабу-л-хуррия”, 1981. 228–229-бетлар*). Исмлари ўргатилган барча нарса илм бўлиб, “барча нарса” жумласида тарқоқлик эмас, жамлаш ва боғлаш маънолари устун. Айни шу боғланиш ва жамланиш – илм, “барча нарса”ни боғловчи ва жамловчи жиҳат эса ҳикматдир. Бу қарашни Термизийнинг илм борасидаги асл тутуми дейиш мумкин. Илк ўргатилган исм Оллоҳ бўлгани илмнинг асл манбаи, хулосаси, мақсади илоҳий экани, демакки, масъулияти ҳам улуғ эканига далолат. Мағзида ана шундай ҳикмат бўлган илмгина ўрганишга муносибдир.

Ҳикматнинг илми жамловчи хусусияти ҳақида Термизий дейдики, бу (жамлаш) илмнинг ботиний ва зоҳирий йўли билан бўлиб, уларнинг бири иккинчисидан беҳожат эмас (яъни бу икки илм бир бутун, яқка ҳолда улар чала, яримдир). Чунки бу икки илмнинг бири (зоҳири) шариат баёни бўлиб, у Оллоҳ таолонинг халқ устидаги ҳужжати дир. Кейингиси эса (ботини) – ҳақиқат баёни. Қалб ва нафснинг ободлиги бу иккиси-

нинг жамланиши биландир. Дин зоҳирининг салоҳи ва тиргаги – шариат илми билан устувор. Ботинининг салоҳи ва тиргаги эса бошқа илм-ла устувор бўлиб, бу – ҳақиқат илми саналади. Ким зоҳир илми билан тақво қилса-ю, ботин илмини инкор қилса, у мунофиқ. Ким ботин илми билан тақво қилса-ю, у билан шариатни қойим қилмоқ учун зоҳир илмини ўрганмаса ва инкор қилса, у зиндиқдир (*Муҳаммад Ҳаким Термизий. Баёну-л-фарқ байна-с-садр ва-л-қалб ва-л-фуад ва-л-лубб. Қоҳира, “Марказу-л-китоб ли-н-нашр”, 2002. 37-бет*).

Олмон исломшуноси Франц Роузентал (1914–2003) “Илм тантанаси” асарида “Ҳикмат ва илм” мавзuida алоҳида боб очиб, мусулмон олимлари ҳикматга илмдан устунроқ мавқе бергани, аммо ҳикмат Қуръонда бот-бот келган илмдан ортда қолганини айтади. У бунга икки сабабни кўрсатади: 1) “илм” лафзи Қуръонда жуда кўп ишлатилган; 2) бошқа семит тилларида олдиндан “х-к-м” масдари “ҳикмат”ни билдирса-да, араб тилида у ҳуқуқий ва маъмурий-сиёсий фаолиятни ифодалаган. Бу билан у ушбу сўзнинг “ҳукм” маъносига алоҳида ишора қилади. Роузенталнинг ёзишича, Қуръонда “ҳикмат” сўзи анча ўринда “Китоб” (Қуръон) билан алоқадорликда ишлатилган. Бу эса ҳикматга илоҳий кашф маъносини юқлайди. Сўнг Роузентал Қуръондаги “ҳикмат”нинг “ҳукм” билан алоқасига, Қуръонда кейингиси олдингисининг маъносида келишига эътибор қаратади (*Қуръон*, 3:79; 6:89; 45:16). Сўнг у хулоса қиладики, “ҳукм” сўзи, гарчи у “илм” лафзи билан ёнма-ён келса-да, аммо Пайғамбарларга берилган дунёвий ҳокимиятни билдиради. Хуллас, “ҳикмат” ва “ҳукм” калималари Қуръонда етакчи ўрин тутган “илм” лафзи-ла рақобат қилолмайди, дейди Роузентал. У таъкидлайдики, “ҳикмат” ва “илм” сўзлари кўпчилик мусулмонлар учун синонимга айланди (*Абу Бакр Розий. Тиббу-р-руҳоний. Қоҳира, “Opera Philosophica”, 1939. 43-бет*). Ёки икки тушунча ўзаро фарқланса-да, аммо “ҳикмат” доим “илм”дан сўнг тилга олинган. Роузентал бунга Ҳаким Термизийнинг “Китобу-л-ҳуқуқ” асаридан (*Анқара қўлёзмаси, Исмоил Соиб I,*

№ 1571, 181-а бет) далил келтиради: Оллоҳ илми, ундан ҳикматни яратди. Ундан эса адл ва ҳақиқатни яратди (Роузентал Ф. *Торжество знания. Москва, "Наука", 1978. Стр.52-54*).

Илм, Роузенталь ҳам қайд этганидек, мусулмонларда “ҳақиқатни худди воқелиқдагидек идрок қилиш” (*Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. Тошкент, "Мавароуннаҳр", 2005. 18-бет*), яъни нарсаларни аслидагидек билиш ёки “ҳақиқий аҳвол билан тўғри келувчи жазм ва қатъий ишончдир” (*“Торжество знания”, 78-бет*). Нарсаларни аслидагидек билиш эса илми жамлашдир, яъни маълумотларни илмга жамлаш, илмга айлантиришдир. Термизий ҳам шу боис адл ва ҳақиқат илмга эмас, ҳикматга нисбат берган. Чунки илмнинг ўзи нарсаларнинг асл кўриниши, ҳикмат эса “ҳукм” масдаридан олинишига кўра ҳам, улар борасида шу тахлит ҳукм қилиш ёки шу илми лозим тарзда ишлатишдир. Ислом олимлари ҳикматни илмдан устун қўйган экан, бу – аввал илм ўрганиб, сўнг ҳикматга етишишни истисно этмайди, балки айнан шунга урғу беради.

Исломий нуқтаи назардан, илм мағзида ҳикмат ётади. Яъни илм ва ҳикмат бир-бирини тақозо қилади. Қуръоннинг ўзини ҳам ҳикматга боғлаб келтирилиши қуръоний илмнинг ҳикматга “ҳомиладор”лигини билдиради. Зеро, Қуръон, ислом ва мусулмонлар наздида, барча илми жамловчидир. (Қуръоннинг ўзида “Китобга ҳеч нарсани қўймай ёзганмиз” (6:38), дейилади. Саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади: “Агар илм истасангиз, Қуръон ифорини сочинглар. Дарҳақиқат, аввалгилару охирилари-нинг илми Қуръондадир”.). Шу боис Китоб “ҳикмат” деб номланган (*Қуръон, 54:5*).

Роузентал нега Қуръон ва Суннат билан ислом доирасида қонунийлашган “ҳикмат” истилоҳининг “ҳукм” маъносини, яна шу сўзнинг дунёвий маъноларини келтирган экан? “Ҳукм”ни (“ҳикмат”ни ҳам) бу қадар жўн шарҳлаш мазкур сўзни луғавий жиҳатдан ҳам, истилоҳий жиҳатдан ҳам беҳад торайтириш ёки умуман тушунмаслик эмасми?! “Ҳикмат” лафзининг “ҳукм” масдаридан экани рост. Аммо бу куйидаги кўринишдадир: “ҳикмат” – “ҳукм” масдаридан олинган бўлиб, у ҳақ ва ботил орасини ажратувчи ҳукмдир (*Тобарий. Жамъу-л-баён фий таъвийли-л-Қуръон. 24. Байрут, "Муассасату-р-рисола", 2000. 87-бет*). Ҳикмат ана шундай ҳукм-

нинг мағзи-масаллиғидир. “Илм” эса бу ўринда шартли тушунча сифатида ишлатилмоқда.

Аслида, Роузентал илм ва ҳикматга доир иқтибослари билан ўз фикрида илгарилаши мумкин эди. Аммо у ҳар гал иқтибосни келтиргандан сўнг уни тушунишга интилиш ўрнига бир гапни такрорлайди: барибир, илм ҳикматга қараганда етакчи мавқега эга. Масалан, у Роғиб Исфаҳонийдан (вафоти 1108) мисол келтириб айтадики, ҳикмат амалий билимлардан кўра ғоявий билимларга кўпроқ мос келади ва илмга қараганда кўпроқ фаолиятга мувофиқ. Олим тўғри тушуниши лозим эдики, ҳикмат – илмнинг ғояси. Ҳикматнинг ғояси эса (уни жамлаши ва тартиб-низомини ифодалашига кўра) маърифат саналади. Ҳикмат – илм ва маърифат орасидаги табиий кўприк. Буларнинг барчаси эса биргаликда ҳақиқатга олиб боради. Шунинг учун Роғиб, Роузентал қайд этганидек, ҳикматни маърифат деб атайди (*Роғиб Исфаҳоний. Муфрадот. Қоҳира, 1322, I, 276-бет*). Умуман, Роғиб Исфаҳоний таърифича, ҳикмат – илм ва ақл билан исобатга (мўлжалга) етиш. Оллоҳ таолодан бўлган ҳикмат – ашёлар маърифати, улар устидан ҳукм чиқара олиш қадар дақиқ билмоқ (ийжодухаа). Яъни Роузентал уни тушунишда ғалат қилган “ҳукм” аслида “ҳикмат”нинг амалий ёки моддий шаклга кўчишидир. Исфаҳоний айтганидек, ҳар бир ҳикмат – ҳукмдир, аммо ҳар бир ҳукм ҳикмат эмас (*Роғиб Исфаҳоний. Ал-Муфрадот фий ғорийбу-л-Қуръон. Байрут, "Дору-л-маърифат". 126-128-бетлар*). Яъни ҳикмат – ҳукмнинг мазмуни ва асосидир.

Роузентал яна келтирадики, Абу Али ибн Сино ҳам илми нур – чироқ дер экан, унинг мойини Худонинг ҳикмати дея атайди. Шу чироқ ёнса, сен – тириксан, у ўчса, сен – ўликсан (*Anawati G. Essai de bibliographie Avicennienne. Le Caire, 1950. 121-бет*). Агар оддийроқ ифода этсак, ҳикмат – Оллоҳнинг еру самоларда ўрнатган барча қонунилари. Илм эса уни шу тарзда ўрганиш ва билиш демак.

Масалага кенгроқ қаралса, “ҳикмат” ҳам, “маърифат” ҳам, “ҳақиқат” ҳам Исломдаги “аилму биллаҳ” тушунчасига мос келади. Бу эса, ўз навбатида, “илм”нинг инсон эришажак даража ва тушунчаларнинг (ҳикмат – маърифат – ҳақиқат) барчасида асосий ҳаракатлантирувчи куч ва нуқталарни бирлаштирувчи чизиқ сифатида иштирок этишини англатади. Шунда “ҳақиқат” ҳам том маънодаги “илм” бўлиши ва “илм” бар-

ча нарсани (билим – ҳикмат – маърифат) ўзида жамлаши маъносида ишлатилиши мумкин. Кўҳи-танглик Абу Бакр Тоҳир Абҳарийдан (ваф. 940 ёки 944) “сўрдиларки, ҳақиқат недур? Дедиким, барчаси илмдур. Дедилар: илм недур? Дедиким, барчаси ҳақиқатдур” (*Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Тошкент, “Фан”, 2001. 20 жилдлик, 17-жилд, 126-бет*). Бу – Роузенталнинг Қуръонда илм “лафзи” кўп қўлланилишига доир арифметик талқинига мантиқий изоҳ эмасми?!

Олмон исломшуноси, афсуски, санокқа кўп эътибор қаратган ва луғат билан ишлани диққатдан четда қолдирган. Ваҳоланки, у математикликка эмас, маъно, демак, ғоя тадқиқотчилигига даъво қилмоқда. Балки у ўз китоби ва тадқиқотини илмга бағишлангани учун ҳам илмнинг етакчи ўринда, олдинги сафда бўлишини хоҳлагандир. Аслида эса, етакчини топишга уринмасдан ҳам масалани ҳал қилса бўларди. Бунинг учун илм ва ҳикматнинг ўзаро алоқасини теран ўрганиш зарур эди.

Ғарб методологиясида бу борада айрим хатотиклар борлигини эътироф этмай илож йўқ. Оврупо ва Америка олимлари ўз фикрида чуқурлашса-да, аммо тадқиқ этилаётган ҳодисаларнинг маъно ва масдарида чуқурлашмайди. Бу уларнинг бошқа халқлар мафқурасига, чунончи, ислом таълимотига оид тадқиқотларида кўринади. Роузентал ҳам Қуръон ва Суннатдаги “ҳикмат” лафзи маъносида эмас, балки ўз фикрида теранлашган, холос. Луғат табиатида кўра, масдар ва ундан чиқувчи маънонинг хос талқини бўлади. Киши уни шахсий қарашларига мослаштириб ўлчаса, ҳақиқатдан юз ўгиришига тўғри келади. Тадқиқотнинг мақсади эса ўз фикрий ўлчамларига мувофиқ раъйи – қарашларида чуқурлашиш эмас, танланган объект борасида ҳар томонлама, кенг қамровда теранлашишидир.

Жўрабек ЧЎТМАТОВ,
мустақил тадқиқотчи

Millat solnomasi

Ҳаққоний тарихни яратишда архив ҳужжатларининг аҳамияти беқиёс. “Архив” истилоҳи лотинча “archivum” (“ҳукумат биноси”) сўзидан олинган бўлса-да, ушбу атама ҳозир бирмунча кенгроқ маънода қўлланилади.

Марказий Осиёда архивлар ёзув билан бир вақтда пайдо бўлган (*Алимов И. Архившунослик. Андижон, 2005. 5-бет*). Археологлар қадимги Тупроққалъа харобаларидан III–IV асрларга оид, Хоразм шоҳларига тегишли кўҳна ҳужжатларни топган. Ўтган асрнинг 30-йилларида эса Сўғд давлатининг Муғ тоғи харобаларида Деваштич архиви (VIII аср) очилган.

IX–X асрларда Бухорода архив-кутубхона фаолият юритган. Аллома Абу Али ибн Сино айна шу маънавий хазинадан насибадор бўлган (*Исакова М. Становление и развитие архивного дела в Узбекистане. Ташкент, “Университет”, 2012. Стр. 20-21*). Хоразм давлати, кейинчалик темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар даврида ҳам ҳужжатларни сақлаш, яъни архив тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви қўлёзма ва ҳужжатлар сақланадиган бой хазина саналади. Ушбу масканда XIII асрга оид вақфномалар ҳам мавжуд. Афсуски, ўрта асрларга доир ҳужжатлар сақланиб қолмаган – ўзаро урушлар оқибатида йўқ бўлиб кетган. Қўқон ва Хива хонлари ҳамда Бухоро амири қушбегисининг архиви бизгача қисман етиб келган. Хонликларга тегишли архивларнинг тарихи ўзига хосдир. Чор Русияси хонликларни босиб олганидан кейин ҳужжат ва қўлёзма манбалар Санкт-Петербургдаги Император кутубхонасига (ҳозирги Салтиков-Шчедрин номли кутубхона) олиб кетилган (*ўша асар, 36-37-бетлар*). Ярим аср мобайнида кутубхона бўлмаларида сақланган ноёб манбалар ўтган асрнинг 30-йилларида илмий муомалага киритилган. Хусусан, Хива хонлари архивини илк бор 1939 йили шарқшунос Павел Иванов тадқиқ этган. Шарқшунос олима Анна Троицкая эса 1968 йилда Қўқон хонлари архиви ҳақида маълумотнома эълон қилган. 1962 йили тарихий ҳужжатлар Ленинграддан Тошкентдаги Марказий давлат архивига олиб келинган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида, шунингдек, Туркистон генерал-губернаторлиги, шўро ҳамда мустақиллик даврига оид ҳужжат ва материаллар сақланади. Бу ердаги йиғмажилдлар сони миллиондан ошади.

Умуман, мамлакатимиздаги 103 та давлат архивида 6 миллиондан ортиқ йиғмажилдда XIII–XXI асрларга тааллуқли матн, фото, аудио ва видео шаклидаги манбалар сақланади. Қолаверса, мингга яқин идоравий архивда 1,6 миллиондан ортиқ манба мавжуд (*ўша асар, 138-бет*).

Кейинги йилларда мамлакатимизда архив соҳасига муносабат ўзгарди. “Архивлар тўғрисида”, “Архив иши тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа бир талай меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилмоқда.

Соҳа бўйича малакали кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Мамлакатимиздаги иккита олий ўқув юртида архив мутахассислари тайёрлаш йўлга қўйилди. 2007 йили Ўзбекистон Миллий университетида ушбу йўналиш бўйича магистратура очилди. Қолаверса, мамлакатимиздаги ўрта махсус таълим муассасаларида иш юритувчи, архивчи мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Турли сабабларга кўра чет элларга олиб чиқиш кетилган архив ҳужжатларини мамлака-

тимизга қайтариш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилатир. Шу мақсадда Олий Мажлис ҳузурида Ўзбекистондан четга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича махсус комиссия тузилди. Ҳозирга қадар Туркия, Миср, Германия, Италия, Франция, Англия, Ҳиндистон, Хитой, Россия каби мамлакатларда юртимиз тарихига оид архив ҳужжатлари борлиги аниқланган (*Исақова М., Иофе В. Архившунослик. Тошкент, 2007. 38-39-бет*).

Юртимизда бозор муносабатларига ўтиш ҳамда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида талай давлат корхоналари хусусийлаштирилди, мулкдорлар синфи шаклланди. Шу тариқа нодавлат саноат ҳамда қурилиш корхоналари, фермер хўжаликлари, касаба уюшмалари, хайрия жамғармалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, диний ташкилотларнинг архив ҳужжатлари негизда нодавлат архив фонди ташкил топди. Давлат ва нодавлат архив фондлари Ўзбекистон Республикаси миллий архив фондига (ЎЗР МАФ) бириктирилди.

Архив ҳужжатлари – миллат солномаси, таъбир жоиз бўлса, тарих шаҳодатномасидир. Бебаҳо битиклар миллатимизнинг ҳаққоний ва холис тарихини тиклашда бирламчи манба сифатида хизмат қилади.

Мамлакатхон ЭРГАШЕВА,
мустақил тадқиқотчи

Postmodern san'ati tadriji

Бугун ўзбек тасвирий санъатида етакчи йўналишлардан бирига айланган постмодернизм юртимизда contemporary art, яъни замонавий концептуал санъат билан бир вақтда шаклланди ва ривожланди. У модернизмдан эмас, соцреализмдан сўнг пайдо бўлгани сабаб турли услубларнинг синтезлашуви муҳитида қарор топди ва миллий мерос билан уйғунлик касб этди.

Ўзбек тасвирий санъати “contemporary art”-нинг янгича услул ва образларга асосланган

талай шакллари (перформанс, инсталляция, видеоарт, фотоарт ва бошқалар) ўзига хос тарихий-маданий негизда ўзлаштирди. Бундай ёндашув асосига, Ғарб тасвирий санъатидан фарқли ўлароқ, модернизмдан четга чиқиш ёки ундан воз кечиш қўйилмади. Постмодернизм жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга ижодкорнинг эркин муносабати, янгича тафаккур тарзини ифода этдики, бу – ўрта ва кенжа бўғинга мансуб аксар мусаввирларнинг ижтимоий-руҳий интилишларига мувофиқ эди. Пировард-нати-

жада ўзбек тасвирий санъати йўналиш ва жанрлар нуқтаи назаридан жиддий ўзгарди.

XX асрда миллий тасвирий санъатимиз ривожли рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик билан боғлиқ кечган бўлса, XXI асрда "contemporary art"ни ўзлаштириш ва унга кўникиш асосий муаммога айланди. Бундай янги парадигма сари интилиш миллий мерос ва қадриятлардан узилмаган, аънаналардан озикланган ҳолда юз берди.

Мўъжизакор медиатехнологияларга таянган мазкур йўналиш ўзбек тасвирий санъати учун буткул янгилик эди. XXI асрда ахборот-коммуникация сарҳадларининг кенгайиши, ижтимоий-фалсафий қарашларнинг янгиланиши мусаввирлардан ҳам эски эстетик қолиплардан воз кечишни тақозо этди. Ушбу зарурат боис юзага келган янги эстетика шу вақтгача хаёлга сиғдириш душвор бўлган кенг имкониятлар уфқини очди.

Рассомларимиз постмодернизмни ўзлаштириш асносида миллий ўзлик ва замонавий тараққиётни бир-бирига пайванд этдилар. Шу тариқа, бир томондан, новаторлик, иккинчи томондан, аънавийлик омухталашиб, ўзига хос постмодерн санъатни вужудга келтирди. Бугун мазкур тушунча замонавий концептуал санъат ва миллий маданий меросни ўзаро уйғунлаштириш негизда янги пластик ечим ва эстетик қирраларни намоён қилишни англатаётир.

Илк босқичда ўзбек рангтасвир усталарига собиқ шўро даврида дунё бадиий жараёнларидан узилиб қолингани бирмунча қийинчилик туғдирди. Улар Европа фалсафий концептуализми, унинг тасвирий санъатдаги инъикоси ва янги шаклий экспериментлар бўйича етарли билим ва малакага эга эмас эди. Ушбу "бегоналашув" миллий замонавий санъатнинг ривожланиши, янги сегментнинг шаклланишида яққол кўзга ташланди.

Постмодернча тамойиллар ижодий экспериментга иштиёқманд В. Ахунов, С. Тичина, Ж. Усмонов, А. Николаев, Ю. Усеинов, Ф. Аҳмадалиев, М. Фозилий, Е. Камбина сингари рассомлар асарларида XX асрнинг 90-йиллари охирида илк бор кўзга ташланди. Кейинроқ эса улар сафига Б. Исмоилов, З. Мансуров, "5+1" гуруҳи рассомлари қўшилиб, инсталляция, перфоманс, видеоарт каби жанрларда дадил ижод қилди. Ушбу рассомлар тасвирий санъатнинг

янги-янги имкониятларини намоён этди ва сира бузиб бўлмас қоидалар ҳақидаги қарашни чиппака чиқарди.

Биз номини зикр этган ҳар бир рассом айрича бадиий концепция ва ижодий услубга эга бўлган ёрқин ижодкордир. Улар йирик халқаро биенналеларда ўзбек тасвирий санъати имкониятларини кенг намоёйиш этди. Мазкур ижодкорлар асарларида миллий ва исломий қадрият ҳамда аънаваларнинг теран қатламларига янги йўллар очилди. Бу эса 90-йиллар бошидаги ижтимоий эврилишлар тўлқинида юзага қалққан миллий ва диний ўзликни англаш ва асрашдек жўшқин интилишни ўзида акс эттирди.

Ўзбек постмодернизмида кўп асрлик миллий-маънавий меросимизнинг янгича талқини муҳим ўрин тутди. Зеро, рассомларимиз ана шу кўҳна ва бой меросдан озикланмай туриб, янги санъатни барпо этиб бўлмаслигини англаб етдилар.

Ўзбекистон концептуал санъатида инсталляция, инвайромент, перфоманс, видеоарт, фотоартнинг ўзига хослиги экспериментлар оша секин-аста шаклланди. Юртимизда "contemporary art" ривожлана боргани сари Ғарб санъатининг турфа йўналиш ва тенденциялари ўзлаштирилди, бу эса ўз галида янги-янги постмодерн бадиий кашфиётлар вужудга келишига туртки берди.

Шу йўналишга мансуб рассомларимизни бугунги ҳаётнинг қайси муаммолари кўпроқ қизиқтириши ва улар ўз ижодида қайси шаклларга кўпроқ мурожаат этишига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин. Ж. Усмонов, Ф. Аҳмадалиев, М. Фозилий, Б. Исмоилов каби мусаввирлардан ташкил топган биринчи гуруҳ Ғарб андазаларига тақлид қилмади, Шарқ аънаваларини ботинан янгилади. Улар қадимги давр ва ўрта асрларда яшаган аждодларимиз тафаккурининг инъикоси бўлмиш мифологик ҳамда тасаввуфий дунёқарашларга мурожаат этиб, улар воситасида борлиқнинг абадий муаммоларига янгича жавоблар қидирди. Бу муаллифларнинг инсталляция ва инвайроментларида Осиёга хос рамз ва белгилар буткул янгича жонланди ва бош омилга айланди.

Иккинчи гуруҳга мансуб В. Ахунов, Ю. Усеинов, А. Николаев каби рассомлар ижодида эса глобал экологик таназзул, постсовет халқлари истиқболи, вестернлашувнинг салбий оқибат-

лари сингари мавзу-муаммолар етакчилик қилади. Мазкур ижодкорлар асарларида долзарб гоёвий мазмун киноявий парадоксал шаклда ифода топади.

Ўзбек постмодерн мусаввирлари кўп мурожаат этаётган жанрлардан бири – видеоартдир. Бу йўналиш бадиий концепция ифодасида видеотехника, компьютер ва телевидение имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланади. Шуни таъкидлаш жоизки, видеоарт, бошқа янги жанрлар қатори, санъатимизнинг модернизациялашувига сезиларли ҳисса қўшди. Зеро, ҳар бир халқ маданияти мунтазам янги унсурлар билан бойиб боради, бу эса ўз галида шу маданият ва у ҳақдаги тасаввурлар ўзгаришига замин ҳозирлайди.

Ўзбек видеоартининг илк лойиҳаларида этномаданий анъана ва урф-одатларнинг янги воқелик билан тўқнашуви, жамият ҳаётининг дағал ва ёввойи қиёфада тижорийлашуви каби мавзу-муаммоларга, айниқса, кенг ўрин ажратилди.

Видеоарт юзага келганига гарчи кўп бўлмаган эса-да, бугунги маданиятимизда муҳим ҳо-

диса ўлароқ эътироф топаётир. У Ғарб ва Шарқ маданиятлари чорраҳасида, замонавийлик ва анъанавийлик уйғунлигида, дадил фалсафий-эстетик эксперимент сифатида янги технология бўлиб майдонга чиқди. Ўзбек видеоартининг кашшофи бўлиб расом В. Ахунوف тарихга кирди. Бугун мазкур йўналишда ижод қилаётган мусаввирлар кўпчиликни ташкил этади.

Мавзуга эҳтирос-ла лирик ёндашув видеоарт бадииятининг муҳим қиррасидир. Унда аксар ёлғиз қахрамоннинг ички кечинмалари ва хатти-ҳаракатлари муҳрланадики, бугунги рақамли медиавоситалар бунда ҳаққонийликка эришиш учун ҳар қанча имконият беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, Ўзбекистонда янги технологиялар санъати ўзига хос динамика ва мантиқ асосида ривожланмоқда. Унинг ўзига хослиги эса икки муҳим белги – замонавийлик ва миллийликда кўринади.

Дилдора УМАРОВА,

ТАТУнинг телестудия тизимлари ва иловалари кафедраси ассистенти

Ойнаи jahon va ijtimoiy fikr

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти шу қадар муҳимки, ким уни назорат қилса, маълум даражада мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини ҳам бошқариш имконига эга бўлади. Худди шундай, замонавий ахборот тизими ҳам инсон маънавий-маданий, эстетик-ахлоқий шаклланиши ва ривожланишида асосий омиллардан бирига айланди. Ҳаётнинг барча соҳаларида ахборот ҳал қилувчи ресурс бўлиб қолди.

XX асрнинг иккинчи яримидан дунёда ижтимоий-маданий стереотиплар инсон онги, тафаккури, дунёқараши шаклланишига кучли таъсир кўрсата бошлади. Стереотипларнинг шаклланиши ва ривожланишида ОАВ асосий роль ўйнади. Айниқса, ТВ турли ижтимоий-маданий стереотипларни кенг оммага тарғиб қилиш ва уларнинг инсон онгида шаклланишида муҳим омил ҳисобланади. Айнан стереотипларнинг

умумжаҳон миқёсида кенг кўламда тарқалиши ОАВ, айниқса, телевидениенинг глобаллашувида тамал тоши бўлди.

“Стереотип” тушунчасини америкалик таълиқ журналист-олим Уолтер Липпман илк мартаба илмий муомалага киритган. У “Жамоат фикри” китобида стереотипнинг инсон онгига таъсири ҳақида бундай ёзади: “Дунёни стереотиплар воситасида тўлиқ англаш балки мумкин эмасдир. Аммо биз тасаввуримизда яратилган дунёга ишонамиз ва у шундайлигича онгимизда муҳрланиб қолади. Дунёни биз стереотиплар орқали қабул қиламиз” (Липпман У. *Общественное мнение. Москва, 2004. Стр.108*). Липпманнинг фикрида жон бор. Дейлик, яқин ўтмишда дунёда мавжуд бўлган икки сиёсий тузум – капитализм ва социализм ўз давлат тузилиши, вазифаю мақсадларидан келиб чиқиб, дунё ҳамжамияти учун турли стереотиплар яратган.

Айнан шу стереотиплар орқали оммани ўз ғоялари сари даъват этган. Бу мавзуда тадқиқот олиб борган кўплаб олимлар стереотиплар асосан ОАВ орқали оммага сингдирилишини таъкидлайди. Телевидение эса тезкорлиги боис стереотипларни бошқа соҳаларга қараганда кўпроқ ўзлаштиради. Ижтимоий-маданий стереотипни шакллантирувчи субъектлар, ижтимоий гуруҳнинг мақсад ва вазифасига кўра, салбий ёки ижобий ҳис-туйғу уйғотишни кўзда тутлади. ОАВ стереотиплар орқали жамоатчилик фикрини исталган томонга йўналтириши мумкин.

Телевидениенинг глобаллашувида стереотиплар билан бир қаторда мифлар (афсона, уйдирма) ҳам муҳим ўрин тутлади. Мифлар ҳам худди стереотиплар сингари муайян медиа корпорация, холдинглар томонидан яратилади ва ОАВ орқали тарғиб қилинади. Томошабин хабарлар орқали дунё миқёсидаги янгилıklarдан бохабар бўлса, турли бадиий-маданий дастурлар уларда ранг-баранг ҳис-туйғулар уйғотади. Экранда намоиш этилаётган барча телемаҳсулотлар, ҳатто сўнги йилларда тобора оммалашиб бораётган сериаллар ҳам мифлашган бўлиб, давлат сиёсий-ижтимоий позициясидан келиб чиқиб эфирга тарқатилади. Яъни мифлар ҳам стереотиплар сингари – “ижтимоий фикр”ни манипуляция қилиш, қайсидир томонга йўналтириш, жамиятда ўзига мос ва хос ўрин эгаллашда яна бир қулай воситадир. Давлатимиз мустақиллиги арафасида чоп этилган “Кино ва телевидение оламида” мақолалар тўпламида совет ОАВдаги стереотиплар ҳақида сўз боради: “Телевидение ёрдамида маданиятимиз ютуқларини пропаганда қилиш муҳимлиги маълум. Пропаганда тайёр санъат асарларини оммага ёйишнигина эмас, жамоатчилик фикрининг шаклланишига ёрдам беришни ҳам кўзда тутди. Е.Марвинский кичик экран қонуниятлари талаб этган йўл билан буюк Д.Шостаковичнинг симфониясини таҳлил қилгани, сўнгра уни ижро этганини эсланг! Санъаткор совет кишиларининг баҳодирлиги, матонати, яратувчилик қобилиятини тараннум этган композиторнинг ижодий фаолияти сирларини профессионал таҳлил билан очиб берди” (Акбаров Х. *Кино ва телевидение оламида. Мақолалар. Тошкент, 1991. 61-бет*). Иқтибосдан кўрииб турибдики, “совет кишиларининг баҳодирлиги, матонати, яратувчилик қобилияти” сўзлари айнан социалис-

тик тузумнинг стереотипларидир. Яъни “совет фуқаролари дунёдаги энг яхши инсонлардир” деган фикр илгари сурилган. Худди шундай мисолларни капиталистик тузумнинг ОАВда ҳам учратиш мумкин, уларда ҳам ўз ғояларини куйловчи стереотипларга гувоҳ бўласиз.

Телевидение орқали томошабинга таъсир кўрсатиш, онги ва ҳис-туйғуларини бошқаришнинг яна бир қанча воситалари мавжуд. Мисол учун, “имиж” (образ, қиёфа) тушунчаси ҳам эътиборга лойиқ. Имиж – томошабинга керакли ғояни сингдиришда муҳим ўрин тутлади. Ҳар бир телеканал, дастуру бошловчининг ўзига хос имижи бўлиши талаб қилинади. Айнан шу имижга қараб жамоатчилик телеканаллар, дастурлар ва бошловчиларга муносабат билдиради. “Имиж” тушунчасини қайсидир маънода услуб ҳам дейиш мумкин, чунки ҳозирда бирон бир телеканал, дастур ёки бошловчига баҳо беришда айнан имиж ҳал қилувчи роль ўйнайди. 1930-50-йилларда АҚШда илк маротаба кенг оммага таъсир кўрсатиш мақсадида бу методдан реклама ва кинобизнес соҳасида кенг фойдаланилган. Ҳозиргача Ҳолливудда ўша йиллари кашф этилган “киноюлдузлар системаси” имижи сақланиб қолган.

Имиж нафақат инсонлар, жамиятдаги турли объектларга нисбатан ҳам қўлланади. ОАВ яратган ва тарғиб қилган бирон бир ташкилот ёки давлат имижини жамоатчилик шу имиж яратувчисининг режаси, хоҳишига биноан қабул қилади. Масалан, тоталитар давлатларда “душман” ёки “дўст” томонлар аниқ қилиб белгиланади. Давлат аппарати назорати остида мафкуравий ташкилотларда керакли стереотип, миф ҳамда имижлар яратилади ва ОАВ, биринчи навбатда, телевидение орқали мунтазам такрорланиб, халқ онгига сингдирилади. Кўп ҳолларда стереотиплар, мифлар ва имижлар қандайдир ғоя, мафкурани тарғиб қилиш, жамоатчилик онгини бошқариш ва назорат этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, телевидение XXI асрга келиб, ахборот тарқатишнинг бош омили бўлибгина қолмай, жамиятнинг ривожланишида кучли қуролга айланди. У маданият ва фан йўналишида маърифат тарқатади, ижтимоий-сиёсий жараёнларда асосий роль ўйнаб, маълум бир кучлар учун тарғибот воситасини ҳам бажаради. Лекин телевидениенинг асосий вазифаси – ин-

сонларнинг ижтимоий ҳаракати, ахлоқи, келажакка бўлган ишонч ва интилишини тартибга солиш, бошқаришдан иборат бўлиб қолди. Тўғри, ОАВнинг бошқа турлари ҳам бу вазифаларни кўнгилдагидек бажариши мумкин, лекин барибир телевидениенинг афзал томонлари кўпроқ. Телевидение аудиторияси кенглиги, тезкорлиги, мавзу, муаммони чуқур таҳлил қилиш ва томошабинни ўзига жалб этиб, қизиқтиришда етакчи ҳисобланади. Яна бир муҳим омил – телевидение “қайноқ” воқеаларни юз бераётган жойидан тўғридан-тўғри эфирга узатиш ва телеканал форматидан келиб чиқиб, бу воқеаларни керакли йўналишда шарҳлаш имкониятига эга.

Телевидение бир вақтнинг ўзида яхлит ахборот маконига эга бўлиб, миллионлаб инсонлар диққатини ўзига жалб этган ҳолда, маълум бир мафкура, ғояни тарғиб қилиши мумкин. Дунёда рўй бераётган муҳим воқеаларни ҳар бир мам-

лакат телевидениеси ўз сиёсий-иқтисодий, маънавий-маданий тушунча ва вазифаларига кўра баҳолайди. Агар бу муҳим воқеа давлат сиёсатига зид бўлса, уни танқидий нуқтаи назардан кўрсатиши ёки умуман намойиш қилмаслиги, ёритмаслиги ҳам мумкин. Бинобарин, глобаллашув, қайсидир маънода жаҳон миқёсидаги янгиликлар, хабарларни аҳолига етказишда ижобий ўрин тутиши билан бирга, маълум маънода миллий кадриятларга путур етказиши ҳам сир эмас.

Хуллас, ҳозир дунёда турли соҳаларда технологиялар янгиланиб, кун сайин ривож топмоқда. Бу техник тараққиёт ОАВга ижобий таъсир қилмай қолмайди. Демак, яқин келажакда телевидениенинг баъзи бир хусусиятлари янги-ча кўриниш касб этиши шубҳасиз.

Ойбек ВЕЙСАЛ ўғли,
санъатшунослик фанлари номзоди

“Zamona shumligin bilmoq lozim”

Ўзбек заминида азалдан косиб ва хунармандлар устахоналари, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос амалий хунармандлик марказлари бўлган. Қўқон, Марғилон, Чуст, Гиждувон, Қарши, Ургут ва Бойсун хунармандлик марказлари доврўқ таратган. Хусусан, тўқимачилик қадим аънаналарга эга. Маҳаллий матолар сифати ва арзонлиги, энг муҳими пишиқлиги боис Европа бозорларида ҳам харидоргир эди. Шу боис ўлканинг хориж билан савдо-сотигининг асосий қисмини матолар ташкил этарди. Аммо XIX аср охири – XX аср бошларига келиб саноат тараққий этиши, техника, дастгоҳ ва машиналар пайдо бўлиши билан ўлкамизда авлоддан-авлодга ўтиб келган хунармандлик аънаналари бирмунча сусайди. Дейлик, кенг тарқалган тўқимачилик хунари касодга юз тутди. Ўлкага рус газламалари кўплаб келтирила бошлаши билан маҳаллий газламалар рақобатга бардош беролмай, ички ва ташқи бозордан сиқиб чиқарилди. Қўлда тўқилган мато сифатли, пишиқ эса-да, эндиликда аҳоли эҳтиёжини тўлиқ қоплай олмаслиги аён бўлиб

қолди. Якка қўл меҳнати, техниканинг паст даражаси ҳам иш унумига салбий таъсир этарди. Маҳмудхўжа Беҳбудий бу ҳақида куйинчакликлик билан бундай ёзган: “Бизда шоҳи, адрас, беқасам, олачабофликлар бор, агарда бир нафар техник ва муҳандисимиз бўлса, бу дастгоҳларни ислоҳ этар, аҳоли обод бўлур ва илло яқинда (хоса дока) бофиларимиздек зое бўлуб кетур. Чунки Оврупо янги асбоб ила мундин яхши қилиб чиқарурлар. 30 сана муқаддам Самарқандни Ёмини маҳалласинда 300 олачабоф ишчи бор эди. Алон 30 нафар йўқ, 10 сана сўнгра тамоман маҳв бўлур. Хулоса, мактабимиз, дўконимиз, корхонамиз, мадрасамиз ва ҳар нимарсамизни замонча ислоҳи лозимдур. Валлоҳ, ҳар нимарса қўлдан кетар, бизда муздурликдан бошқа ҳеч иш қолмас. Бир ускуна, дўкон ва саройни ишлатмоға ҳам илми замоний ва замона шумлигини билмоқ лозим. Валлоҳ, биздан дунё илмини яхши билатургонларга мулк ва асбобимиз ўтар ва ўтуб турубдур” (Беҳбудий М. *Эҳтиёжи миллат*. “Самарқанд” газетаси, 1913 йил 12 июль). Яна бир маъри-

фатпарвар Абдурауф Фитрат қўл меҳнатига асосланган майда ишлаб чиқариш машаққатли меҳнатни энгиллаштирадиган, махсулот қийматини арзонлаштирадиган машинали ишлаб чиқариш билан рақобатлаша олмаслигини айтиди: "Агар туркистонлик хунармандлар овруполиклар сингари қўл меҳнатига асосланган корхоналарини доимий фабрикаларга айлантирмас эканлар, бир неча йилдан кейин уларнинг шарафли санъатидан ном-нишон қолмайди" (*Фитрат А. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент, "Маънавият", 2000. 143-бет*). У маҳаллий усталарни замонавий технологияни ўзлаштириш ва ундан унумли фойдаланишга ундайди. Туркистонлик хунармандларнинг анъанавий молларини европаликлар фабрикаларда ҳам бежирим, ҳам сифатли қилиб ишлаб, ўлка бозорларини тўлдириб ташлайди. Табиийки, харидорлар уларнинг сифатли молларини сотиб ола бошлайди. Натижада Туркистон хунармандлари инқирозга юз тутди. Бу ҳақда Чўлпон ҳам куйиниб ёзади: "Ҳар куни газеталарда "Фалоний синди", "Фалонийни вексели протест бўлди, дўкони печатланди" деганга ўхшаш қўрқинчли хабарларни ўқиб эшитмоқда ва кўриб билмоқда бўлсак ҳам, аммо ибратланмаймиз. Сабабини ҳеч текширмаймиз. Ёлғиз "бозор касод" деб ўта берамиз. Аммо бозорни касодлиғига нима сабаб эканлигини текширмаймиз".

Хориж техника-технологияси, сармоя ва тажрибасини жалб этиш миллий тараққиёт омили эканини англаган жадидлар миллат ҳаёти ва турмуш тарзига кириб келаётган янгиликларга бефарқ бўлмай, фойдали жиҳатларини ўзлаштириш, ёмонларидан воз кечмоқ лозимлигини таъкидлаган. Ёшларни замонавий мактабларда, илғор мамлакатларда ўқитиш, олий мактаб ва мадрасалар очиш, хунармандликни замонавий асосда ривожлантириш, ўлка табиий жуғрофиясини ҳисобга олган ҳолда завод ва фабрикалар қуриш, халқнинг техникавий маданияти ва билимини юксалтириш каби масалаларни муҳим деб билган. Миллат тараққиётида аввало матбуотнинг аҳамияти катталигини англаб етиб, турли йўналишдаги нашрларни кўпайтиришга ҳаракат қилган. Узоқни кўра билган жадидлар маориф, санъат билан бир қаторда матбуот, унинг қиёфаси, дизайни масалаларига ҳам эътибор берган. "Ойина" журнаliga

ёзган мақоласида Беҳбудий "Ойинага муқтадир муҳаррир ва ҳар тарафдан мухбирлар даъват қилинди. Тили аввалгидек туркий ва форсий назм бўлиб, мундарижати илмий, адабий, сиёсий, фанний ва тарихий мақолалардан, вуқуот ва ахбори ҳафтадан, киноя ва мудоҳақадан иборат ва тасвирлик бўлур. Тадрижи мукаммалият, нафосат ва интизомига диққат қилинур" дейди (*Беҳбудий М. Баёни ҳол. "Ойина", Самарқанд, 1913, 2-сон, 2–4-бетлар*). У "тасвирлик бўлур" деганда журнал дизайнининг ўзига хос хусусияти – суратли-безаклиликни, "тадрижи мукаммалият, нафосат ва интизомига диққат қилинур" деганда нашрда уйғунлик, мутаносиблик, нафосат каби эстетик қонуниятларга риоя этилишини назарда тутган. Техник имкониятлар деярли бўлмаган мураккаб бир шароитда ҳам миллат фидойилари нашрлар дизайнига-да эътибор бериб, бор куч ва имкониятларини ишга солиб уни такомиллаштиришга ҳаракат қилган. Тадқиқотчи Зиё Саид XX аср бошларида чоп этилган газета ва журналлар ҳақида фикр юритатуриб, матбуот тури, нашр қилиш даврийлигидан тортиб "имло-иншоси" ва таҳрири, адади, қоғози, техникаси, дизайнига ҳам муносабат билдиради. Инқилобгача чиққан газета-журналларни таҳлил этар экан, техник безаги, қоғози хусусида ҳам тўхталади. Масалан "Ер юзи" журнаli ҳақида бундай дейди: "Ер юзи" ўн беш кунда бир чиқадиган расмли (суратли) журнал. "Ер юзи"нинг расмли ва чиройли бир журнал бўлиши сифати билан техника жиҳатига айрим аҳамият бермоққа тўғри келади. "Ер юзи" икки-уч сонидан кейин ўзини кўримли қилишга эришди. Расмлари ҳам Масков журналларининг маҳсулидан паст эмас, балки бирмунчаларидан юқори" (*Зиё Саид. Танланган асарлар. Тошкент, Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. 13-бет*).

XX аср бошида ўлкамизда дизайннинг бир қанча тури ривожланган. Айниқса, меъморий дизайн, масжид ва мадрасалар, уй-жойларга эътибор қаратилган. Уй-жой қурилишида ҳам ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос анъанаси бўлса-да, умумий меъморчилик типи сақланган. Иморатлар асосан пишиқ гиштдан қурилиб, деворларига ганчдан нақш ишланган. Кўп уйларнинг дарвозаси ёки эшигига ўйма нақш берилган. Бухоро ва Хивада ҳовли эшигига ҳалқасимон болдоқ осилган. Хоналарда тўртбурчак ёки гум-

баз шаклида тоқчалар бўлган. Ўзига тўқ кишиларнинг уйлари нозик ва жимжимадор нақшлар билан безатилган. Бухорода деворлар ганч билан сувалиб, ўйма нақшлар ишланган, рангли гуллар чизилган. Фарғона ва Тошкентда уй деворлари текис, шифтга ҳар хил рангда гул солиб безаш урф бўлган. Ўймакорлик, рангли расм солиш Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда, эшик, дарвоза ва устунларга ўйма нақш бериш Хоразмда кенг тарқалган.

Тураржой интерьеридида тарихий, ижтимоий, иқтисодий, табиий-иқлимий омиллар муҳим ўрин тутди. XIX-XX асрларда бунёд этилган тураржойларда бу омил ҳисобга олинганини кузатиш мумкин. Ўзбек хонадони меъморий дизайнининг ўзига хослиги ҳовлининг ички ва ташқига бўлинганида акс этган. Ичкари ҳовли аёллар ва болаларга, ташқи ҳовли эркаклар ва меҳмонларга мўлжалланган. Меъморий дизайн соҳасида, айниқса, Беҳбудийнинг қарашлари-

ни алоҳида таъкидлаш лозим. У саёҳатлари давомида ҳар бир мамлакатнинг шаҳарсозлик, меъморчилигига эътибор қаратган. Унинг Дамашқдаги Умавийяа жоме масжиди ёки Шердор мадрасасига оид таърифини ўқир экансиз, меъморий санъат билимдони эканига-да тан бермай иложингиз йўқ.

Жадидлар дизайнни миллий анъаналар ва замонавий технологиялар асосида ривожлантириш, миллий хунармандликни тараққий эттириш миллий иқтисодийетни тиклаш ва такомиллаштириш омилларидан бири эканини англаб етган ва матбуот орқали халққа етказишга ҳаракат қилган. Уларнинг бу борадаги қарашлари замонавий миллий дизайн назарияси ва амалиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Насиба АБДУЛЛАЕВА,

*ЎзМУ катта илмий ходим-изланувчиси,
фалсафа фанлари номзоди*

Buxoro jadidlari: islohot va tanazzul

Бухородаги ислохотчилик ҳаракати Овруподаги илгор ғоялар таъсирида XX аср бошларида вужудга келди. Тараққийпарвар миллий зиёлилар Россияга мустамлака бўлган бу ўлканинг умумжаҳон тараққийетидан тобора ортда қолаётгани, иқтисодий, диний, маънавий соҳада юзага келган тургунликни англаб, кенг кўламли ислохот йўлида кураш бошлади.

Бухородаги ислохотчилик ҳаракати мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Кўҳна заминда жадидчиликнинг вужудга келишида XX аср бошларида Россия, Эрон, Туркияда кечган инқилобий ҳаракатлар, амирликдаги маърифатпарварларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти муҳим аҳамият касб этган (*Жадидчилик: ислохот, янгилаиш, мустақиллик ва тараққийет учун кураш. Тошкент, "Университет", 1999. 58-бет*).

Файзулла Хўжаев Бухородаги жадидчиликнинг Туркистондаги ислохотчилик ҳаракатидан фарқли жиҳатларига эътибор қаратиб бундай ёзади: "Бухорода ҳаракат бошқа йўл билан бор-

ди. Бухоро жадидчилиги деҳқонлар ва майда савдогарларга тушадурган солиқ оғирлиқларини енгил қилиш ҳам солиқ ишларини умумий тартибга солиш тўғрисида очилган гапдан бошлаб, тадрижий суръатда кўп аъзолар, шўьбалар ва Бухоро халқининг ҳар хил табақалари орасидаги ўзига хайрихоҳ омма билан бирга ҳақиқий бир яширин жамиятга айлана борди" (*Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. Тошкент, "Фан", 1997. 63-бет*).

Кейинчалик бу ҳаракатга мактаб ва мадрасаларни ислох қилиш, дунёвий фанларни ўқитишга эътиборни кучайтириш каби маърифатпарварлик ғоялари билан чиққан айрим ҳукумат амалдорлари, маҳаллий бойлар, савдогарлар, уламолар, мударрислар ва талабалар қўшилди. Улар сафида Аҳмадҷон Ҳамдий, Абдувоҳид Мунзим, Ҳамидхўжа Меҳрий, Садриддин Айний, Хожа Рофеъ, Мукамал Бурҳон, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Атохўжа кабилар бўлган.

1908 йил октябрда Абдувоҳид Мунзим ўз уйида тожик тилида дарс берувчи илк усули жадид

мактабини очади. Бир йилдан сўнг ушбу мактаб ўқувчилари тантанали суръатда имтиҳон топширади. Ўқувчиларнинг билимидан таъсирланган кекса зиёли Бўрибой афанди кўзига ёш олиб, мажлис аҳлига бундай мурожаат қилади: “Мен умидворманки, ўн йилгача Бухорода инқилоб воқеъ бўлур, ватан авлоди бу куни разолат ва сафолатдан қутулур, эсизки, у кунни мен кўра олмаيمان, сиз ёшлар кўрасиз. Минг қатла шукурим, ишнинг бошланганини кўрдим” (*Айний С. Асарлар. 8 томлик. 1-том, Тошкент, “ЎзССР давлат Бадиий адабиёт нашриёти”, 1963. 210-бет*).

Аммо бу хайрли иш эски тартиб тарафдори бўлган “қадимчилар” қаршилигига учради. Мулла Қамар, Мулла Холмурод, Мулла Абдурасул Зақун ва Мулла Абдурауф мударрис, уламолар вакили сифатида, қушбегида мактабни ёпишни қатъий талаб қилди.

Мактаб ёпиб қўйилса-да, жадидларнинг ғайрати заррача сусаймади. 1909 йил декабрда Садриддин Айний, Абдувоҳид Мунзим, Аҳмаджон Ҳамдий, Ҳамидхўжа Меҳрий, Ҳожи Рофеъ, Мукамал Бурҳоновлар “Тарбияи атфол” жамиятини тузади. Маърифатпарварлар яшрин иш олиб бориб, Термиз, Карки, Янги Бухоро ва Ғиждувонда жамиятнинг 28 та шахобчасини очдилар. Жамият ўз фаолияти давомида: 1) илмга ташна ёшларга иқтисодий ва маънавий ёрдам кўрсатиб, уларни Россия ҳамда Туркияда ўқитишга алоҳида эътибор қаратди; 2) Россиянинг мусулмон шахарларида, Туркия ва Эронда чикувчи матбуот нашрлари билан бухороликларни таништиришга ҳаракат қилди; 3) ўринсиз сарф-харажатлар, тўй ва маъракалардаги исрофгарчиликларга қарши курашди; 4) амалдорлар, уламоларнинг золимлиги, юлғичлигини халққа тушунтириб, бу ишлар шариатга тамоман зидлигини ақлий ва нақлий далиллар билан исботлаб борди (*ўша асар, 234-235-бетлар*).

Ушбу жамият Бухорода илк бор усули жадид мактабларини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминловчи “Маърифат” ширкатини очди. Жамият қисқа фурсат бўлса-да, ўзбек тилида “Турон”, “Бухорои шариф” газеталарини чиқаришга муваффақ бўлди, бу нашрлар бутун Туркистон ўлкасида эътибор қозонди.

1914 йил қадимчиларнинг уриниши билан Бухорода иккинчи марта жадид мактаблари ёпилди. “Садои Туркистон” газетасининг 11 июль сонида Музофир имзоси остида чоп этил-

ган “Бухоро халқи” номли мақолада бу ҳақда атрофлича маълумот берилган.

1915 йилга келиб ҳукумат ва қадимчиларнинг доимий қаршилигида фаолият юритган Бухоро жадидчилиқ ҳаракати шиддат билан ривожланиб, сиёсийлаша бошлади. Жадидлар нафақат маданий ислоҳот, балки давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, қонунчилик, савдо-сотиқ, қишлоқ хўжалиги ва солиқларни тартибга солиш талаби билан чиқдилар.

1917 йил мартда Ёш бухороликларнинг Марказий кўмитаси ташкил қилинди. Абдувоҳид Бурҳонов кўмита раиси, Абдурауф Фитрат котиб, Усмон Хўжаев хазиначи, Муҳиддин Рафъат, Мусо Саиджонов, Ота Хўжаев, Аҳмаджон Абдусаидов, Файзулла Хўжаев ва Ҳомидхўжалар кўмита аъзолари этиб сайланади (*“Бухоро инқилоби тарихига материаллар”, 82-бет*). Улар Муваққат ҳукумат ва Петрограддаги ишчи, аскар депутатлари ҳукуматини Россия озодлиги билан табриклаб, Бухорода ислоҳотлар учун амирга босим ўтказишини сўрайди. Аммо бу ҳаракатлар зое кетади.

Шундан сўнг Ф. Хўжаев Абдурауф Фитрат ва Усмон Хўжаевни Муваққат ҳукуматни Бухородаги аҳволдан хабардор қилиш учун Петроградга жўнатади (*Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. Ташкент, УзГиз, 1926. Стр.19*). Оренбургга етиб борган элчилар, жадидлар ва амир ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун Бухорога Россиядан вакиллар юборилганини эшитиб, ортага қайтадилар.

Ниҳоят, амир ислоҳот ўтказишга қарор қилди. Бироқ қадимчи етакчилардан Низомиддин Урганжий ва қозикалон Бурҳониддинлар қарши чиқади. Амир Олимхон ва Насрулло қушбеги ушбу масалада Ёшлар фирқаси вакиллари Мирза Муҳиддин ва эски тараққийпарвар Ҳожи Мустафоқул билан маслаҳатлашганида ҳар иккиси ҳам демократик ислоҳотларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлайди (*Айний С. Асарлар. 8 томлик. 1-том. Тошкент, “ЎзССР давлат Бадиий адабиёт нашриёти”, 1963. 271-бет*).

Амирнинг манифест лойиҳасини Россиянинг амирликдаги вакили муовини Шульга тайёрлаган бўлиб, унда тараққийпарвар муллалар, ёшлар ва жамиятнинг бошқа тоифаларидаги очиқ фикрли кишилардан Мажлис таъсис этиш, ушбу мажлис ҳукуматнинг харажат ва даромадларини ҳисобга олиши, ҳокимларни назорат

қилиши, ер-мулк солиғи миқдорини белгилаши, давлат даромадининг бир қисми моддий ва маънавий таъминотга сарф қилиниши каби бандлар қиритилган эди (*Ўша асар, 275-бет*).

1917 йил 7 апрель куни Амир Олимхон ислохотлар хусусидаги фармонни имзолади. Фармонда хирож, закот ва бошқа солиқларни адолат асосида тартибга солиш; Россия билан савдога алоҳида эътибор бериш; амалдорлар устидан назорат ўрнатиш; фойдали илмларнинг тараққий этиши учун шариятга мувофиқ чора-тадбирлар кўриш; мажлис сайлаш; давлат хазинасини таъсис қилиш ва амирлик бюджетини белгилаш; босмахона очиш; қамоқда сақланаётганларни озод қилиш кўзда тутилган эди (*МДА, 2-рўйхат, И-3 фонд, 513-ҳужжат, 42-варақ*).

Фармонни қутлаб, шаҳар кўчаларида жадидлар бошчилигида тинч намоишлар ўтказила-

ди. Айна чоқда, қарши кучлар ҳаракатга келиб, жадидларни танқид қилади. Натижада амирнинг буйруғи билан жадидлар қамоққа олина бошлайди. Аксар жадидлар Янги Бухорога қочиб, жон сақлайди.

1918 йили Бухоро жадидлари иккинчи марта қиргинга учради. Амир 1500 жадидни ўлдириб, қолганларини таъқиб этади. Маърифатпарварлар бу сафар Самарқанд ва Тошкентга бориб ўрнашади.

Доимий таъқиб остида бўлса-да, ислохотчилик ҳаракати вакиллари ўз фаолиятини тўхтатмади. Ватан озодлиги, маърифат ва тараққиёт учун кураш кейин ҳам давом этди.

Дилноза ЖАМОЛОВА,

Когон қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Dehqonlarga qarshi... "salib yurishi"

Россияда 1917 йил февраль ва октябрда юз берган инқилоблардан сўнг большевиклар ҳокимиятни эгаллаб олди. Ушбу ҳодиса Туркистондаги сиёсий жараёнларга ҳам кучли таъсир этди. Ўша йилнинг ноябрида аввал Тошкентда, сўнгра бошқа йирик шаҳарларда мажбурий равишда совет ҳокимияти ўрнатилди.

Туркистон Халқ Комиссарлари Совети 1917 йил 28 ноябрда ўлкада қизил гвардия бўлинмалари тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу бўлинмалар аксилшўро ҳаракатларини бостиришда "жонбозлик" кўрсатди. 1918 йили ўлкада қизил армия қисмлари, фавқулдда комиссия органлари ва инқилобий трибуналлар ташкил этилди. Пролетариат диктатурасининг бу жазо органлари ўлкада эркин фикр ва озодлик ҳаракатини бўғишга хизмат қилди (*Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Ташкент, "Шарқ", 2000. Стр.79-80*).

Большевиклар илгари сурган синфий кураш, пролетар инқилоби, бойларнинг мол-мулкни тортиб олиш, "адолатли социалистик жамият" барпо этиш гоёлари маҳаллий аҳолига

бегона эди. Айниқса, большевиклар тарғиб қилган даҳрийлик гоёси мусулмонларда кескин норозилик уйғотди. Туркистоннинг таниқли давлат арбобларидан бири Абдулла Раҳимбоев бу борада қуйидаги фикрни билдирган эди: "Мусулмон аҳолиси ҳар қандай янгиликдан қўрқар, социалистик инқилоб тамойиллари унга тушунарсиз эди, чунки европалик аҳоли ўйлаб топган бу гоёлар шубҳали эди. Мусулмон камбағаллари инқилоб вақтида ўзларини янгиликларга ғазабу нафрат билан қарашга мажбур этган "рус халоскорлиги"нинг тугашини сабрсизлик билан кутар эди" (*МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 40-иш, 14-19-варақлар*).

Бу даврда Туркистон ўлкаси Биринчи жаҳон уруши ва Октябрь тўнтариши оқибатида юзага келган вайронагарчилик ва қаҳатчиликни бошдан кечираётган эди. 1917 йилда экин майдонлари 3,5 млн десятинадан (*бир десятина – 1,09 гектар*) 2,3 млн десятинага тушиб қолди. Қишлоқ хўжалиги таназзули 1917 йилги қурғоқчилик боис янада кучайди. Ўша йили бутун Туркистонда бор-йўғи 52 млн пуд (*бир пуд – 16,38 килограмм*) ғалла йиғиб олинди, ҳолбуки,

ғаллага бўлган эҳтиёж 111 млн пудни ташкил этарди. Оқибатда ўлкада очарчилик бошланди. 1918 йил охирига келиб Туркистонда 2 млн киши очарчиликка дучор бўлди (МДА, 35-фонд, 4-рўйхат, 32-иш, 65-66-варақлар). Шаҳарларда нон бериш нормаси киши бошига кунига 50 граммга қисқарди.

Вайронагарчилик саноатни ҳам четлаб ўтмади. Саноатнинг етакчи тармоғи бўлган пахта тозалаш саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 1917 йилда 1915 йилга нисбатан икки баробардан кўпроққа қисқарди (*Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент, "Шарқ", 2000. 102-бет*).

РСФСР раҳбарияти 1917 йил ноябрь – 1918 йил январда имзолаган "Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси", "Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига", "Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси" каби расмий ҳужжатларда империя ҳудудидаги барча халқларга ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш "ҳуқуқ"и расман берилган эди. Аммо тез фурсатда ушбу ҳужжатлар кўзбўямачилик учун қабул қилингани маълум бўлди. Шўро "дохий"лари дастлабки кезларданок Туркистон халқларини асоратда сақлаш, уларнинг гарданига мустамлакачиликнинг янги бўйинтуруғини солишга уринди.

Совет ҳокимияти мамлакатдаги озиқ-овқат танглигидан ҳам ўз мақсади йўлида фойдаланишга уринди. 1918 йил 11 июнда Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси "Озиқ-овқат директорияси ҳақида низом" қабул қилди. Низомга мувофиқ, Туркистон АССРда озиқ-овқат диктатураси ўрнатилди. 1918 йил 2 августдан эса ер эгаларига давлат фойдасига белгиланган нархлар бўйича 1-4 десятина майдондан 4 пуд, 10-15 десятинадан 6 пуддан ғалла ажратиш мажбурияти юкланди (МДА, 31-фонд, 1-рўйхат, 82-иш, 45-варақ).

1919 йили большевиклар озиқ-овқат ресурслари юзасидан янада кескин чоралар кўра бошлади. Ўша йилнинг бошида РСФСР ХКС озиқ-овқат развёрсткаси тўғрисида декрет қабул қилди. Шу тарихда деҳқонлар ихтиёридаги ортиқча ғалла ҳам "сотиб" олинандиган бўлди. Озиқ-овқат развёрсткаси армия ва ишчилар синфи манфатлари йўлида жорий этилганди. 1920 йил ёзда мамлакат умумий истеъмолидан қизил армияга 25 фоиз ун, 50 фоиз ёрма, 60 фоиз балиқ ва

гўшт, 40 фоиз ёғ ва 100 фоиз тамаки ажратилган эди (*Гладков И. Очерки советской экономики 1917–1920 гг. Москва, 1956. Стр. 354*).

1919 йил июнда Туркистон АССР МИК ҳам ғалла монополияси ҳақида декрет қабул қилди. Ўлка озиқ-овқат комиссарига бу борада фавқулудда ваколатлар берилди. Архив ҳужжатларига кўра, узоқни ўйламай ўтказилган сиёсат оқибатида қишлоқ хўжалиғи ҳалокатга юз тутди (МДА, 29-фонд, 3-рўйхат, 1067-иш, 12-13-варақлар). Бироқ марказий ҳукумат Туркистон қишлоқларидаги вазиятни ўнглашга уринмади. Марказни фақат империяча манфатлар – имкон қадар кўпроқ миқдорда хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларини ташиб кетиш қизиқтирарди. Очарчилик ва инқироз давом этаётганига қарамай, 1920 йили ўлкадан Россияга 4,5 баравар кўпроқ ғалла ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиб кетилди. Эслатиб ўтиш жоизки, Русия империяси Туркистонни босиб олгач, ўлкадаги буғдойзорлар пахта майдонларига айлантирилиб, ғаллани марказий губернияларидан келтириш йўлга қўйилган эди. Ўша кезлар Россиядаги фуқаролар уруши сабаб ўлкага ғалла келтириш деярли тўхтатилган эди (*Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Тошкент, "Шарқ", 2001. 225-бет*).

1920 йил августда Туркистон ҳудудида озиқ-овқат тақсимоти (продрозвёрсткаси) жорий этилди. Тақсимот сиёсати аҳолини очиқдан-очиқ талашга айланиб, ижтимоий кескинликни кучайтирди. Тарихчи Р. Нуруллиннинг ёзишича, 1920 йил охирида фақат ишчилардан 42 та озиқ-овқат тўпловчи отряд тузилиб, уларга 3000 киши аъзо қилинган эди (*Нуруллин Р. Совети Туркестанской АССР в период иностранной военной интервенции и гражданской войны. Ташкент, "Фан", 1965. Стр. 130*).

Ушбу отрядлар 1920–21 йилларда маҳаллий аҳолидан 9,7 млн пуд ғалла, 6,3 млн пуд ем-хашак, 1,6 млн пуд гўшт ва бошқа маҳсулотларни тортиб олди. Тортиб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари зудлик билан Марказга жўнатилади эди (*Ўша асар, 221-бет*).

РСФСР Халқ Комиссарлари Совети раиси В. Ленин 1921 йил 12 июлда Туркистон Озиқ-овқат халқ комиссарлигига йўллаган телеграммасида Москвага жадаллик билан 250 минг пуд

ғалла юборишни буюради (*Ленин В. Ўрта Осиё ва Қозогистон тўғрисида. Тошкент, 1984. 604-бет*). Совет ҳокимияти раҳбари бу билан чекланмай ўша йилнинг сентябрида Туркистондан Озарбайжонга 600 минг пуд ғалла жўнаштишга кўрсатма беради (*Ўша асар, 610-бет*).

Пухта ўйланмаган иқтисодий сиёсат сабаб нафақат Туркистон, бутун шўролар давлатида озиқ-овқат танглиги кучайди. Ўша кезлар В.Ленин илғор ишчиларни деҳқонлардан ғаллани тортиб олиш учун “салиб юриши”га даъват этди.

Махфий ҳужжатлар озиқ-овқат отрядлари ноинсоний йўл тутганидан гувоҳлик беради. Туркистон инқилобий ҳарбий кенгаши ҳузуридаги Фавқулодда комиссияси хабарномасида айтилишича, озиқ-овқат отрядлари ўлкадаги қишлоқлардан барча ғаллани тортиб олган.

Афсусланарлиси, амал-тақал кун кечираётган деҳқонлардан тортиб олинган катта миқдордаги ғалла нобоп шароитда сақлангани боис чириб кетган (*МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 89-иш, 17-18-варақлар*).

Туркистон ўлкаси, кейинчалик Ўзбекистондан Марказга олиб кетилган хомашё ва бошқа маҳсулотлар совет Россияси ва СССРнинг ҳарбий-иқтисодий кудратини оширишда асқатди. Жаҳондаги йирик иқтисодчи олимлар 1970 йилда тайёрлаган ҳисоботга кўра, шўро замонида ўлкадан Россияга ҳар йили 40 миллиард долларлик моддий бойлик ташиб кетилган.

Мурод РАҲМАТОВ,

*Навоий давлат Педагогика
институтини ўқитувчиси*

Sarobga aylangan orzular

Аждодларимиз асрлар давомида янги ерларни ўзлаштириб, деҳқончилик маданиятини такомиллаштириб келган. Афсуски, мамлакатимизда советлар ҳукмронлиги ўрнатилгач, қишлоқ хўжалигига бир томонлама ёндашилиб, республика хомашё базасига айлантирилди. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг совет ҳукумати Ўзбекистонда кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳисобига пахта етиштиришни кўпайтиришга киришди. СССР пахтачилик ишлари министрининг 1950 йил январда қабул қилган қарорида Ўзбекистон ССРда келгусида пахтачиликни ривожлантириш учун аҳолини янги ерларга кўчиришни жадаллаштириш алоҳида белгилаб қўйилди (*МДА, 2347-фонд, 30-рўйхат, 7-иш, 66-варақ*). Кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун Марказий Фарғона, Мирзачўл, Қарши, Сурхон – Шеробод чўлларида аҳоли ихтиёрий-мажбурий кўчирилди.

Тадқиқотларга кўра, 1947 йили Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларидаги пахтачилик ва ғаллачилик совхозларига 1863 оила, 1950–52 йиллар мобайнида 3986 оила кўчиб келди. Бироқ янги ўзлаштирилаётган ҳудудларда уй-жой қурилиши ва мутахассислар билан таъминлаш даражаси

анча паст эди (*Турсунов С. Қишлоқ аҳолисининг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш муаммолари. Тошкент, 1994. 13-бет*).

1950-йиллар бошидан Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш ҳаракати ҳам авж олди. Дастлаб янги ерларни ўзлаштиргани 198 та хўжалик кўчирилган. Натижада Марказий Фарғонада 5 та совхоз, 24 та колхоз вужудга келди. Бироқ чўлқуварлар учун тураржой қуришда маҳаллий иқлим ва тупроқ хусусиятлари ҳисобга олинмаган. Оқибатда янги аҳоли пунктлари санитария ва гигиена талабларига жавоб бермаган. Одамларга етарли моддий ёрдам кўрсатилмаган, зарур жиҳозлар ажратилмаган. Ўша вақтдаги матбуот нашрларида ёзилишича, Марказий Фарғонани ишчи кучи билан таъминлаш аҳолининг нечоғли уй-жой билан таъминланганига боғлиқ бўлган. Лекин ўша кезлар аҳолини уй-жой билан таъминлаш умуман талабга жавоб бермаган (*“Партия турмуши”. 1968, 8-сон*). Янги кўчирилган аҳолига шўри ювилмаган, захи қочирилмаган ерларда шошма-шошарлик билан турар жойлар қурилган, ирригация ва мелиорация ишлари тупроқ таркиби атрофлича ўрганилмасдан олиб борилган.

1953–67 йилларда Марказий Фарғонанинг янги ўзлаштирилган ерларига 10 мингга хўжалик кўчирилди. Бироқ уларнинг фақат 70 фоизи уй-жой билан таъминланган эди (*Жабборов Н. Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш проблемалари. Тошкент, 1969. 113-бет*). Мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида 1964 йилдан Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш ишлари давлат бюджетига ўтказилган. Янги ерларни ўзлаштириш учун қилинган харажат 5–6 йилда қопланиши режалаштирилган. Кўзланган режа ошиги билан бажарилган бўлса-да, ижтимоий мушкулотлар ҳал этилмаган. Янги пахта майдонларидан олинган ҳосил харажатларни қоплабгина қолмай, 18 млрд сўм даромад келтирган.

Вазифасига совуққонлик билан ёндашган ташкилотларнинг айби билан кўплаб оилалар сарсон-саргардон бўлган. Аммо ҳисоботларда “Социалистик мамлакатларда ишсизлик, миллий камситиш, миллий низо, иқтисодий қийинчилик сингари жараёнлар, миграцияга мажбур қилувчи сабаблар бутунлай тугатилади ва бошқа мамлакатга кўчиб юришга эҳтиёж қолмайди”, деб таъкидланган. Расмий матбуот эса кўчаётганларга имтиёз берилаётгани хусусида бонг урган: “Имтиёзлар туфайли янги ўзлаштирилаётган ерларга кетаётган оилаларнинг сони кўпаймоқда, фақат 1966 йилнинг ўзида мамлакатимизда қарийб 37 минг оила кўриқ ва бўз ерларга кўчиб ўтди” (*Муллажонов И. Ўзбекистон аҳолисининг миграцион алоқалари. Тошкент, 1967. 6-бет*).

1969 йили ЎзССР Министрлар советининг “Ўзбекистонда янги ерларга кўчиб боровчилар учун имтиёзлар тўғрисида” 114-сонли қарори қабул қилинди. Қарорда Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё областлари колхоз ва совхозларига режали тартибда кўчиб борадиган оилаларга қуйидаги имтиёзлар белгиланди: а) оила бошлиғига 150 сўм, оиланинг ҳар бир аъзосига эса 50 сўмдан тўланади. Ушбу сумманинг 50 фоизи кўчиш олдидан, қолган 50 фоизи бир йил ишлагандан сўнг берилади; б) кўчиб борадиган оилаларга уй ёки квартира тақдим қилинади, уй эгалари икки йилгача квартира ҳақини тўлашдан озод этилади. (Кўчиб борган одам қайтиб

кетгудек бўлса, унинг меҳнат дафтарчасига бу ҳақда маълумот киритилган. Натижада у бошқа жойларда ишлашда тўсиқларга дуч келган.)

Кўриқ ерларни ўзлаштиришда оилаларни озиқ-овқат билан таъминлаш, маиший хизмат кўрсатиш муаммолари ҳам бартараф этилмаган. Масалан, Пойариқ туманидан Мирзачўлга кўчирилган 44 оила уч ой озиқ-овқат билан таъминланмаган. Саноат моллари, айниқса, ёғ ва совун ўз вақтида етиб бормаган. Таъминотдаги сурункали узилишлар боис қочоқлик авж олган (*МДА, 95-фонд, 2606-иш, 7-8-варақлар*).

Хукумат амалга оширган тадбирларда кўпинча чўлқуварларнинг хоҳиши инobatга олинмас, бу уларнинг норозиликларига сабаб бўлар эди. Норозилик сабабларидан бири қишлоқ аҳолиси орасида кенг тарқаган кўрғончалар (хуторлар) қуришга қарши қаратилган сиёсат эди. 1969 йил 11 февралда республика ҳукуматининг 73-сонли қарори билан кўрғончалар қуриш тақиқланди (*МДА, 837-фонд, 41-рўй, 1422-иш, 155-варақ*). Янги ўзлаштирилган ерлардан аҳолининг қайтиб кўчиб кетиши тўхтамаган. Жумладан, Жиззах чўлларига 1974 йилда 7815 нафар киши кўчириб келтирилган бўлса, шундан 5346 нафари яшаш шароити ёмонлиги боис қайтиб кўчиб кетган. Дори-дармон етишмаслиги сабабли эса юқумли касалликлар кўпайган, меҳнатга лаёқатсиз аҳоли сони ошган, баъзан эса ўлим ҳолатлари кузатилган. Самарқанд вилоятидан Сирдарё туманига кўчирилган 2683 кишидан 819 нафари, Андижон вилоятидан Мирзачўл туманига кўчирилган 2112 кишидан 578 нафари, Тошкент вилояти Бўка туманига кўчирилган 1400 кишидан 302 нафари, Қашқадарё вилоятдан Бекобод туманига кўчирилган 2319 кишидан 725 нафари меҳнатга лаёқатсизлиги ҳамда турли хасталиклар сабабли ишлаб чиқаришда иштирок этмаган (*МДА, 837-ф. 33-рўйхат, 5753-иш, 98-варақ*).

Пухта уйланмаган кўчириш сиёсати минглаб аҳолининг сарсон-саргардонликка дучор этилиши, ўзга юртларга бадарға қилиниши ва ўз яқинларидан узоқлашишига сабаб бўлди.

Хусан ХУШВАҚТОВ,
ТошДАУ ассистенти



SUMMARY

Interview with literary scholar Dilmurod Quronov. pp. 4-15.

Rapid advancement of communication technologies, particularly, TV and internet dramatically changed the role and place of literature in a cultural and spiritual life of society. Current generation has more means of satisfying their spiritual and intellectual needs. Literature seems to be losing its dominant place. Some observers consider these changes the main cause of declining readership among youth. What we should do? Can lost reputation and influence of writers and poets on public opinion be restored? One of the leading literary critics in Uzbekistan Dilmurod Quronov shares his views on this issue. Furthermore, he analyses the issues about hermeneutic interpretation of classic texts, consumerism and spiritual well-being.

Ja'far Kholmuminov. Scenes of Globalization. pp. 16-21.

Following the swift development of communication technologies and transportation infrastructure globalization brought a great deal of wealth and comfort along with various negative changes in public life. Its impetuous current is wiping out small nations and minor languages, and decreasing cultural diversity. The author of the article examines the various negative implications of this phenomenon for education, traditions, cultural heritage of small nations. He asserts that instead blindly imitating western life-style, we should harmonize traditional values and modernization.




Sarvar Abdullayev. Destiny and Free Will in Islam. pp. 22-25.

All issues closely related to morality, spirituality and faith have been the central and inseparable part of cultural life of humanity. The issue of Free Will has never been fallen out from intense debates between Muslim theologians and philosophers since the early centuries of Islamic history. Are we free in our choices? If we are free, what about God's absolute control or omnipotence? Are they compatible? Does not our Free Will limit God's Will? If we are not free, why God punishes us for our sins that we have no control over? Before analyzing this issue, the author examines concept "Destiny" or "Taqlir" in Islam. For him, through the concept of taqlir, we can enter the essence of Free Will as it understood in Islamic theology. The article tries to show unique aspects of Islamic solution of this issue.



Khurshid Yuldoshev. Treasury of Aristotle. pp. 26-33.

Aristotle's greatness, his genius cannot be overstated. This year 2400 years anniversary of his birth is being celebrated around the world. There is no philosophical issue Aristotle did not contemplate. Accordingly his writings are covers almost all philosophical questions – from ethics to logic, from politics to aesthetics. But he had never written books for general readers. His all books were collection of lecture notes. How they were collected and edited? Who did that laborious task? The article gives a brief account of the history of Aristotle's manuscripts from his death until the appearance of their final complete editions.






Шоира ҚЎЗИЕВА. "Қунгабоқар"

№ 10797

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нархда

TAFAKKUR

ТАФАККУР 2/2016



ISSN 2010-6491



9 772010 649005